

САИДАХБОР БУЛАТОВ

РАНГШУНОСЛИК

ТОШКЕНТ-2007

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

С.С.БУЛАТОВ

РАНГШУНОСЛИК

Бакалавриятнинг 5140900 касбий (5111200 – Амалий санъат) таълим
йўналиши талабалари учун дарслик.

ТОШКЕНТ-2007

Дарсликда рангшунослик фанининг назарий ва амалий машқлар тизими берилган бўлиб, рангшунослик муаммолари, тарихи, ранг номлари, рамзий маънолари, бўёқлар, асбоб, ускуналар, рангшунослик амалий машқлар, ҳалқ усталарни ишларидан нусхалар олиш, компьютерда нақш композициялар тузиш ва бўяш ҳамда буюмларни бадий безаш технологияси берилган.

Мазкур дарсликда педагогика университетларининг санъат факультети бакалавриат босқичи 5140900 – касбий таълим, 5211200 – амалий санъат йўналишида ўқитиладиган “Рангшунослик” фан дастури асосида ёзилган. Шу факультет талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда мактаб, касб-хунар, коллежлари ўқувчилари ва тўғарак аъзолари фойдаланишлари ҳам мумкин.

Муаллиф: Ҳалқаро педагогика таълими фанлари академиясининг
академиги, педагогика фанлари доктори,
профессор Булатов Саидахбор Собитович.

Тақризчилар: профессор Н.Абдуллаев педагогика фанлари номзоди
доцент Н.Толипов

Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университетининг
илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тафсия этилган, 2007 йил апрель
10-сонли мажлис баёни.

КИРИШ

Дунё чексиз сир-синоатлардан иборатдир. Уни бамисоли мусаввирнинг “Қора квадрат” асарига рамзий маънода ўхшатса бўлади. Зеро, “квадрат” – унинг адабий яратилганлигини, тўрт томони – чексизлик тимсолини англатса, “қора ранг” эса мавхумлик дунё сир-синоатининг барчасини англаб бўлмас сир эканлигидан далолат беради. Инсоният нақадар шу сирларни билишга ҳаракат қилмасин, бироқ унинг тафаккури ожизлик қилиши, табиийдир. Пировардида, бу мўжизаларни ўрганиш учун инсонга чексиз умр керак бўлиши ҳақида фалсафий хулосага келасан, киши.

Борлиқни кузатар эканмиз, бизни қуршаб турган олам турли-туман ранглардан иборат эканлигини куриб ҳайратга тушамиз. “Бу рангларда қанчалик маъно ётади?” – деб уйга толасан. Аجدодларимиз табиатнинг шу сирли оламига ҳайратга тушиб, асрлар давомида уни ўрганиб келишмоқда. Муқаддас китобимиз “Қуръони Карим” да ҳам ранг мўжизалари ҳақида қуйидаги фалсафий фикрлар билдирилган: “Оллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг берувчи борми?”¹ ёки “... ранглари турли бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?!”, яна “... тоғларнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл-йўлиси ҳам, тим қораси ҳам бордир”². “Шуниндек одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам турли ранглилари бордир”³.

Ҳар бир ранг бир одам маъно англатади. “Нима боис табиат яшил рангда яратилган? Буни сабаби нимада? Агар табиат қизил ёки сариқ рангли бўлса, нима маънони англатади. “Нима боис табиат яшил рангда яратилган? Буни сабаби нимада? Агар табиат қизил ёки сариқ рангли бўлса, нима маънони англатган булар эди? Қайси ранглар инсон кайфиятини кўтаради? Қай бири салбий ёки ижобий таъсир кўрсатади? Инсон ёки ҳайвонларнинг ранглари орқали улар саломатлигини аниқласа бўладими?”.

Асрлар давомида аجدодларимиз, фан арбоблари муайян даражада илмий-тадқиқот ишлари, тажрибалар ўтказиб келишмоқда. Ҳозирда, ҳатто баъзи ривожланган мамлакатларда махсус ранг институтлари ва илмий лабораториялар бу борада самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда. Бу ўринда Япониянинг Токио шаҳридаги дунёга машҳур ранг институтини таъкидлаш мумкин.

Йирик олимлар томонидан ранг туфайли рамзий маънода “сўзлашиш”, ранглар воситасида инсонларни даволаш, тарбиялаш, ранглар жилғаси орқали фалсафий фикр юритиш, ранг орқали инсонларнинг ички дунёсини англаш, шунингдек рангларнинг қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишда,

иктисодда ва бошқа масалаларни ижобий ҳал этишдаги мавқеи ҳақида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

¹ Куръони Карим. Бақара сураси, 138 оят.

² Ўша асар. Фотир сураси, 27 оят.

³ Ўша асар. Фотир сураси, 28 оят.

Аждодларимиз бизга ранг ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, шифобахшлиги, тарбиявий, фалсафий ва руҳий томонлари ҳақида жуда кўп маънавий хазиналари қолдириб кетганлар. Афсуски, бу маънавий меросдан тўлиқ фойдалана олмаёпмиз. Чунончи, таълим ва тарбияда, тиббиёт, техника, қишлоқ хўжалиги, иқтисод ва бошқа соҳаларда бу масалаларга етарли даражада урғу берилмаяпти. Холбуки, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида рангларнинг инсон ҳаётидаги ўрнига жуда катта аҳамият берилмоқда.

Маълумки, таълим тизимида рангшунос фани ўргатилади. Лекин, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган дарслик ўқув-қўлланма, электрон версия ва бошқалар етарли эмас. Рангшунослик фанининг ўқитиш методикаси бўйича илмий тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган.

Аждодларимизни амалий санъат турларидан қолдирган маънавий меъросига мурожат қилсақҳар бир буюм ёки безак бўлмасин, уларни шакли, ранги ва хажмга эга. Масалан, ўша безакни ранги инсон психикасига турлича таъсир этади, бу ранглар ўзига хос рамзий маънога ҳамда шифобий хосиятга эга бўлади. Шундай экан амалий санъат бўлажак уста – муаллим рангшунослик фанини чуқур ва атрофлича бўлиши зарур.

Миллий рақобат бардош кадрлар тайёрлаш учун педагогика университетларида янги стандартлар ва ўқув ранглари асосида дастурлар тузилди. Дастурлар асосида дарсликлар ёзилмоқда. Мазкур дарслик ҳам педагогика университетларининг “Амалий санъат” бакалавр йўналишдаги “Рангшунослик” фани дастури асосида ёзилган. Дарслик шу йўналишдаги талабалари учун мўлжалланган.

Дарслик икки қисмдан иборат бўлиб, рангшунолик фанини назарий томонлари ва амалий қисмларидан иборат.

Дарсликда рангшунослик фанини ўқитилиши мақсад ва вазифалари; рангшунослик тарихи; рангларни тарбиявий, маънавий, психологик томонлари; бўёқ турлари бўлмиш акварели, гуашь, темпера ва мой бўёқларни ўзига хос томонлари ҳамда ишлатиш технологияси; рангшуносликка оид амалий машқлар тизими; нақш композиция ва буюмларни бўйаш технологияси, терминлар луғати ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган.

Ҳар бир мавзу учун фото суръатлар, чизмалар, амалий машқлар, терминлар ва адабиётлар берилган. Рангшунослик фанини яхшироқ ўрганиш мақсадида бошқа фанлар ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қилинди. Бу фан физика, кимё, психология, фалсафа, мантиқ, тарих, математика, физиология, тиббиёт, эстетика, этика каби фанлар билан чамбарчас боғлангандир. Дарсликни ёзишда Академиклар В.С.Кузин ва М.Набиев, олим ва тажрибали

методистлар Х.Эгамов, Б.Азимова, Н.Турсуналиев кабиларни ёзган адабиётларидан ижодий фойдаланилди.

Дарсликнинг мазмун ва моҳиятини янада бойитиш борасидаги ижодий изланишлар, албатта, бундан буён ҳам давом эттирилиши, табиийдир. Шу боис, муаллиф ушбу дарслик юзасидан ўзларининг таклиф ва истакларини билдирган барча китобхонларга ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, ёзиб юбордилар деган умиддамиз.

I – БОБ. РАНГШУНОСЛИК ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

I. 1. РАНГ НИМА ЎЗИ?

Табиатдаги ёруғлик манбаи қўёш бўлиб, унинг нури жуда мураккаб ёруғлик ҳисобланади. Инглиз олими Исаак Ньютон ўз лабораториясида биринчи марта қўёш нурини учбурчакли шиша призмадан ўтказиб тажриба қилиб туради ва экранда бир неча тусга ажралиб кўринишини кузатади. Олим қоронғу хонага кичкина тешикдан қўёш нурини туширган ва нур уч ёқли шиша призмадан ўтказилганда экран сиртида спектр рангларининг ҳосил бўлишини аниқлаган. Экран сиртида ҳосил бўлган рангларнинг энг кам синган пастки қисми қизил ранг, энг кўп сингани эса бинафша ранг бўлиб, унинг оралиғида ранг полосалари ўртасида маълум бир чегара бўлмаган, ҳар қайси ранг туслари аста-секин ўзгариб, бошқа ранг тусига ўтувчи зарғалдоқ, сариқ, яшил, ҳаво ранг, зангори ранглар полосасини жойлашишини кўради.

Табиатдаги мавжуд рангларни икки қисмга: ахроматик¹ ва хроматик рангларга ажратиш мумкин. Оқ кул ранг ва қора ранглар ҳамда уларни ҳар хил нисбатда аралаштиришдан ҳосил бўладиган барча ранглар туслари ахроматик ранглар дейилади. Спектрда ахроматик ранглар қатнашмайди.

Агар биз картондан доира қирқиб олсак ва уни спектр ранглари тартибида қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, ҳаво ранг, зангори рангларга бўяб чиқиб, ўз ўқи, яъни вентилятор ўқиға ўрнатиб ўз ўқи атрофида тез айлантирсак умумий кўринишдаги кул ранг тусни кузатамиз. Яна худди шу усулда учта асосий ранглар – қизил, сариқ ва зангори рангларни айлантирганимизда эса янада ёруғроқ бўлган оч кул ранг ҳосил бўлади. Шу етти хил рангни палитрада аралаштириб кўрсак қорамтир тусдаги кўримсиз аралашма ҳосил бўлади.

Ахроматик рангларнинг хроматик ранглардан фарқи шуки, улар танламай ютиш ва қайтариш хоссаларига эга. Ахроматик ранглардан бошқа барча ранглар, яъни бирор ранг тусига эга бўлган ранглар хроматик рангларга киради.

Ҳар бир хроматик ранг учта хоссага: ранг тусига, ранг ёрқинлигига (яъни кам ёки кўп ёрқинлигига), ранг куйинганлигига (яъни ранг қуюқлигига) эга бўлади.

Спектрни синчиклаб кузатсак унинг энг чеккасидаги қизил ва бинафша ранглари орасида ўхшашлик аломатини сезамиз. Иккала ранг бир-бирига қўшилса, уларнинг оралиғида қирмизи ранглар ҳосил бўлади.

Ранглар доирасида ранг туслари жуда кўп бўлиши мумкин, лекин бизнинг кўзларимиз 150 тага яқинини ажратишга қодир.

Совуқ рангларга эса муз, сув, осмоннинг рангини эслатувчи кўкиш ранг, зангори, бинафша, ҳаво ранг, тўқ яшил, кўкиш қизил ранглари киради.

¹ Ахроматик ранг – грекча туссиз ранг демакдир. Улар бир-бирларидан ёруғлик кучлари билан фарқ қилади.

Табиатдаги мавжуд ранглари яна ўз навбатида илиқ ва совуқ рангларга ажратиш мумкин. Илиқ рангларга қуёшни, алангани, қизиган темирнинг тафтини эслатувчи сариқ, зарғалдоқ, қизил, сарғиш яшил каби ранглари кира.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Ранг, Ахроматик ранглари, Хроматик ранглари, Спектр ранглари, Ранг ёркинлиги, Асосий ранглари, Қуёш спектори, Илиқ ранглари.

САВОЛЛАР:

1. Спектр рангларини биринчи бўлиб қайси олим тажрибада синаб кўрган ва аниқлаган?
2. Спектр рангларига қайси ранглари киради?
3. Ахроматик ва хроматик рангларнинг фарқи нимада?
4. Хроматик рангларнинг асосий хоссалари нималардан иборат?
5. Асосий ранглари неча хил бўлади ва улар қайсилари?
6. Илиқ ранглари қайси ранг туслари киради?
7. Совуқ ранглари қайси ранг туслари киради?

I. 2. РАНГШУНОСЛИК ТАРИХИ.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАНГШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ.

Дунё чексиз сир-саноатлардан иборат. Уларни ўрганиш учун чексиз инсон умри керак бўлади. Аждодларимиз табиат томонидан яратилган барча неъматларнинг сирли оламини, сабабларини ўрганишга ҳаракат қилганлар ва шундай хулосага келганларки, дунёда ҳеч бир нарса сабабсиз яратилмаган, Чунончи “ранг” атамаси тўртта ҳарфдан иборат бўлса-да, унинг маъносига ва сирли оламини ўрганишига инсонларнинг умри етмайди. (1-2 расм). Рангни илмий ўрганиш учун “Рангшунослик” фани юзага келган. Ранг инсон ҳаётида чексиз аҳамиятга эга. Шунинг учун асрлар давомида олимлар томонидан ранглар ҳақида жуда кўп илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва олиб борилмоқда. Ҳозирда ҳаттоки бир қанча давлатларда махсус ранг институтлари ва илмий лабораториялар ишлаб келмоқда. Айниқса, Япониянинг Токио-шаҳридаги ранг институти дунёга машҳур. Дунёнинг таниқли олимлари томонидан ранг орқали рамзий маънода гапириш; ранглар воситасида инсонларни даволаш; тарбиялаш; ранглар жилқаси орқали фалсафий фикр бериш; ранг орқали инсоннинг ички дунёсини билиш; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари унумдорлигини ошириш; инсонларнинг маънавиятини шакллантириш ва бошқа масалалар ўрганилмоқда.

Республикамызда юқори малакали ва маърифатли кадрларни етиштириш ва илм соҳиблари сафини шакллантириш мақсадида бир қатор вазифалар амалга оширилмоқда.

Инсон умрининг ҳар лаҳзасида учрайдиган ранг инсонларнинг маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Чунки ранг руҳиятга ҳар дақиқада ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Ёрулик бор жойда ранг бўлади. Чунончи кечкурун ўйингизда чироқ учиб қолди, дейлик ҳамма жой қоп-қора зулмат бўлиб кўринади. Сиз сиқиласиз, тушкунликка тушасиз, инсонда мавҳумлик пайдо бўлади. Кўз қорачиғи катталашади, юрак ўриши ўзгаради, бу ҳолат кишиларнинг соғлиғига салбий таъсир этади. Бунинг аксини олайлик ҳар баҳорда лола сайлига чиққанингизда, тоза ҳаводан ташқари, қир-адирларда турли рангдаги гулларни, майсаларни, мусаффо осмонни, тоғ чуққисидаги оппоқ қорларни кўриб, руҳингиз кўтарилади, ҳаётга ва табиатга бўлган муҳаббатингиз янада ошади. Шунинг учун ҳам, қадимий қўлёзмаларда ёзилганидек табибларимиз эрта баҳорда қир-адирларга саёҳат қилишни тавсия этганлар.

Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Комолиддин Бехзод, Фирдавсий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби жаҳонда машҳур аждодларимиз ранг, унинг турлари, номлари, рамзий маънолари, инсон соғлиғига таъсири ва бошқалар ҳақида жуда кўп

ёзганлар, илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Чунончи: Абу Райҳон Беруний ўзининг “Китоб ал Жавоҳир-маърифат ал Жавоҳир” (Минералогия)

асарида рангларнинг 200 дан ортиқ номларини санаб ўтган ва бу рангларнинг келиб чиқиши тўғрисида ёзиб қолдирган. Шарқда олимлар, шоирлар, мусаввирлар, наққошлар, хаттотлар рангларнинг юздан ортиқ турини ажрата олганлар ҳамда уларнинг номини, хаттоки, ҳар бир рангнинг рамзий маъносини билганлар. Улардан бизгача етиб келган баъзи намуналар билан танишиб чиқамиз: авлон, раҳувон, барги қарам, бинафша, буғдой ранг, буз гулгун, жигар ранг, зангори, заъфарон, зумрад, қаҳрабон, кул ранг, кўк ложувард, лола ранг, малла, мовий, мош ранг, нафармон, оқ, пистамагиз, пистаки пушти, сариқ, савсар само ранг, сур, феруза, учоқ, кесак қизил, қирмизи, қора, қора мағиз, қорача қўнғир, ҳаво ранг анордона, ақик, байзо гул, барг ранг, бақа туни, бика, бурул, гулнор, гулоби, дани фаранг, жигари, жийрон, жўжа, зийнови, зар, зарчава, зарғалдоқ, каптар бўйин, кўкимтир, лилови, лимуранг, майкайлик микори, новвот ранг, нилоби, нимтатир, ним пушти, норгул, олов ранг, олматакор, оқ упа суви, сабзи ранг, самак кесаксий, сир, совог, сурма ранг, тилла ранг, тупори тўлиқ, тутиёйи ва бошқалар. Афсуски, йиллар, асрлар ўтиши билан аста-секин рангларнинг номи, турлари ва рамзий маъноси ҳамда уларнинг тили йўқолиб кетиш арафасига келиб қолди.

Улуғ алломаларимиз ҳар бир ранг номини нима учун қўйилганлигини ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Аждодларимиз рангдан меъморчилик обидаларини безаш; миллий кийимларда; бетобларнинг касалини аниқлаш, даволашда унумли фойдаланганлар. Чунончи, Шайхул – ислом Ибн Таймийанинг ривоят қилишича, пайғамбаримиз беш хил рангли салла ураганлар, яъни оқ, қора, яшил, қизил ва ҳаво ранг. Қора рангли саллани таъзия маросимларида ураганлар. Мовий (осмон ранг) саллани душман устидан ғалаба қилганда, оқ рангли саллани масжидга боришда, қизил рангли саллани жангда, сариқ саллани касални кўриш учун боришда ураганлар.

Хусайн Воиз Кошифий либосларнинг ранги ҳақида бундай дейди: Либосларнинг ранги турлича бўлади. Ҳар бир ранг ўзига хос маънони ифодалайди. Агар оқ либос нимани англатади, деб сўрасалар, шундай дегин: оқ кийим куннинг рангидир. Шунинг учун бундай либос юрагидагина ва адоватни йўқотади, кишиларга нур ўлашади. Агар кўк либос нимани билдиради, десалар, шундай дегин: - кўк ранг сув рангидир. Шу боис бу рангда кийинган кишилар саҳий ва ҳаётни севувчи бўлишлари лозим. Ким агар бу рангни маъқул кўрса, худди сувдек тоза ва мусаффо, ҳар бир қалбга яқин бўлиши лозим. Агар қора либос нимани англатади, десалар, айт: қора ранг тун ва кўз қорачиғининг рангидир, шу боис бундай либосни кийганларнинг қалблари сир – асрорга тўла бўлади. Агар яшил кийим тўғрисида сўрасалар, шундай айт: яшил ранг самимий ва етук кишилар рангидир. Бундай кийим кийган киши ёрдамга мухтож кишиларга иложи бориша, кўмаклашиши керак.

Аждодларимиз бизга ранг ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, шифовий, тарбиявий, фалсафий, руҳий томонлари ҳақида жуда кўп маънавият хазиналари қолдирганлар. Афсуски, бу маънавий меъросдан тўлиқ фойдалана олмаёпмиз. Чунончи, таълим тизими, тиббиёт, техника хўжалиги, иқтисод ва бошқа соҳаларида бу масалага жуда кам эътибор

берилаяпти. Холбуки, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида рангга жўуа катта аҳамият берилади. Ҳаттоки, рангшуносликка оид илмий муассасалар фаолият юритади. У ерларда ҳамма соҳалар, масалан, маориф, тиббиёт, иқтисод техникада ҳам рангларни ўрганишга оид етук олимлар жуда катта фундаментал илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Марказий Осиёда ота – боболаримиз қолдирган маънавий меъросдан фойдаланмаслигимиз, рангшунослик бўйича бирорта олим етишиб чиқмаганлиги ачинарли ҳолдир. Бу муаммо ҳал этилиши Ўзбекистон иқтисодиётига ва инсонларнинг саломатлиги учун фойдали бўлар эди.

дейди: Либосларнинг ранги турлича бўлади. Ҳар бир ранг ўзига хос маънони ифодалайди. Агар оқ либос нимани англатади, деб сўрасалар, шундай дегин: оқ кийим куннинг рангидир. Шунинг учун бундай либос юрагидагина ва адоватни йўқотади, кишиларга нур ўлашади. Агар кўк либос нимани билдиради, десалар, шундай дегин: - кўк ранг сув рангидир. Шу боис бу рангда кийинган кишилар саҳий ва ҳаётни севувчи бўлишлари лозим. Ким агар бу рангни маъқул кўрса, худди сувдек тоза ва мусаффо, ҳар бир қалбга яқин бўлиши лозим. Агар қора либос нимани англатади, десалар, айт: қора ранг тун ва кўз қорачиғининг рангидир, шу боис бундай либосни кийганларнинг қалблари сир – асрорга тўла бўлади. Агар яшил кийим тўйрисида сўрасалар, шундай айт: яшил ранг самимий ва етук кишилар рангидир. Бундай кийим кийган киши ёрдамга мухтож кишиларга иложи борица, кўмаклашиши керак.

Аждодларимиз бизга ранг ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, шифовий, тарбиявий, фалсафий, руҳий томонлари ҳақида жуда кўп маънавият хазиналари қолдирганлар. Афсуски, бу маънавий меъросдан тўлиқ фойдалана олмаёпмиз. Чунончи, таълим тизими, тиббиёт, техника хўжалиги, иқтисод ва бошқа соҳаларида бу масалага жуда кам эътибор берилаяпти. Холбуки, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида рангга жўуа катта аҳамият берилади. Ҳаттоки, рангшуносликка оид илмий муассасалар фаолият юритади. У ерларда ҳамма соҳалар, масалан, маориф, тиббиёт, иқтисод техникада ҳам рангларни ўрганишга оид етук олимлар жуда катта фундаментал илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Марказий Осиёда ота – боболаримиз қолдирган маънавий меъросдан фойдаланмаслигимиз, рангшунослик бўйича бирорта олим етишиб чиқмаганлиги ачинарли ҳолдир. Бу муаммо ҳал этилиши Ўзбекистон иқтисодиётига ва инсонларнинг саломатлиги учун фойдали бўлар эди.

*Жумбоқларга тўла бепоён
Ўлкани биз тадқиқ,этамиз
Кимки истар сирлар ечмоқни-
Шу ёрқин сир бўлар намоён...
Бизларни ҳеч айб этманг сиз!
Биз истиқбол ва мангуликнинг
Сархадида доим жангдамиз.*

Гийом Аполлинер¹

МЕЪМОРИЙ БЕЗАКЛАРИНИНГ ШАКЛ ВА РАНГЛАРИНИ РАМЗИЙ ИФОДАСИ

Президентимиз И.А.Каримовнинг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" китобига ёзилган сўз бошисида ўқтириганидек "Ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждоларимизнинг меъросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни хис этиб яшаш" мустақил республикамиз ҳар бир фуқаросининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолди.

Шунинг учун Ватанимиз илми, маданияти ва қадриятлари тарихини манбалар асосида чуқур, холисона ўрганиш ва ёритишга бўлган интилиш яхши самара бермоёда.

Қадимдан аждодларимиз яшаётган масканларига, девору тошларига, идиш—товоқларига ов жараёнлари, жангу-жадаллар, базмлар, ёзувлар, тантана маросимлар, турли ҳайвон, қуш ҳамда ўсимлик ва нақшлар билан безаб келганлар. Бундан ташқари безакларни янада таъсирчан кучини ошириш учун халқ хикматлари, улуғ алломаларнинг панд-насихатлари, турли рамзий маънода ифодалаб келганлар. Улар гўзалликни яхши кўрганлар. Шунинг учун гўзаллик орқали инсонларга воқеаликларни тезроқ етказа олганлар.

Булардан ташқари фикр алмашув воситаси сифатида рамзий ифодалар, муайян шакл ва белгиларнинг муомалага киритилиши натжасида ёзув келиб чиққанлиги қадимдан маълум.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов "Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий йуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири-катта бир дарсликдир" деб таъкидлаб ўтган эди.

Хўш рамз нима? "Ишора қилмоқ" сўзидан олинган бўлиб табиатни, воқеаликни, ҳаётдаги қувонч ва ташвишлар, дўст ва душман, эзгулик ва ёвузликларни чизик, ранг ва шакллар орқали ифодалашдир.

Ҳозирда рамзийлик ҳақида ва нақшли безакларни ўқиш алифбоси қиёмига етказиб тузилмаганлиги, "Рамзийлик луғати" ҳамда "Рамзлар энциклопедияси" Ўзбекистонда тузиб чоп этилмаганлиги кўпгина

кийинчиликлар туғдирмокда. Чет элларда эса деярли амалга оширилиб бўлинган.

¹ Самарқанд. (Кириш сўзи муаллифлари В.А.Булатова, Г.В.Шишкина). – Тошкент: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашр, 1986 – 13 б.

Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Низомий Ганжавий, Носир Хусрав, Камоллиддин Беҳзод, Маоний, Фирдавсий, Умар Хайём, Бобур каби жаҳонга машхур олим ғузалоларимиз, нақшдошларимиз биноларни кишилар ҳаёлини ўзига тортувчи, табиатнинг ғўзал манзараларига монанд нақшлар билан безашга чақирганлар. (3,4,5,6-расм). Кишиларни ғўзаллик билан яқин дўст, биродар бўлишга ундаганлар.

Алишер Навоий ҳам асарларида мусаввир ва нақш санъати таърифида айтилган завқ ва эҳтиросга тўлиқ сатрларни кўп учратамиз.

Алишер Навоийнинг замондоши тарихчи Зайниддин Восифий "Бадос-ул вақос" асарида қизиқ бир ходисани хабар қилади. Машхур мусаввир Беҳзод янги суратни Алишер мажлисига келтирган. "Суратда тасвирланишича, ораста боғча, турли-туман дарахтлар... Хўшсуврат кушлар, ҳар тарафда ариқчалар... Очилган зангори гул турлари ва унинг орасида Мир (Алишер)нинг ёқимли хўшсуврати. У асосга таянган. Ёнида сочиқ, зар тўла табоқларни қўйган. Ҳазрати Амир ул сувратни: мушоҳада ва мулоҳаза қилди: ул нафис саҳифа боғлар ичра латиф ва шодлик гуллари ва хузур (бағишловчи) дарахтлар билан безатилган.

Сўнгра Навоий мажлисда ҳозир бўлганларга қараб деди: Азизларнинг хотирига бу муҳим устози ва Хуросон ахлининг машхурларидан бўлган Мавлоно Фасихиддин деди:

- Махзумлар. Кўз олдимдаги бу очилган раъно гулларни қўл чўзиб ўзсому дасторимга санчисам?

Мирнинг улфати ва дўсти Саҳиб Додо:

- Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо, қўл чўзсам дарахтлар устидаги кушлар хуркиб, учиб кетмасин деб андиша қилдим,- деди.

Хуросоннинг хўштабиат ахлидан ва пешвонларидан бўлган ҳамда Мир билан доимо тегишиб қочириб сўзлар айтиб юрадиган Мавлоно Бурхон:

- Мен мулоҳаза билан қўлимни тортиб, тилимни тиймоқчиман: агар сўз қотсам, ҳазрат Мир аразлайдилар ва юзларини буриштириб, қошларини чимирадилар-деди.

Нозик табиатли Мир унга "Латифтариш" деб лақаб қўйган хуросонлик хушомадгўй мавлоно Бадахший бўлса:

- Эй мавлоно Бурхон, агар беадаблик ва густохлик бўлмаганда сувратдаги Мирнинг қўлларидаги ҳассани олиб бошинга солар эдим,- деди. Ҳазрат Мир:

- Азизлар яхши сўзлар айтишди ва маъно дурларини маъқул сочишди. Агар мавлоно Бурхон "номаъқул ишини раво кўрмасалар ва

дагаллик қилмасалар, мен табоклардаги олтинларни дўстларнинг бошидан сочмоқчи эдим,- деди"¹.

¹ Норкулов Н. Комолиддин Бехзод.- Тошкент, 1964-15-16 б.

Айниқса Амир Темур шаҳарларни ҳар томонлама чиройли ва улуғвор қилишга интилан, тош ҳамда ғиштдан кенг ва равон кучалар курдирган. Кучаларда турли хил хунармандлар учун дўппичилик, мисгарлик, заргарлик, бешикчилик, пичоқчилик, бўйрачилик, саватчилик, гиламчилик расталари барпо эттирган. Темур Париж, Боғдод, Дамашқ Шероз, Султония, Кохира номи билан аталувчи қишлоқлар, Боғи нав, Боғи бихишт, Боғи баланд, Давлатобод Сарой боғи, Боғи нав, Боғи чинор каби боғи роғлар, ажойиб, улуғвор саройлар курдирган.

Жаҳонгир фатх этган ўлкалардан жалб этилган кўплаб меъмор - муҳандислар, ғишт терувчилар, ўймакорлик наққошлик ганчкорлик санъати усталарининг ижодий меҳнати, тажрибаси Темур пойтахтини жуда мухташам, гўзал, савлатли бинолар билан безаган.

Президентимиз ИА.Каримовнинг Амир Темур ҳақида шундай деган эди: "Амир Темур тарихда энг буюк шахслардан бири. Ажабланарлиги шундаки, XIV асрнинг энг ёрқин ва мўтабар зотнинг буюклиги кейинчалик ҳар турли афсоналару-ўйдирмалар гирдобиди қолиб кетди.

Ҳайрият ҳақиқат ғолиб келди. Амир Темурнинг йирик давлат арбоби, ўрта аср ислоҳатчиси, жасур адолатпеша, фан ва маданият хомийси сифатида сиймоси ҳар турли мафкуравий таъсиротларга, камситилган ва адолатсиз баҳоларга қарамай асрлар оша яшаб келди.

Амир Темур маънавий меросининг ўзаги - Самарқанддир. Афсона шаҳар Жаҳон меъморчилигининг дурдонаси. Бунёдкор инсон теран заковатли ва чексиз ҳаёлатининг ноёб ижоди намунаси.

Маънавий бойлиқўй-ҳаёлларнинг софлик ва ахлоқийлиги, нафислик Ўзбекистон халқининг яратувчилик табиати асрлар давомида Гури Амир, Регистон, Шоҳизинда, Тоқизаргарон, Бибихоним масжиди, Улуғбек расадхонаси ва бошқа кўплаб жаҳон аҳамиятига молик дурдоналар нафосати таъсирида шаклланади".¹

Самарқанд суғдининг гўзаллиги ва латофатли шу қадар машҳурки, бу ҳақда баҳс очишнинг ҳожати йўқ дейди: Хофиз Абду.²

Темурдан кейинги ҳоконлар ҳам шу ишни давом қилдирдилар.

"1956 ва 1970 йилларда Шердор мадрасасининг майдон томонидаги пештоқ остини қазиб пайтида майдон қадимий сатхининг пайрахаси (тротуари) топилди. Нихоят 1976 йилда бу майдондан 2 метрдан ортиқ тўпроқ олинди. Майдоннинг қадимий сатхи очилди. Ана шу қазилма вақтида Мирзо Улуғбек мадрасасига киришдаги асосий равоқнинг энига тенг ва бино пойдеворидан олти метр нарироқда сунъий ҳовуз топилди.

Ховуз деворлари ердан бир метр баландликда бўлиб, сув ўтмаслиги учун махсус қиринди қоришмаси билан тўлдирилган.

¹ Амир Темур жаҳон тарихида. Маъсул муҳаррир: Ҳ.Караматов, муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов ва бошқа.. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри.- Тошкент: Шарқ, 2001-4 б.

² Самарқанд. (Кириш сўзи муаллифлари В.А.Булатова, Г.В.Шишикина).- Тошкент: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашр, 1986-19 б.

Тарихий маълумотларга кўра бундан сунъий ховузга ҳар доим ниҳоятда тиниқ сув тўлдирилиб қўйилган ва ҳар хил рангдаги чиройли балиқлар ташлаб қўйилган. Бизнингча бундай оқилона усулини яратишдан мақсад: аввало кошинлар қуёш таъсирида қизиб чакнамаслиги бўлса керак. Чунки сувнинг салқини жазирама қуёш таъсирини озайтиришга катта ёрдам қилади. Бундай тадбирнинг яна бошқа томони шундаки, қуёш таъсирини камайтиришга катта ёрдам қилади. Бундай тадбирнинг яна бошқа томони шундаки, қуёш нурига қарама-қарши турган пештоқдаги кошинлар яраклашининг акси ховузга тушиб, ажойиб тасвир намоён бўлади. Шундай қилиб қуёш пештоқдан ўтгунга қадар унинг акси пештоққа ишланган нақшда, нақшдаги акси эса ховуздаги сувга тушиб, гўё ерда ҳам, пештовда ҳам қуёш яраклаб чиқиб турган манзарани кашф этади, лекин бу тадбирдан ҳам кўнгли тўлмаган ҳоқон қуёшнинг жазирама иссиғи кошинлар жилосига таъсир этмаслиги учун пештоқнинг энига баробар қилиб замонасининг чиройли матоларидан жилт ҳозирлатиб, эрталаб қуёш чиқишидан пешингача пештоқни уратар ва пешиндан кейин олдириб қўяр экан".¹

Дунёга энг кухна шаҳарлардан бири Самарқанднинг эски шаҳар маркази, яъни Регистонда савлат тукиб тўрган Шердор мадрасасига бир назар солайлик. Унинг пештоқлари, баҳайбат гумбазлари ва чиройли минорлари, ранг-баранг сирли кошинлари мамда нафис, ҳашаматли, даб-дабали ишланган жим-жимали қопламаси кишини ҳайратга солади. Ушбу Мадраса бошқа меъморий ёдгорликлар сингари ўз мазмунига ва тарихига эга.

Самарқанднинг куксида қад кўтарган Регистон шаҳрига келган. Ҳар бир сайёҳнинг диққатини ўзига жалб этади. Регистонда 3 та маҳобатли Мадраса жойлашган. Улардан икkitаси 35 метрдан ҳам баланд. Буни ҳозирги 12 қаватли иморатларимизга баровар деса бўлади.

Баҳайбат пештоқлар, гумбазлар ва чиройли миноралар, уларнинг ранг-баранг сирли кошинлар ва жим-жимали қопламаси нафис ишланганлиги, ҳашаматли ва даб-дабалилиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Ҳозирги Регистондаги мажмуа асосан XVII асрда шаклланган бўлиб, Улуғбек мадрасаси (1417-1420), Шердор мадрасаси (1619-1636) ва Тилла қори мадрасасидан (1647-1660) иборат.

Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасаси, Шердор мадрасаси, Тилла қори масжид-мадрасаси Самарқанд меъморлари ижодий (7 расм) дарсининг нодир намуна бўлиб келмоқда. Бу улуғ ер заминда неча-неча

мутафаккир, зиёлилар, алломалар, пирлар, устозу-шогирдлар, олимлар қадамининг изи бор. Уч муборак университетнинг ҳар бир меъморчилигимиз дурдоналари бўлиб ҳисобланади.

¹ Ҳаққулов А. Таъмир саънати. – Тошкент: Меънат, 1991.52-53 б.

Шердор Мадраса XVII асрнинг биринчи яримида яъни 1619-1636 йилларда қурилган. Уни Самарқанд ҳокими Ялангтуш Баҳодир уста мулла Абдужаббор меъмор ва наққош бошчилигида қурдирган ва безатилган. Меъмор олдига Баҳодир Ялангтуш ҳеч бир нарасада ўзининг улуғ аجدодларидан қолишмаслигини у зиёкор эканлигини ва халқига зиё яъни илм тарқатганлигини нақшли безаклар орқали халқда етказиш вазифасини қуйган. Уста мулла Абдужаббор бошчилигида наққош ва мусаввир Муҳаммад Аваз Самарқандий ишлаган. Наққош ўлкан пештоқ равоқи тепасидаги безак орқали масалани хал қила олган. (8 расм).

- Меъмор Мадраса пештоқига қўйидаги шеърни жимжима қилиб ёзиб безалган:

*“Шижоатли амир Ялангтуш одил,
Камолин махида дурлар сочар тил:
Ер нуқтасин осмон авжидан авфо-
Кўтариб Мадраса эттирди бино,
Еру кўк зийнатин бўлди ялови.
Тоқиси-камолот, ақл ўлчови.
Кўп тиришиб, илмдан боғлаб ҳам қанот,
Ақлнинг лочини ечолмас, ҳайхот!
Минора учига ташлаб ҳам камон,
Фикрнинг дарвози чиқолмас харчанд.
Тоқига мухандис берганда орой,
Осмон бармоқ тишлаб, деди: "Янги ой!?"
Ялангтуш Бахрдир куйган чун асос,
"Ялангтуш Баходир " - тарихига мос”.*

Мадраса икки қаватли. Бош тарзидаги пештоқнинг икки ёнига гулдаста ишланган. Пештоқ, ичкарисига қошинкори безак орасида қора зоминли қошинга оқ харфлар билан меъмор Абдужаббор номи ёзилган.

Мадраса пештоқи қошин парчалари билан териб симметрик қилиб рамзий нақшлар билан безатилган, қизғиш - зарҳал Шер нозик оқ охуни қувиб кетаётгани тасвирланган. Одам қиёфали йуёш эса зарҳал ёғду билан хошияланган. Улар атрофига нақшу нигорлар чизилган.

Қизиги шундаки, кўпгина олимларимиз ўзларини асарларида "Ислом дини авж олган бир даврда, гарчи ҳар қандай жонзот, хусусан, одам тасвири қатъиян ман этилган деб юритганлар. Вахоланки муқаддас китобимиз Қуръони Каримда ва ҳадиси

шарифда" ман этилган жойи йўқ... Фақат санамларни яшаш тақиқланган. Шунинг учун биз тирик мавжудотларни тасвирлаш ман этилган деган фикрга қўшилмаймиз.

Сабаби шундаки сақланиб қолган тарихий хужжатлар бу фикрни инкор этади XV-XVII асрларнинг турли адабий ва тарихий асарлари масалан, (XV-XVII асрдаги "Шохнома" нинг жуда кўп қўлёзмалари, XV асрдаги "Зафарнома ва бошқалар) даги миниатюралар дунёвий ҳаёт, меҳнат ва манзараларини тасвирлайди ва деворларига турли жониворлар расми тасвирланган, лекин йўқ бўлиб кетган меъморчилик обидалари гувоҳлик беради.

"Меъморчилик ёдгорликларининг баъзи фасадларида жонли мавжудотлар тасвирланган кошинли ва сирли намоёнлар ҳозирга қадар сақланиб қолган. Масалан: Шахрисабздаги Оқсарой (1380-1405 йил) пайтоғи шерлар расми солинган намоёнлар билан безатилган. Анов масжиди (1456 йил) пештоғининг равоғи тепасида аждарлар тасвирланган тимпан бўлган. Бухородаги Нодирабегим мадрасаси асосий фасадининг айвони юқорисига лайлақлар расми солинган ва ҳоказо"¹.

Уста Абдужаббор нақадар нақш тилини, гўзаллик фалсафасини, рамзийликни билган ва мустақил ижодкор уста бўлган. У бундай тасвирнинг ўлкан бино пештоғида ишланиши билан меъмор қандай мақсадни назарда тутган экан? Бу масалада ҳозиргача тайин аниқлик йўқдир. Шу ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Таниқли олим Пўлат Зоҳидов ўзининг "Меъмор олами" китобида Шердор мадрасасининг беағи ҳақида шундай дейди:

"Самарқандлик олим Абу Тохирхўжа XIX-асрнинг 30-йилларида ёзган "Самария" китобида Шердор Мадраса пештоғидаги тасвирлани бир оз бошқача талқин қилади. У тасвир мазмунини мусулмон астрологиясида кенг тарқалган осмондаги юлдуз буржлари билан боғлаб тарифлайди.

Абу Тохирхужанинг айтишича, хуршид-қуёш шакли Шер буржи (юлдузлар туркуми) билан қўшилиб кетган: охуни тўтмоқчи бўлган Шер ҳамласини қуёш нурларининг тиғи қайтармоқда. Гўёки нурзиё офатни даф этмоқда. Ҳар ҳолда, ижодкорлар чуқур ғоявий фикрни рамзий тахлитда беришгани кўриниб турибди. Лекин дейди: Пўлат Зоҳидов "ҳозирча, тасвирнинг талқини ҳақида бошқа бирор аниқ тарихий маълумотга эга эмасмиз"¹.

Ҳақатдан ҳам Шердор мадрасаси пештоқидаги безатилган нақш композициясининг қиёмига чиқиб талқин қилиб берилмаган. Чунки нақшни ўқиш тили алифбоси бизгача етиб келинмаган. Ҳозирда эса нақшларнинг рамзий ўқиш алифбоси тузилмаган. Шунинг учун нақш безакларни ўқиш масаласи муамо бўлиб келмоқда.

Самарқандлик олим Абу Тохирхўжа "Самария" китобидаги Шердор Мадраса пештоғидаги тасвирларни астрология яъни мунажжим илми билан боғлиқлиги деган фикри тўғри деб ҳисоблаймиз. Лекин "охуни тўтмоқчи бўлган Шер ҳамласини қуёш нурларининг тиғи қайтармоқда.

Гўёки нурзиё офатни даф этмоқда" деган фикрга қўшила олмаймиз. Чунки тасвирга яхшилаб қарасангиз йўлбарссимон шер, қуёш ёғдуси, ислимий нақш бири юқоридаги алохида ислимий нақшлар ҳам бир хил олтин рангда берилган.

¹ Крюков С. Регистон. (Самарканд архитектура ёдгорликлари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1965.-8-б.

Яъни йўлбарссимон шер зиёкорлигини қуёш ёғдуси сингари зиё тарқатганлигини, олтинсимон рангли ислимий нақшлар халқига зиё тарқатганликни рамзий маънода акс эттирган. Қуёшдаги қиёфа эса буларни ҳаммасига яратгувчи гувоҳдир деб ишора қилинган..

Энди безакларни ўқиш алифбосини ўқиш масаласига келсак ҳозирда рамзийлик ҳақида ва нақшли безакларни ўқиш алифбосини қиёмига етказиб тузилмаганлиги, "Рамзийлик луғати" ҳамда "Рамзлар энциклопедияси" Ўзбекистоннинг тузиб чоп этилмаганлиги кўпгина қийинчиликлар туғдирмоқда. Чет элларда бу каби ишлар амалга оширилиб бўлинган.

Ўзбекистонда ушбу муаммони ҳал қилиш учун нақшларни ўқишнинг дастлабки алифбосини туздик. Уларни гуруҳларга ажратиб рамзий маъноларни қуйидаги бўлимларга бўлиб чиқдик:

1. Геометрик нақш элементларининг рамзий маънолари;
2. Исломий нақш элементларининг рамзий маънолари;
3. Қуёш ва ҳайвонларнинг рамзий маънолари;
4. Буюмларнинг рамзий маънолари;
5. Рангларнинг рамзий маънолари.

¹ Зоҳидов П.Меъмор олами. – Тошкент: Қомус бош таҳририяти, 1996. – 230 – 231 б.

1-жадвал

Нақшларни ўқиш алифбоси

№	Рамзлар	Мазмуни
Геометрик нақш элементлари		
1.	Нукта	Ҳаётни бошланиши, заррага, тангрини ягоналиги, ҳаётни тугаганлик ва бошқалар рамзи.
2.	Тўғри чизик	Ҳаётни, тўғри ёки ҳаётни равонлиги.
3.	Тўлқин чизик	Ҳаётни нотекислиги, ойни ўн беши ёруғ, ўн беши коронғуликлиги.
4.	Олти қиррали юлдуз.	Ҳаётни бошланиши ва охири.
5.	Мусбат белгиси.	Жуфтлик рамзи.
6.	Тик турган ҳолатидаги тенг томонли учбурчак.	Ҳаётнинг бошланиши.

7.	Тескари турган ҳолатида тенг томонли учбурчак.	Ҳаётнинг охири.
8.	Тенг ёнли учбурчак.	Яхлит бўлинган бўлак қайрилиқ олам, дунёнинг тўрт томони, осмон саройи.
9.	Квадрат.	Қуёш фарзанди, абадийлик ёруғлик мустаҳкамлик оламнинг чексизлиги. Борлиқ ер, сув, олов ва ҳаводан иборатлигини билдиради.
10.	Тўғри тўртбурчак.	Ишонч.
11.	Ромб.	Аёл яъни она ер, серфарзандлик.
12.	Айлана.	Олам, бахт, қуёш, абадийлик инсонларни ёвуз ниятидан қайтариш рамзи.
13.	Беш қиррали юлдуз.	Ҳаётни қисқалигини, беш кунлик дунё, исломнинг беш устуни.
14.	Ярим айлана.	Бахт.
15.	Янги ой.	Ислом динининг ифодаси. Мусулмонлик.
16.	Қуёш.	Ҳаёт, ёруғлик, илиқлик.
17.	Қуёш нури.	Зиё.
18.	Булут, олов.	Ғолиблик, улуғворлик.
Ислимий нақш элементларининг рамзий маънолари.		
1.	Бодом.	Бахт – иқбол.
2.	Барг.	Баҳорги ўйғониш.
3.	Қалампир.	Ҳар хил ёмонликлардан ва ёмон кўзлардан.
4.	Зирк гули (гулсафсар).	Асраш рамзи.
5.	Анор.	Осойишталик ва умр узоқлиги.
6.	Ойгул.	Эзгулик тўқчилик.
7.	Жингала.	Бахт – иқбол, гўзаллик.
8.	Олма.	Тукин – сочинлик, бойлик рамзи.
9.	Новда.	Мухаббат.
10.	Япроқ.	Бойлик ва фаравонлик.
11.	Исирик.	Баҳорги ўйғониш. Наврўз.
12.	Атиргул.	Гўзаллик.
Қуш ва ҳайвонлар.		
1.	Шер.	Мардлик, жасорат, кучлилиқ, ҳокимлик.
2.	Тулки.	Маккорлик, айёрлик.
3.	Чумоли.	Донолик, ҳокисорлик.
4.	Булбул.	Садоқат.
5.	Хумо.	Бахт қуши.
6.	Бойқуш.	Бахтсизлик, вайроналик.

7.	Балиқ.	Хушёрлик, халол лукма.
8.	Сичқон.	Ўй ҳайвонларининг кўпайиши рамзи.
9.	Эчки ва қўчқор.	Жасурлик, мардлик, покизалик.
10.	Оқ кабутар.	Тинчлик.
11.	Оху.	Гўзаллик, химоясизлик, нозиклик.
12.	Аждар.	Ёвузлик, ёмонлик.
13.	Илон.	Ёмонлик.
Буюмларнинг рамзий маънолари.		
1.	Тақа.	Ёмон кўздан асраш рамзи.
2.	Ойна.	Кунгил, софлик, акс.
Рангларнинг рамзий маънолари.		
1.	Яшил ранг.	Она табиат, ислом рамзи.
2.	Мовий ранг.	Осмон, коинот, тинчлик, ёмон кўздан асраш рамзи.
3.	Қизил ранг.	Ғалаба, олов, илиқлик, хурсандлик, шодлик, қон.
4.	Сариқ ранг.	Муқаддаслик, ёруғлик, қуёш, кенглик.
5.	Қора ранг.	Мотам, чексизлик, мавхумлик, қўрқув, тушқунлик, ноаниқлик.
6.	Зангори ранг.	Олий эътиқод.
7.	Оқ ранг.	Поклик, озодлик, ёруғлик, бахт, омад.

Тасвир, астрология, мунажжим илми билан боғлиқлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз. Астрология яъни мунажжим илми айрим кишилар ва халқлар тақдирини осмон ёриткичларининг вазиятига қараб айтиш билан шуғулланиладиган таълимотдир.¹

Астрология, илми нужум (арабча-мунажжим илми), айрим кишилар ва халқлар тақдирини осмон ёриткичларининг вазиятларига қараб айтиш билан шуғулланадиган таълимот. Қадимда Сурия, Бобил, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистонда ва Ўрта асрларда Арабистон, Эрон ва Марказий Осиёда кенг тарқий этган.

Мунажжимлар воқеа содир бўлиш пайтида Қуёш, Ой, Меркурий, Венера, Марс, Юпитер ва Сатуриннинг осмон гумбазларидаги вазиятларига ва улар уфқнинг қайси қисмида жойлашганлигига қараб фол очар эдилар. Мирзо Улуғбек мунажжим илми билан ҳам шуғилланган ва назарий ва амалий асослари исботлаб берган. (Мирзо Улуғбек Илми нужум, т. 1994.)²

Агар юлдузлар илмига назар солсак бизнингча Самарқанд ҳокими саркарда Ялангтуш Баҳодир буржи Арслон (Шер) бўлган йилнинг 23 июль - 23 август оролиғида туғилган. Унинг характери ва тақдири қандай бўлган? Юлдуз илми бўйича ўргансак Ялангтуш Баҳодир

маарактери ва тақдири шарқий толеноме "Тақдир таъбири"³ китобида қўйидагича баён этилган. Бу эса нақдини ўқишни янада осонлаштиради деб ҳисоблаймиз.

¹ Ўзбек миллий энциклопедияси, 1 – жилд, -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000. 468-б.

² Ўзбек миллий энциклопедияси, 2-жилд, -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 121-б.

³ Тақдир таъбири. (Шарҳий толеноме) – Тошкент: Янги аср авлоди, 1999. 21-22 б.

"Ҳаммага маълумки олам тўрт унсур - Ер, Сув, Ҳаво ва Оловдан ташкил топган. Ўтиборингизга ҳавола этилаётган навбатдаги мучал қуёш ҳукмронлигида бўлиб, рамзи эса оловга қиёсланади. Шунинг учун мўуал сохиблари меҳрибондирлар. Арслон (Шер) - ҳайвонот подшоси, Одам "Арслон" лар жамиятда етакчилик раҳбарлик сифатлари билан ажралиб турадилар.

Бу мучал сохиблари тор, кўримсиз ўйларга сиғмайдилар. Бошқаришга мойилликлари билан ҳар қандай жойда, ҳар қандай ҳолатда ўзларини эркин сезадилар, бахс ва мунозараларда кўпинча қўллари баланд келади. Улар чиройли ва дид билан кийинадилар.

"Арслон" ёши ўтган сайин босиқлиги ва сокинлиги билан янада улуғлашиб боради, ҳеч қачон мағрур бошини эгмайди.

Катта даврларда "Арслон" ҳамманинг диққатини ўзига тортиши ёки бир бурчакда қовоғини солганча, ҳеч кимга аралашмай ўтириши билан ажралиб туради. У жуда ҳурмат талабдир. Мабодо меҳмонингиз - "Арслон" га нисбатан ўтиборсиз бўлсангиз у сизни ҳеч қачон кечирмайди.

У суҳбат чоғида одамларда ғалати бир таъсурот қолдиради. "Арслон" маслаҳат беришни ёқтиради. Аммо, домланинг айтганини қилганини қилма, деганларидек унинг ҳаёти ҳамиша ҳам урناк бўладиган даражада эмас. Лекин маслаҳатларини инобатга олмасангиз ҳам хато қиласиз! Негаки, унинг ўғитлари турмуш тажрибалари маҳсули бўлиб, азбаройи ўзгаларни ҳавфдан огохлантириш учун ҳам "қуйиб-пишади".

"Арслон" лар мақтовни ёқтирадилар, танқиддан вазохатланадилар. Бу мучал сохибларининг орасида турмушга чиқмаган ёки буйдоқлар умуман йўқ. Чунки "Арслон" доимо севиб, севилиб яшайди. Севги бобида улар алданишлари мумкин, аммо эзилмайдилар.

"Арслон" лар кучсиз, химоясиз одамларга ёрдам беришни, келган ҳавфга қалқон бўлишни яхши кўрадилар ва баъзан-баъзан ишларининг кўплигидан, одамлар ҳадеб унга ёрдам сўраб келавермайдилар. Ундан қарз сўрасангиз ўзида йўқ бўлса, бировдан олиб сизга беради.

Сизга, у сираям пулсиз юрмайди, деган фикр туғилади. "Арслон" ларни кўпинча иситма безовта қилади. Аммо бу мучал сохибларининг ҳеч бири туғма касал билан оғримайдилар. Уларнинг

юраги, бели, оёғи оғриб туради, лекин оғриқ тез ўтиб кетади. Уларнинг битта камчилиги - ўз соғлиқларига жиддий эътибор беришмайди.

Биз юқорида Самарқанд хокими бўлган Баҳодир Ялантушнинг характерини ва тақдирини аниқлаб олдик. Шаҳар хокими уста мулла Абдужаббор олдиға қўйилган вазифани жуда кўп мушоҳада қилади. Меъморчиликлардаги безакларға қараганда ўзига хос тубдан фарқ қиладиган шундай композиция чизганки, нақш тили орқали шаҳар хокими Ялантуш Баҳодир ўз авлодларидан қолмаслигини афсонавий қаҳромонлигини зиё тарқатувчи ўз халқига фидойилигини мохирона кўрсата олган. Меъмор-наққош яъни мунажжим илми, рамзийлик ранг психалогияси муқаддас китобимиз "Қуръони Карим" ни пўхта билиш яққол кўзга ташланади.

Тасвирда эпчил, кучли, енгилмас йўлбарссимон Шер орқали рамзий маънода Ялантуш Баҳодирға ишора қилинган, унга муқояса қилиб кучсизлик руий поклик рамзи тариқасида оху таъсвирланган (1-расм). Аслида ҳаётда Шер бошли йўлбарс бўлмайди. Композицияда рамзий олинган.

№	Рамзлар.	Рамзий маъноси.
1.	Шернинг боши.	Кучлилик ва донолик рамзи.
2.	Йўлбарс танаси.	Эпчиллик рамзи.
3.	Шернинг оёқлари.	Мустаҳкам кучға ва аждодларнинг катта маънавий ҳамда моддий асосға эғалиги.
4.	Шернинг қулоғи.	Хушёрлик рамзи.
5.	Шернинг тиши.	Тафаккурни ўткирлиги.
6.	Шернинг эркаги.	Ҳоким Баҳодир Ялантуш қиёсланган.
7.	Шернинг баданидаги қора шакллар ва оқ нуқталар.	Ёвузлик ва эзгуликни билдиради.
8.	Шерни думи.	Улуғворлик рамзи.
9.	Оппок рангли оху.	Қалб ва иймон поклиги.
10.	Қуёш.	Ҳаёт, ёруғлик, жўшқин ҳаёт, давр.
11.	Қуёш нури.	Нур, зиё яъни маърифат билан тарқатувчи.
12.	Инсон қиёфаси.	Оллоҳ ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчидир. Оллоҳ гувоҳдир, деган рамзий маънода таъсвирланган.
13.	Қора соч.	Ёшлик, кучлилик ва гўзаллик рамзи.
14.	Сочнинг гажаги.	Моддий ва маънавий бойлик.
15.	Яноқдаги ҳол.	Комиллик рамзи.
16.	Ислимий нақшлар.	Она табиат, табиатнинг гўзаллиги, нози – неъматлар диёри эканлиги.
17.	Зарҳал рангли гуллар.	Гўзаллик рамзи.
18.	Оқ гуллар.	Покизалик рамзи.
19.	Яшил ранг.	Ислоҳ дини, иймон, эътиқод рамзи.
20.	Ҳаво ранг.	Коинот, оламнинг чексизлиги, тинчлик ва

Шернинг эркак бошини олиши орқали ҳоким Баҳодир Ялангтушнинг кучлилиги, зиёлилиги ва донолигини, йўлбарс танаси орқали эпчиллигини шернинг оёқлари орқали она ерида мустаҳкам кучга катта маънавий ҳамда моддий асосга эгаллигини билдиради¹. Шерни қулоғи орқали унинг хушёрлигини тиши эса тафаккурини ўткирлигини, йўлбарссимон шерни баданидаги қора ва оқ нуқталар ҳаёт ёвузлик ва эзгуликдан иборатлилиги, думи эса улуғворликни, оху кучсизлик рамзи тариқасида қиёсланган. Қуёш ҳаёт, ёруғлик, жўшқин ҳаёти қуёш нури эса оламга зиё яъни маърифат ва билим тарқатаётгани, инсон қиёфаси орқали Ялангтуш Баҳодир ўз авлодларидан қолишмаслигини Оллоҳ гувоҳдир дейилган.

Чунки юқоридаги тушунчаларга кўра, аجدодлар руҳи туфайли майсалар ўниб ўсади.

Бу хил қарашларни таҳлил қилар эканмиз, халқларнинг этник тарихида ҳам ранглар муҳим роль ўйнаганини кўрамиз. Жумладан, қадимги туркий халқларда оқ қипчоқ, сариқ қипчоқ, оқ нуғай, оқ хунлар, кўк туркқизил уғуз қаби қабил ва уруғлар бўлгани тарихий манба ва адабиётлардан яхши маълум. Турли рангларга мансуб бўлган бу хил этник номлар тасодифан юзага келмаган, албатта. Қадимги даврларда туркий қавмлар дунё томонларини ранглар номи билан аташган, чунончи қора ранг-шимолни, қизил ранг-жанубни, кўк ранг-шарқни, оқ ранг-ғарбни, сариқ ранг-марказни билдирган.

Биз ранглар тимсолини ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихида муҳим роль ўйнаган қанғлилар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Улар таркибида қора қанғли, қизил қанғли, кўк қанғли, сариқ қанғли, оқ қанғли уруғлари бўлган. Таниқли олим К.Шониёзов юқоридаги фикрларга таяниб, қора қанғлилар-шимолда, қизил қанғлилар-жанубда, кўк қанғлилар-шарқда, сариқ қанғлилар-марказда, оқ қанғлилар-ғарбда яшаган бўлиши мумкин, деган фикрни илгари сўради. Бизнингча, бунинг тарихий асослари пайтида рангига қараб жойланиш тартибига боғлиқ бўлса керак. Қадимги хунларда қўшиндаги отликларнинг жойлашуви рангига қараб фарқланган. Масалан, ғарб томонда оқ от минган суворийлар, шимолда қора от минган аскарлар саф бўлиб турган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқимизнинг маросим ва удумларида ранглар ўзига хос рамзий маънога эга эди. Буларнинг бари эса халқимиз маънавияти жихатидан юксак ва бой тарихий анъаналар соҳиби бўлганига яна бир бор ишонч ўйлатади.

КЛЕОПАТРА ЕЛКАНЛАРИ

Ўша замонларгача одамлар фақат табиий бўёқдан фойдаланиб келишарди. Масалан, Қадимги Мисрда бўёқ олиш усулини яхши билишарди. Бунинг учун ўсимликларнинг илдизи, шираси, меваси, гулидан фойдаланилган. Бир хил хашоратнинг куритилган танасидан қирмизи рангли бўёқ олинарди. Ўрта Осиёда руян, ўсма, исирик, анорлардан қизил бўёқ, ёнғоқ, кармаклардан қора ва жигарранг бўёқ зира, исфарақ сутлама, резеда, махсар, тухумак заъфар, тут, олмалардан сариқ бўёқ гулхайридан кўк ва бинафша ранг бўёқ олинган.

Қадимда машхур бўлган қирмизи ранг фақат бир турдаги денгиз моллюскаларининг махсус безидангина олинарди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай бўёқ жуда қимматга тушган. Унинг бир граммини олиш учун денгиз тубидан бир неча ўн минг чиғаноқ олиб чиқиш лозим бўларди. Шу боисдан у олтин баҳосида қадрланади.

Қадимги Римнинг машхур нотиғи ва сиёсий арбоби Цицерон император саройида биринчи консул эди. Хизматлари эътироф этилишининг белгиси сифатида у қирмизи рангга икки марта бўялган матодан кийим киярди. Мисрнинг қадимги машхур маликаси Клеопатра (у Шарқда Клубатра номи билан танилган - ред.) бебахр бойлиги туфайли ақл бовар қилмайдиган ишларни ўйлаб топарди... У хатто барча кемаларнинг елканларини қирмизи рангга бўяшга фармон берган. Битта елканни бўяш эса бир халта олдинга тушарди.

Бўёқ олиш тарихи кўпгина қизиқ, баъзида хатто ажабтовур, кулгили воқеа-ходисаларга бой. Ўрта асрларда бир неча килограмм заъфарон бўёғи деб Италия билан Швейцария ўртасида уруш бошланиб кетган эди. Бўёқлар шохи - нил бўёқ (зангори ранг) олиш ҳам ажойиб тарихга эга. Қадим замонларда нил бўёқ Осиёнинг тропик мамлакатларида яшовчи бир хил дарахтнинг барги ва пустлоғидан олинарди. Уни Европага VIII асрда араб савдогарлари олиб боришган, бироқ, европалик бўёқчилар уларга қарши чиқишиб савдо қилишларига йўл қуйишмаган. Европалик бўёқчилар матони дарё бўйида ўсадиган ўсмадан олинувчи кўк ранг билан бўяшарди. Германия шаҳарларида нил бўёқ черков томонидан "шайтон бўёқ" деб бадном этилган ва уни

ишлатиш мутлақо тақиқланган. Айрим жойларда бўёқчилар нил бўёқни ишлатмасликка қасам ичишарди, акс ҳолда ўлим жазосига маҳкум этилиши мумкин эди. Бироқ йиллар ўтиши билан ҳар қандай тақиқларга қарамай, нил бўёқ яна ишлатила бошлади.

Немис химики Адольф Байер ўн беш йиллик тинимсиз изланишдан кейин, бу бўёқнинг таркибини аниқлади ва 1882 йили уни сунъий усулда олиш йўлини топди. Олдинги сунъий бўёқ анча қиммат турарди, кейин асримиз бошларида табиийсига қараганда, уч марта арзонга тўшди.

Табиий нил бўёқ сотувчи савдогарлар инқирозга учраганларидан кейин черков орқали сунъий бўёқни бадном этмоқчи бўлишди. Бироқ нил бўёқ йилдан-йилга кўплаб ишлаб чиқарилаверди.

МИСРЛИКЛАРНИНГ ҚАБРЛАРИДАГИ РАНГЛАРНИНГ СИРЛАРИ

2000 йил Шотландия Миллий музейида юз йилдан бери саиланаётган иккита мумиёланган жасад ҳар томонлама тадқиқ этилди. Улар дунёдаги ягона икки қавватли саркофагда турар эдилар. Радио углерод тахлилининг кўрсатишича, жасадлар 1 асрга тааллуқли экан. Бу даврда мумиёлаш санъати аллақачон инқидан тайёрланган бўёқлар ажойиб эркинликни сақлаб қолган. Мисрликлар эътиқоди бўйича, саркофаг - боқий дунё хомийси ва рақами Осириснинг ҳузурига ўликлар сўзиб боровчи қайиқ бўлиб, у қанча ёрқин бўялган бўлса, худо уларга шунча раҳм қилар экан.

Саркофаг тубида, жасадлар тагида куёш ва бошқа худолар солидаси - осмон худоси Нутнинг иккита таъсвири бор. Ўликлар химоячиси Нут уларни осмонга, Осирис ёнига кўтариб кетади. Худо таъсвири ҳам ёрқин ранги ва мукаммал ижроси билан ажралиб туради.

Жасадлар ёнида тақинчоқлар қўйилган. Юқори сифатли мумиёланганлигидан ҳисобга олганда, ўликлар бой оилага мансублигини англаш мумкин. Матога уралмаган боланинг кўкрак қафасига олтин суви югуртирилган. Мисрликлар худолар олтиндан яралган ва олтин суви югуртириш ўлиқнинг худоларга яқинлашишига ёрдам беради, деб ишонардилар.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Рахувон, зафарон, сур, қадрият, урф – одатлар, сариқ қипчоқ, қизил уғуз, кўк турк кўк қанғали, қирмизи, нил бўёқ, нут, олтин суви, шайтон бўёқ.

САВОЛЛАР:

1. Рангшунослик фани нимани ўргатади?
2. Рангшунослик фани қайси давлатларда яхши равноқ топган?
3. Рангни қанақа номларини биласиз?
4. Ранглар инсон ҳаётида қанақа ўрин тутган?
5. Меъморчиликда ранглар қанақа ўрин тутади?
6. Ранглар қанақа рамзий маънода ишлатилган?
7. Миллий қадриятларда рангнинг ўрни нимада?
8. Шайтон бўёқ деганда нимани тушунаси?

1.3. РАНГ НОМЛАРИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИ. ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИ РАНГЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Маъруза ота-боболаримиз қадимдан рангларга ном бериш анъана тарифида ривожланиб келяпти.

Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Комолиддин Беҳзод, Фирдавсий, Захириддин Бобур каби жаҳонга машҳур олим, шоир, нақшош, мусаввир ва бошқалар ранг ҳақида унинг турлари, номлари, рамзий номлари, инсон соғлигига таъсири шулар ҳақида жуда кўп илмий тадқиқот ишлар қилганлар.

Абу Райҳон Беруний ўзининг "Китоб ал жавоҳир фи маърифат ал жавоҳир" (Минерология) асарида рангларнинг 200дан ортиқ номлари ошган. Шарқда олиму, шоирларимиз, мусаввиру нақшош хаттот ва бошқалар рангларнинг юздан ортиқ рангларни ажрата олганлар ҳамда уларни номини энг муҳими ҳқр бир рангни рамзи ва унинг тилини билганлар. Афсуски, йиллар, асрлар ўтиши билан ҳозирга келиб бунинг акси бўлиб, аста-секин рангларнинг номи, турлари ва рамзий маъноси ҳамда уларнинг тили йўқолиб кетиш арафасида турибмиз. Ҳозирда рангларнинг номини одамлардан нечта рангни санаб бера оласиз десангиз фақат 10 га яқинини санаб ўтиши мумкин. Бў эса юқорида айтган гапимизнинг далили бўлади.

Шарқда халқимиз кўйидаги рангларни ажрата олганлар ва уларнинг номини билганлар. Хаттоки олимларимиз ҳар бир ранглар номини нима учун кўйилганлигини ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Шу ранглар номи билан танишиб чиқамиз: алвон, арғувон, баргикарам, бинафша, буғдойранг, буз, гулгун, гунафша, жигарранг, зангори, заъфарон, зумрад, қахрабо, кул ранг, кўк ложувард, лола ранг, малла, мовий, мош ранг, нофармон, ол, оқ, пистамагиз, пистаки, пушти, сарик, сафсар, сомонранг, сур, фируза, учоқ кесак қизил, қирмизи, қора, қора мағиз, қорача, қўнғир, ҳаво ранг, анордона, ақик, байзогул, барг ранг, бақа туни, бика, бурул, гулнор, гулоби, данифа ранг, жигари, жийрон, жўжа, зайнови, зар, зарчава, зарғалдоқ, зок, каптар бўйин, кранг, кўк темир, лилови, лимуранг, макайлик мийнови, новвот ранг, нилоби, нимтатир, ним пушти, норгул, олов ранг, олма талқон, оқ упа суви, сабзи ранг, саман, сарик кесак сиё(х), сир, совот, сурма ранг, тилла ранг, тупори, турик,

тўти ёйи, ҳамир ранг, шафтоли гули, шингоб, шинни, шол, қизил кемак қизғалдоқ, қовоқ сарик, ғиркўк ғолия, ҳал, ҳа ранг, азрак, акхоб, алас, асали, асфар, арғавоний, ахзар, акроби, аҳмар, байзо, бахроми, биржина, варди, гулфом, дамовий, ёкутий, жигаргун, жимрий, зайтий, зулмони, кабидий, кофир гул, кухлий, лаълфом, лола гул, махсар, мийно, музаффар, мушкин, наботий, нафтий, нилгун, нилий, норанти, обгун, обранг, объёз, обсун, ойна гул, осмони, райҳони, ринд, руммони, сабза гул, савод, савсан, самовий, сандлий, сандарус, сафро, сахар гул, сиймагун, силқий сурмагун, тамрий, тибний, товусий, тутагий, усфурий, утружий, уржвоний, фалфолий, хуний, табгун, шамгун, шафақгун, шақоқий, шингирф, ширфом, қийиргун, ҳолиқий, азраквали, асфарваш, ахзарваш, аҳмарваш, сафсарвиш, усфур, зарғалдоқ, қизғалдоқ, сарғилт, қизғилт, кўкимтир, оқимтир, қорамтир, сарғимтир, кўкиш, оқиш, сарғиш қизғиш, рангпар, нилфом, норфом, кўкча, қорача, оқчил, номгил, дамавий, гулгун, лолагун, райҳони, асали, жимрий, затий, ёкутий, нафармон, руммони, бахрамони, зулмони, гулоби, нилоби, заъфарон, ҳаворанг, жигарранг ва бошқалар.

Шарқ санъатида ранг ҳар доим ниҳоятда катта аҳамият роль ўйнаган. Ҳар бир ранг ўзига хос рамзийликка, фалсафий маънога эга бўлган. Бундан ташқари, ранглар орқали инсонларни даъволаганлар.

Ота-боболаримиз рангларнинг ҳамма хусусиятларини яхши билганлар. Улар атрофимизни ураб турган табиат рангларига пайдо бўлганлари учун зангори, ложувард ва яшил, рангларни айниқса, кўп ишлатганлар. Биноларнинг қошин ва парчин сирларини офтоб нурида товланишини ҳамда атрофдаги ранглар билан боғланишини ҳисобга олиб, муносиб бўёқлар танлаганлар. Парчин ва қошинларда асосан ложувард, зангори, яшил, сарик ва оқ ранглар ишлатган. Улар осмон, ер, терилган пишиқ ғишт ранги билан жуда яхши боғланган.

Ҳар бир рангнинг ўз мазмуни ва асосланган манбаи бўлади. Кўм-кўк яъни ҳаво ранг-ота бўёқ қоинотини эслатади. Яшил ранг она бўёқ ер юзидаги ям-яшил табиат рамзидир. Улар аралашмасида ҳосил бўлган ранглардан худди оналик ва оталик меҳри келиб тургандек туюлади.

РАНГ НОМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ¹

Ранг тасвирнинг илмий негизини рангшунослик фани ташкил қилади. Рангшунослик бўлғуси рассомларга рангларнинг табиатда ҳосил бўлиши ва тарқалиши масалаларини, уларнинг атроф-муҳит таъсирида ўзгариб кўринишини, бўёқларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш йўллариини ўргатади.

Марказий Осиёда ранглар ҳақидаги таълимот қадимдан китоб миниатюраси, наққошлик ва деворларга фреска паннолар ишлаш билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Чунки мусаввирлик хунари ранг танлаш ва уларни тайёрлай билишни талаб этган. Шунинг учун ҳар бир шогирд, аввало, ранг тайёрлаш сирларини ва шу ишга боғлиқ кимёвий жараёнларни ўрганган.

Рангларнинг табиатда қандай ҳосил бўлиш ва тарқалиш ходисалари қадимдан олимлар ва рассомларнинг диққатини тортган. Ўйғониш даври буюк рассомлари ва назариячилари Леон Баттиста Альберти, Леонардо да Винчи ва бошқалар ранг таъсир ҳақидаги асарларида рангларнинг хусусиятлари ҳақида ёзганлар.

Атоқли ва машҳур олимлар Ньютон, Ломоносов, Гельмгольцлар рангларнинг моҳиятини илмий асосда текширганлар.

¹ Набиев М. Рангшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 8-10 б.

Иссак Ньютон қатор тажрибалар ўтказиб, оқ ёруғликнинг кўп рангли эканлигини исботлаган, экранда спектр рангларни ҳосил қилган. Бунинг учун Ньютон қуёшнинг оқ ёруғлигини деразадаги қора парданинг ингичка тирқишидан ўтказган ва йўлига уч қиррали призма қуйган, натижада экранда ҳар хил ранглардан иборат кенг ёруғлик дастаси кўринган. Экранда кўринган ранглар спектр ранглар бўлиб, улар қўйидагича жойлашган эди: қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, зангори, кўк ва бинафша ранг.

Махсус асбоб-спектроскоп ёрдамида кўплаб аниқ ва равшан спектрларни ҳосил қилиш мумкин.

Оқ ёруғлик аслида мураккаб бўлиб, рангдорлик жихатидан шунчалик турли-туманки, бир рангдан иккинчисига ўтишда яна бир қатор ранг тўслари сезилади.

Спектр рангларни ёмғир ёғиб ўтгандан кейин осмонда пайдо бўладиган камалакда, фавворалардан отилаётган сув зарраларида кузатиш мумкин. Спектр рангларни қайта бир жойга тўпланса, оқ ёруғлик ҳосил бўлади.

Ньютон рангларни физика фани нуқтаи назаридан ўрганган бўлса, немис шоири ва санъатшуноси И.В. Гётте кўпроқ рангларнинг киши, организмизга кўрсатадиган таъсири қизиқтирган.

Гётте “ранг ҳақидаги таълимот” номли асарида рангларни илиқ ва совуқ тусларга ажратиб, илиқ (сарғиш-қизил) ранглар кишида кайфи чоғлик тўйғусини, совуқ (ҳаво ранг-яшил) ранглар эса, маъюслик тўйғусини ўйғотиш ҳақида ёзган.

XIX асрда немис табиатшунос олими Г.Л.Гелмгольц рангшунослик назариясида муҳим янгилик яратган. Кўп йиллик тажрибалари асосида хроматик рангларни ўрта асосий аломати - ранг тони (номи), рангнинг оч-тўқлиги ва тўйинганлиги асосида туркумлаш кераклигини кўрсатган.

Ранг муаммоларини ўрганишга япон олимлари хамиша жиддий қарашган. Ҳозир ҳам дунёда ягона бўлган Токио ранг институтида инсон қалбига таъсир этадиган табиат ходисаси-ранг атрофлича ўрганилади.

Рангларнинг номини ифодаловчи, яъни уларнинг бирини қизил, иккинчисини кўк, учинчисини бинафша ва моказо деб аталишига асос бўлган белгиси ранг тони дейилади.

Бирор хроматик рангга озроқ кул ранг кўшсак унинг шўхчанлиги пасайиб, нурсизланади. Бу ҳол рангнинг кам тўйинганлигидан, яъни унинг таркибида соф бўёқнинг камайганлигидан дарак беради. Демак рангнинг тўйинганлиги деганда, унинг кул рангга нисбатан рангдорлик даражасини, тозалигини тушиниш керак. Юқорида айтилганлардан маълум бўлдики, хроматик ранглар бир-биридан учта асосий хоссаси - ранг тони (рангнинг ўзи), рангнинг оч-тўқлиги ва тўйинганлиги билан фарқ қилар экан. Спектрни синчиклаб кўзатсак унинг энг чеккасидаги қизил ва бинафша ранглари орасида ўхшашлик аломатларни сезамиз. Иккала ранг бир-бирига кўшилса, уларнинг оралиғида қирмизи ранглар ҳосил бўлади. Бу ҳосил бўлган рангни қизил ранг билан бинафша рангнинг ўртасида жойлаштириб спектр тўташтирилса, ҳалқа келиб чиқади. Буни рангшуносликда ранглар доираси деб юритилади.

Ранглар доирасида қизил, қизғиш зарғалдоқ, сарик, сарғиш яшил, яшилтаб зангори, ҳаво ранг, кўкимтир ҳаво ранг, кўк кўкимтир бинафша, қирмизи рангларнинг ҳар хил туслари кўринади.

Ранглар доирасида ранг туслари жуда кўп бўлиши мумкин. Лекин кўзларимиз уларнинг 150 тага яқинини ажратишга қодир. Рангларнинг доира бўйлаб жойланиш тартиби муайян сақланади.

Ранг доираси икки тенг бўлакка бўлинса, биринчи ярмида қизил, зарғалоқ, сарғиш яшил (пистоли) ранглар, иккинчи ярмида эса яшил ҳаво ранг, феруза, зангори, кўк бинафша ранглар жойлашади. Доиранинг биринчи ярмидагилар илиқ ранглар, иккинчи ярмидагилар эса совуқ ранглардир. Бундай номланишга сабаб-қизил, сарик ранглар оловни, қизиган темирни, чўғни эслатса, ҳаво ранг, зангори, яшил кўклар эса музнинг, сувнинг рангини эслатади. Бу фарқланиш нисбий бўлиб, ҳар қандай илиқ, ҳам ўзига нисбатан илиқ оқ ранг ёнида совуқ бўлиб кўриниши ва аксинча, совуқ ранг ўзидан совуқроқ ранг ёнида илиқроқ туюлиши мумкин.

РАНГЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ¹

Ўзбек тилида қўйидаги ранг номлари кенг қўламда ишлатилади: алвон, арғувон, барги карам, бинафша, буғдой ранг, буз гулгун, гунафша, жигар ранг, зангори, заъфарон, зумрад, қахрабо, кул ранг, кўк ложувард, лола ранг, малла, мовий, мошранг, нофармон, ол, оқ, писта магиз, пистоли, пушти, сарик, сафсар, сомон ранг, сур, фируза, учоқ кесак қизил, қирмизи, қора, қора магиз, қорача, қўнғир, ҳаво ранг.

Ҳалқ тилида ишлатиладиган ранг номларига эътибор беринг: анордона, ақиқ, байзо гул, барг ранг, бақа туни, бика, бурул, гулнор, гулоба, данифа ранг, жигари, жийрон, жуша, зайнови, зар, зарча, зарғалдоқ, зок каптарбўйин, кранг, кўк темир, лилови, лимуранг, манайликминови, новвот ранг, нилоби, нимтатир, ним пушти, норгул, олов ранг, олма талқон, оқ упа суви, сабзи ранг, саман, сарик кесак сиё(х), сир, савот, сурма ранг, тилла ранг, тупори, турик, тўтиёйи, хамир ранг, шафтоли гули, шингоб, шинни, шол, қизил кесак қизғалдоқ қовоқ сарик, ғиркўк ғолия, ҳал, ҳаф ранг.

Бундан ташқари, Марказий Осиёлик мутафаккирлар ижодида қўйидаги ранг номларини тез-тез учратамиз: азрак, ақхоб, алас, асали, асфар, арғавони, ахзар, акроби, аҳмар, байзо, баҳроми, биржина, варди, гулфом, дамавий, ёкутий, жигаргун, жимрий, зайтий, зулмони, кабийдий, қофир гул, куҳлий, лаълфом, лолагун, мадсар, мийно, музаффар, мушкин, наботий, нафтий, нилгун, нилий, норанжи, обгун, обранг, объёд, обсун, ойна гул, осмони, райҳони, ринд, руммони сабзагун, сафод, савсан, самовий, сандалий сандарус, сафро, сахар гул, сиймагун, силжий, сурмагун, тамрий,

¹ Абдурахмонов Шерзод материалларидан фойдаланилди.

тибний, товусий, тутагий, усфурий, утружний, уржвоний, фалфолий, хуний, шабгун, шамгун, шафақгун, щақоқий, шингарф, ширфом, қийиргун, холиқий.

Рангларни характерлашда, одатда, асосий ранг номи, олдидан қўйидаги сўзларнинг ишлатилиши кузатилади: дағал, жуда, зулмоний, илиқ, иссиқ, кам сув, кир мунаввар, мусаффо нафис, ним, одми, очик, равшан, рангпар, сал, серсув, совуқ, суник, тин, тиниқ, тоза, тўқ, хира чароғон, шаб ранг, шаффоф, энг ялтироқ, ўнгган, учик ва моказолар.

Қўйидаги ҳолларда эса ранг номи икки марта такрорланиб кучайтирилади: кўк-махкўм-кўк оппоқ, сап-сарик, кип-қизил, қоп-қора.

Устун ранг номи олидидан баъзи ранг номи ҳам қўшиб ишлатилади. Масалан: қилил жигар ранг, кўк яшил..

Ранг номини ифодалашда махсус аффикслар ҳам бор:

- ваш: азраваш, асфарваш, ахзарваш, аҳмарваш, сафсарваш, усфур;

- доқ: зарғалдоқ, қизғалдоқ;

- илт; сарғилт, қизғилт;

- и(мтир) ёки "р" ўрнида ("л"); кўкимтир - (л), оқимтир (л), қизғимтир (л), қорамтир (л), сарғимтил;

- иш: кўкиш, оқиш, сарғиш, қизғиш;

- пар: рангпар;

- фом: нилфом, норфом;

- ча: кўкча, қорача;

- чил: оқчил, номчил.

Шунингдек ўзбек тилида ранг номига айлантирилаётган предмет номи мутлақо ўзгаришсиз қолиши ёки қўйидаги аффиксларидан бирини ўзига сингдириши мумкин:

- вий: дамавий;

- гун: гулгун, лолагун;

- и: асали, райҳони;

- ий: жимри, зайтий, ёкутий;

- мон(и): нафармон, руммони, бахрамони, зулмони;

- оби: гулоби, нилоби;

- он: заъфарон;

- ранг: кул ранг, ҳаво ранг, жигар ранг.

Ўзбекча ранг номларини ифодалашда йўл-йўл, катақола, ола-бўла, ола-кўла, ола-чипор, песа, тарам-тарам, тарғил, чипор, хол-хол, кашқа сингари сўзлар ўзига хос роль ўйнайди.

Рангларга ном беришнинг ана шунга ўхшаш хусусиятлари Шарқда қадим замонлардан бери ҳукм сўриб, ривожланиб келмоқда.

Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг "Китоб ал жавоҳир фи маърифат ал жавоҳир"-и- ("Минерология") асарида турли минераллар ва металлarning рангини, тусини моҳирона таъсирлаган. Унинг лексикасида фақат ранг номларининг ўзи 2000дан ошади.

Шунингдек Алишер Навоий ва Заҳриддин Бобур ранг номларидан моҳирона фойдаланганларини кўрамиз.

Мамлакатимизда жорий этилаётган ранглар номини стандартлаштиришга катта аҳамият беришмоқда. Бу тадбир асримизнинг илк чорагида олимлардан Н.Нюрберг ва Р.Лютер асос солган колориметрик (рангларга ўлчашга доир) тизим бўйича амалга оширилмоқда. Гап шундаки, мазкур система воситасида саккиз миллионга яқин рангнинг махсус рақамлар билан белгилаб чиқиш мумкин.

Н.Нюрберг ва Р.Лютерларнинг колориметрик системасини камалакнинг етти та ранг таркибида териб чиқилган секторлардан иборат доира тарзида таъсаввур қилиш мумкин. Ўз навбатида бу секторлар доира марказига яқинлашган сари оқариб, доира марказидан узоқлашган сари қорайиб боради. Доира радиусининг тахминан ўрталаридан бир гардиш ўтганки, ундан энг тўйинган камалак ранглари ўрин олган.

Колориметрик доира секторларидаги барча ранглар ана шу гардишдаги ранглар номи умумлаштирилади. Русча терминологияда удар кўйидагича номланган: 1-красный (510-490 ва 700-600 мм тўлқин узунлигига эга бўлган ранглар), 2-оранжевый (600-580 мм тўлқин узунлигига эга бўлган ранглар), 3-жёлтый (580-570 мм тўлқин узунлигига эга бўлган ранглар), 4-зелёный (570-492 мм тўлқин узунлигига эга бўлган ранглар), 5-голубый (492-480 мм тўлқин узунлигига эга бўлган ранглар), 5-синий (480-470 мм тўлқин узунлигига эга бўлган ранглар), 7-фиолетовый (470-565 мм тўлқин узунлигига эга бўлган ранглар), 8-пурпурный (560-600 мм тўлқин узунлигига эга бўлган ранглар).

Беруний ишлатган терминология бўйича рангларни кўйидагича номлаш мумкин бўларди: 1 - аҳмарваш ранглар, 2 - норанжи ранглар, 3 - асфарваш ранглар, 4 - аҳзарваш ранглар, 5 - азрақваш ранглар, 6 - нилфом ранглар, 7 - сафсарваш ранглар, 8 - усфуруш ранглар.

Ҳозирги ўзбек тили имкониятларидан келиб чиқиб айни соҳаларни номлаш масаласи эса, биздан бир қадар мулоҳаза талаб этади. Чунончи, бу ердаги қизил, сариқ, кўк каби фақат уч ранг номидан бўлак ранг номлари ўзбек тилида ҳозирга шу қадар қатъийлашмаган. Масалан: рус тилидаги "оранжевый" сўзи ўзбек тилидаги турли адабиётларда "қизил сариқ", "сарил сариқ", "тўқ сариқ", "зарқалдоқ" каби формаларда ишлатиб

келинмоқда, буларнинг бирортаси ҳам ранг номлари қўйилаётган ҳозирги замон стандартлари талабига жавоб бермайди.

Вахоланки, ўзбек тили луғатида "анор" ва "нур" сўзлари билан бир хил ўзакка эга бўлган "нор" ёки "норанжи" деб аталмиш ранг номи ҳам борки, у рус тилидаги "оранжевый" сўзининг ўзбек тилидаги аниқ таржимаси бўла олади. (Ҳамохангликка ҳам эътибор беринг). Шу билан бир вақтда бу сўз "норқилт" (нор гул), "норқимтил", "норфом", "норқўлашмоқ" ёки "норфомлашмоқ" каби шаклларга ҳам кира олиши аниқ муддаодир.

Асосий ранглардан "зелёный" (яшил, "зангори"), "голубой" ("ҳаво ранг", "осмони", "зангори", "мовий"); фиолетовый ("бинафша", "гунафша", "номфармон", "сафсар") ларнинг ўзбекча таржима вариантларидан мақсадга энг мувофиқларини танлаб олиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

"Яшил" сўзи этимологик планда "яш" (қўкат, сабзда) "чил", ёки "яшм" (нефрит) "чил" тарзида вужуд топган бўлиб, "зангор" сўзи "зинжар" (ар: мис занги) ёки "санги қор" (тож: қор тоши фируза) кабилар асосида ҳосил бўлган. Булардан биринчиси ўзбекча рангномада фундаментал термин бўла олиш даражасидир. Бироқ, у грамматик жihatдан турлича туслана олиш даражасига ҳам кўтарилиш бобида бир оз такомиллаштиришга муҳтож.

"Ҳаво ранг", "осмони", "зангори", "мовий" каби сал кам бир хил рангларни ифода этувчи номларининг орасида асосий термин вазифасини ўтай оладигани "мовий" дир. Этимологик планда у "мо" (арабча - сув) "вий" асосида ҳосил бўлган бўлиб, "мовийваш", "мовийлашмоқ" формаларига осонликча кира олади.

Юқоридаги мулоҳазаларга кўра, камалакдаги асосий саккиз рангнинг номи ўзбек тилида қатъий формада қуйидагича номланиши жоиздир: 1 - қизил, 2 - нор (норанжи), 3 - сариқ, 4 -яшил, 5 - мовий, 6 – кўк, 7 - сафсар, 8 - шол (қирмизи).

Клориметрияда ранглар асосий хроматик ранглар деб аталади. Кўзимиз бирини иккинчисидан фарқлаши мумкин бўлган хроматик рангларнинг ҳаммаси ана шу саккиз рангга нисбат бериш асосида номлаб чиқилади. Бу ердаги нисбатни, асосан, рангни ифодалаётган муҳитнинг хусусияти ташкил этади. Чунончи, муҳит ранги ёки чароёнлаштириб, равшанлаштириб ёки зўлмийлаштириб, бошқа ранг билан омукталаштириб, дағаллаштириб ёки нафислаштириб, турли тарзда акс эттириши мумкин.

РАНГЛАРНИНГ НОМИ ВА УЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ¹

Ўзбек тилидаги ранг номларининг ўрнини ишораловчи ранг даврлари ва гуруҳларида баъзиларини айтиб ўтамиз. Камалак таркибидаги рангларнинг тартиби: қизил, лола ранг, ақиқ, зарҗалдоқ, заъфарон, пил кўк шинни ранг, бинафша сафсар, нофармон, қизил, ол, лаъл, шикгарф, гулгун, арҗўвоқ алвон. Қирмизи: Далабтир (жанубий Эрон) ва Озорбайжонда ўсадиган қирмич дарахтининг номидан келиб чиққан. Унинг япроқлари билан озикланувчи ипак куртига ўхшаш "қирм"

деб аталувчи қуртлардан эса кўкишроқ қизил, тўйроғи қирмизи рангдаги бўёқ олинган.

Шингарф: Рангнинг бу номини Алишер Навоийнинг бир ғазалида учратамиз:

*Пардамнинг риштаси – эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин.*

¹ Абдурахмонов Ш. Камалак жилолари// Гулистон журнали. – 1968. – 9-сон. – 28 б.

Ўз замонаси кирдикорларида ғазабланган шоирнинг нима демоқчи эканлиги шу сатрларда ўз аксини топган. Аммо "шингарф" сўзининг "Шинний харф таржимаси - ёзув шиниси" тўйрисидаги "ёзув сиёи" бўлмиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Умумий шингарфлар қон тусини акс эттиради.

Зумрад: Арабча номи - зумрад. У қатор тилларда элсарагд, изумруд, зурмухти эмури, зимрут шаклларида талаффуз қилинади. Аслида қимматбаҳо тошнинг кўк туси кўпроқ, яъни кўкишга яшилга нисбатан кўп қўлланилади.

Фируза: қимматбаҳо тошнинг номи бўлиб бу ном "ғалаба". Муваффақият монологини маънони англатувчи форсча "пируза", "пиройа" сўзларидан келиб чиққан.

Зангори: Ўзбекчада "ҳаво ранг" Тошкентчада "яшил" ўрнида ишлатилади. Тожик "синги Юрий" сўзларидан келиб чиққан бўлиб, қорнинг тоши демакдир. Гапнинг Фируза тоши ҳақида кетаётганлиги аниқ чунки Фирузанинг яшилдан тортиб, ҳаво рангга зарур бўлган турлари бор.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Сурма ранг, Шинқоб, Шол, Ҳолия, Хафранг, Бахроми, Усфур, Спентор, Сал, Обсун, Оби, Колориметрик.

САВОЛЛАР:

1. Рангларни фалсафий маъноси деганда нимани тушунасиш?
2. Абу Райхон Беруний ўзининг “Китоб ал Жавохир фи маърифат ал Жавохир” деб номланган асарида нечта рангларни номини айтиб ўтган?
3. Ранг ҳақида қайси алломалар шуғулланганлар?
4. Бизнинг кўзимиз нечта рангларни ажратиши мумкин?
5. Ранг номлари нималарга қиёсланиб номланади?
6. Ранг номларни аташда қанақа қўшимчалар қўшилиши мумкин?
7. Колориметрик доира деганда нимани тушунасиш?
8. Тўлқин узунлигига эга бўлган ранглар деганда нимани тушунасиш?

*Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири
миллий Ёруримизни юксалтиришга хизмат қилади.*

*Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик,
кучли тарбия воситасидир.*

Ислом Каримов.

РАНГЛАРНИНГ РАМЗИЙ ИФОДАЛАНИШИ.

Оллоҳ борлиқни турли-туман ранглар билан безайди. Бу ранг тимсоллари орқали борлиқнинг ташқи ва ички дунёсини яратди. Бу ҳақда муқаддас китобимиз бўлган "Қуръони Карим" да алоҳида тухталиб ўтилган бўлиб, инсонларнинг, умуман борлиқнинг ранглари орқали ички руҳий оламини Оллоҳ томонидан мўъжизавий яратилганлиги айтилади. Чунончи: "Базара" сураси 138 оятида шундай дейилади: "Оллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг берувчи борми?". Йўқ, албатта.

Ҳар бир инсоннинг рангги ўзига хосдир. Улар умумий кўринишда бир-бирига ўхшасада, бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг ички дунёси ҳам турли-тумандир. Шунинг учун аجدодларимиз инсонларнинг ички руҳиятини белгилашда уларнинг юзидаги рангларга асосланган. Бу эса Оллоҳ яратган мўъжизаларидан тимсоллари ҳақида сўз юритсак.

Дунёда ёрулик бор экан, албатта ранглар бўлади. Ҳар бир рангнинг рамзий маъноси бор. Қадимда аجدодларимиз ранг орқали рамзий маънода гапирганлар. Инсонларнинг юзи рангига қараб касалликларини аниқлаганлар ва даъволаганлар. Ранглар орқали фалсафий фикр берганлар ва инсонларга руҳий таъсир этганлар. Масалан, салланинг турли ранги бўлиб. Улар орқали турли рамзий маънолар ўз ифодасини топган. Рангига қараб мансаби, масхаби ва бошқаларни билиш мумкин бўлган. Қадимда ҳар бир байроқ рангининг рамзий ифодаси бўлган. Ҳозирги, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидаги ҳар бир рангнинг ҳам ўз рамзий маъноси бор ва сиз уларни яхши биласиз.

Байроқдаги мовий ранг тириклик мангу осмон, оби ҳаёт тинчлик ёмон кўздан, ҳалоллик, шон-шухрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлат байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди. Оқ ранг муқаддас тинчлик бўлиб, у кун чароёнлиги ва коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетган. Оқ ранг поклик, беғуборлик, софлик, назокатлилик, орзу ва ҳаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилиш тимсолидир.

Яшил ранг-табиатнинг янгилаши рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик табиат тимсоли ҳисобланади.

Ҳозирда оддий йўл чироқ қизил, сариқ ва яшил ранг орқали инсонларига йўл кўрсатади.

Наққошликда ҳам ранг орқали воқеликни рамзий маънода тушунтирилади. Шунинг учун рангларнинг рамзий мазмунини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Рангларнинг рамзий тилини ўқишни ўрганиш, рангларнинг рамзий алифбосини билиш керак. Уларни яхшилаб ўрганиб олгандан сўнг турли нақш ранглари орқали уларни ўқиш мумкин. Чунончи:

Яшил ранг-Она табиат рамзи.

Мовий ранг-Осмон, тинчлик, ёмон кўздан асраш.

Қизил ранг-Ғалаба, хурсандчилик, шодлик.

Сариқ ранг-Муқаддаслик, ёруғлик, кенглик.

Қора ранг-Мотам, чексизлик, мавхумлик, қўрқув, тушкунлик, ноаниқлик рамзи.

Сариқ ранг-Айрилик.

Зангори-Олий эътиқод.

Оқ ранг-Тозалик, ёруғлик, бахт ва омад рамзи.

Шу рангларнинг рамзий маъносига асосланиб мустақил композициялар тузишда фойдаланишимиз мумкин.

ҲАР БИР ИНСОННИНГ РАНГИ ВА ГУЛИ БОР ¹

Оқ аттиргуллар поклик, балолат, етуклик рамзи ҳисобланади. Йигитларга гул соғла қилмоқчи бўлсангиз, оқ гулларни танланг. Бу гул уларнинг феъл-атворларини тўлдириб туришга хизмат қилади.

Хусайн Бойқаро хотинининг ой-куни яқинлигига қарамай, йўл сафарига отланибди. Ўзини бир мунча беҳол сезаётган аёл, шохни йўлдан қолдириш учун ҳеч нарса дея олмабди. Шох ҳам унинг ахволини кўриб, аъёнлари, табибларига қарата:

- Мен сафарни қолдира олмайман. Аммо, кимда-ким, менга хотиннинг ўлди деб хабар етказса, бошини танидан жудо қиламан. Уни эҳтиёт қилинглари, - деб йўлга чикибди.

Бир қанча вақт ўтгач, маликани тўлқоқ тутиб, ахволи ёмонлаша бошлабди. Табиблар ҳар қанча ўринишмасин, уни сақлаб қололмабдилар. Аёл кўзи ёриёлмади, оламдан ўтибди.

Сарой ахли оғир кунга қолибди. Шохга нима дейишсин? Бу шум хабарни етказувчи мард борми? Барчанинг жони ўзига ширин. Ҳеч кимдан "мен бораман" деган садо чиқмабди. Ўйлаб-ўйлаб, Навоийдан мадад сўраб, хузурига борибдилар.

- Ҳазрат, бу хабарни етказурга юрагимиз дов бермас. Ким "ўлди" деб борса, бошидан айрилур. Сиздан бўлак таянчимиз, йўқдур. Маслаҳат беринг, - дейишибди.

Навоий ҳазратлари уйланиб, туриб, бир байтни қоғозга туширибдилар, ва:

¹ Гул кунгил сўзи. Марсия.// Саодат журналы, 1993, № 12. – 27-бет.

- Мана шу хатни шохга етказинглар, бошингиз омон қолади, - дебдилар.

Чопар елдай ўчиб, шохнинг манзилига етибди. Ҳеч сўз демай, мактубни узатибди.

Бойқаро хатни ўқибди:

"Сарви гулнинг соясинда сулди гўу, нетмоқ керак?", - деб ёзилган экан мактубда. Шох хотинининг оламдан кўз юмганинини дархол тушунибди, қаттиқ қайғурибди, аммо ҳеч кимни шўм хабар ўчўн жазоламабди. Қўлига қоқоз-қалам олиб, жавоб битибди: "Сарвидан тобўт ясаб, гўлдан кафан бичмоқ керак".

I. 4. РАНГЛАРНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОЛАРИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИДАГИ ШАКЛ ВА РАНГЛАРИНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессияда 1991 йил 18 ноябрь куни тасдиқланган.

Давлат байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини аниқлатади ҳамда республиканинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

1. Айроқдаги мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби-ҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу - яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди.

2. Байроқдаги оқ ранг - муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик беғуборлик соғлиқни, орзу ва ҳаёллар тозаллиги, ички гўзаликка интилишнинг тимсолидир.

3. Яшил ранг - табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

4. Қизил чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаятган ҳаётнинг қудрат ирмоқларидир.

5. Навқирон ярим ой таъсири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзидир.

6. Юлдузлар барча халқлар учун руҳоний, илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12та юлдуз таъсири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги қуёш йилномамизга бевосита алоқадордир. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида "нужум илми" таранний этганлиги билан ҳам изоҳланади. Давлат байроғимиздан ўн икки юлдуз таъсирини ўзбек халқи маданияти қадимийлиги, унинг қомилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

Хуллас, биз ранглар тилини чуқурроқ ўрганиш орқали гўзалликни ва воқеликни ўқишга ва рамзий гапира олишга ўрганамиз.

ҚОРА РАНГДА ЯШИРИНГАН ФАЛСАФА ¹

Болалик чоҗлари қоронҗуликдан чучимаган одам бўлмаса керак. Нега шундай? Қоронҗулик ўзича ҳеч бир зиён етказолмайди-ку! Бола буни англамайди - кўрқаверади. Ўзи англамагани ҳолда қоронҗиликдаги ноаёнликдан кўрқади. Кўрққани учун ҳам ётиш олдидан тун, қоронҗилик, зимистон ҳақида беихтиёр ўйлайди. Ташқаридаги қоронҗиликни кўрмаслик учун курпага бурканиб олади. (Курпа ости ташқаридан-да зимистонроқ эканини ўйламайди). Бурканиб олгач ҳам тинч ётмайди. Кўзларини чирт юмиб устидан кафти билан ёпади. Кўз олди зим-зиё, тун-қоронғи, зимистон, қора бўшлиқ.

Аста-секин ана шу бўшлиқда нихоятда майда оқиш зарралар ҳосил бўла бошлайди, зарралар бир нуқтада пайдо бўлгани захоти гўё портловчи моддадек атрофга ёйилади. Ховуз ўртасига тош ирилтилса, тўлқинлар теvarак қирлоқ томон тенг халқалар ясай-ясай тарқгани сингари, оқ зарралар халқаси кенгаяди ва кўздан йўқолади. Ғойиб бўлгани ҳамон марказий нуқтада яна оқ зарралар йййилади.

Энди бола кўрқмайди, у хайратланиб, кўзларини чирт юмгани ҳолда кўраётган ажиб манзарани тушунолмай оқ зарралар узоқлаша йўқолаётганда жуда-жуда олисларга қарагиси келади.

Инсон мудом энг олисдаги нарсаларни кўришга фахмлашга ўринади. Кўрқув ва Ғайрат омукталашиб кетган болалик таъсаввури вужуддаги ана шу мойилликка қоронҗиликдан паноҳ излайди. Бамисоли энг сирли, сеҳрли мўъжизаларга жавоб қоронҗиликдан топиладигандек туюлади.

Киши улҒайгани сайин дунё жавобсиз саволлардан иборат эканлигини англай боради. Ихтиёр беихтиёр ўзини, ўзлигини, мухитни, дунёни, фалақийётга қаттиқроқ, тикилиброқ, синчиклаброқ, қарайди, разм солади.

Ҳар қалай кундуз осмонига тикилишдан кўра тунги самога минг бир саволлар билан термилиш кўпроқ одамларга хос. Булутлар, ой, юлдузлар, юлдузлардан-да олисроқдаги қоронҗиликлар, "Мени биласанми?" деб саволга тутаётганга ўхшайди. Тикилаверасан, тикилаверасан, қора туйнуқлар қадар етган тафаккур (у қадар олисликни кўришга кўз кўчи қодир эмас) не-не ўтиб яна, яна ва яна қоронҗулик қаърига интилаверади.

Кўз вазифасини тафаккур ўз зиммасига олади. Тафаккур эса чегара билмайди. Тафаккурнинг шакл-шамойили йўл хайрат санамини эгалаган шуур омон эканки, тиним билмайди - қоронҗуликни англашга интилаверади.

Англаш, билиш, идрок этиш қоронҗиликни чароқинлаштириш демакдир. Ақл чироғи ёрита олган жойда мавхумлик бўлмайди, зулмат барҳам топади.

¹ Қоронҗулик – ёруғлик тимсоли. Хуршид Дўстмуҳаммад. Ёш куч журнали, 1995. – 5-6 сон.

Не ажабки, фикр ва ақл чироғи инсон миясида ёқилади. Мия эса - қора кути. "Мия - қора кути" дейди шоир. XX аср рус авангард

рассомчилигининг асосчиларидан бири Александр Малейивич мияни "қора тўртбурчак" шаклида тасаввур қолган эди.

"Қора қути", "қора тўртбурчак" ташбехларидаги қора ранг нақадар кенг, нақадар эзгу, нақадар ёруї маъноларни англатиши эса юқорида замин қадар баён этилди.

"Қора қути" инсонни тинимсиз "қора тўртбурчак"нинг энг марказий нуқтасига тикилишга ундайди. Инсон табиатан ана шу қоронїуликнинг кўз ва шуур илїамас туб қатламларидан ўзига тинчлик бермаётган саволларига жавоблар излашга интилади, интилади, интилаверади.

РАНГЛАРДА ГАП КЎП¹

Қадим-қадимдан инсоният рангларга алоҳида рамзий аҳамият бериб келган. Ҳар бир жон ўз моҳиятига монанд рангни беихтиёр хис этади, унга ихлос қўяди, зарур келганда сонсиз ранглар ичидан айна шуни ажратиб олади. Рангларга муносабат одамнинг ўз-ўзини тузукроқ англаб олишга ёрдам беради. Бунинг учун аввало энг яхши ва энг ёмон кўрган рангни аниқлаб олмоқ керак.

Қизил ранг тараққиёт ва зафарлар рамзидир. У ижод, фаолият жараёнини мужассам этади, меҳнатга раббатлантиради, аскарлар ва инқилобчилар, умуман, эр кишилар ранги ҳисобланади. Ҳамма ранглар ичида қизилни аъло кўрадиган кишилар одатда тўлақонли ҳаёт кечирадилар, лекин воқеаларга муболағали назар билан қарайдилар. Таъсаввур доирасини кенгайтириш, янги ютуқларни қўлга киритиш учун улар фаол ҳаракат қиладилар.

Тажовузнинг ҳар қандай хилини рад этадиган кишилар қизил рангни ҳам ёмон кўрадилар.

Мовий ранг меҳр-оқибат, вафо ва садоқат рамзидир. Кунгилга таскин берадиган, хавотирларни аритадиган, хузур-халоват бахш этадиган ранг. Кўпроқ аёлларга ёқади. Бу рангни яхши кўрадиганлар муваффақиятсизликка учраганда хафсаласи пир бўлиб, умидсизланиб қоладилар.

Кўнгли лаш, хира бўлиб, лекин аҳволни кескин ўзгартириб, бу тушкун ва лоқайд ҳолатни енгиб, қутулиб кетишни дилга тугиб юрган одамлар бу рангни тушунмайдилар.

Яшил ранг ўз ичига мовий рангни ҳам сингдиргандир. Бу ранг – барқарорлик, сабот-матонат, қадр-қиммат рамзидир. Бу рангни юқори қуйган кишилар аксаран тўғри сўз, хатто риоясиз, сал такаббур бўладилар. Уларда ҳукмронликка, бошқаларга таъсиу иродаси, рўдий матонати бу хил кишиларга ҳар қандай қийинчиликни енгилшга имкон беради.

¹ Мулокат журнали, 1991, № 7, 31-92 бетлар.

Бу рангни қатъиян рад этадиган киши эса ўзини ноҳақ равишда камситилган, хизматларига яраша тақдирланмаган хис этиб, ранжиб, нолиб юради. Бу ҳолатдан қўтўлиб кетишга эса журъати етмайди.

Сариқ ранг орзу-ҳаваслар, бепоеълик рамзидир. Кайфиятни яхшилайдиган, кунгилларга таскин берадиган бақава, хосиятли ранг. Мўутақиликка интилган, ўз бахтини ўз йўли билан яратишга қасд қилган шу йўлда ҳалол меҳнат қилишга бел боғлаган ҳар киши бу рангни биринчи ўринга қуйиши шубҳасиз.

Сариқ рангни қабул қилмаган кишилар уни бачкана, кўримсиз деб писанд қилмайдилар. Бундай кишиларга маънавий турфунлик, мустақиллик етишмайди. Улар йўқ хатолардан ҳадиксираб, салга руҳан чўкиб, атроф кишилар фикри тазйиқида иш тутадилар.

Сафсар - қарама-қарши икки рангнинг қоришмасидир. Қизил омад ва равнақни мужассам этса, кўк самимият ва меҳр-оқибат рамзидир. Бу сирасрорларга тўла, мўъжизалар, армонлар рангидир. Шу сабабдан бўлса керак кўпроқ болаларга ўтмишни кузатилган. Сафсар ранг шайдолари қарам фикрли, лекин ўзлари ҳам бошқаларни ўз измига солишни истаган кишилардилар. Тан олиш керак улар ўз атрофида ахил, тотув муҳит ярата оладилар, бироқ қарор қабул қилишда биров иккиланиб қоладилар.

Сафсар ранг бефарқлик - хирсий эҳтиросларнинг тумтоқдаги, ўшалмаган орзулар белгисидир.

Қўнғир ранг ҳавотир, ҳасад, инқироз рамзидир. Мутахассислар фикрича, ички зиддиятлар, дил қаърига яширилган тажовускор, ҳислар рангги. Бу рангни Юя ва ҳазин, асабларни таранг кишилар танлайдилар. Уларда яхшилаб дам олишга, кўнгилни бўшатишга кучли эҳтиёж сезилади.

Соғлом, беташвиш, серлайрат кишилар бу рангни охирроққа қўядилар. Қўнғир рангни таъби кўтармайдиган кишилар жун ва бачкана нарсаларга қарши, ўз нуқтаи назарига эга, лекин маълум даражада қунтсиз бўлади.

Кул ранг сезиларли таъсир кўрсатмайдиган безарар рангдир. У тинчлантирмайди, лекин қашга ҳам тегмайди.

Кул ранг биринчи ўринда турган тақдирда – киши ўзини ташқи таъсирлардан эҳтиёт қилади, ички мувозанати ва ички осойишталиги бўзилишини истамайди. Хис-тўйғуларини пинҳон тутаяди, сир бермайдиган одамлар жумласига киради.

Бу рангни охириги ўринда кўрадиган кишилар - ҳаракатчан, қизиқувчан, бироқ хийла хиёнаткорлар. Улар учун бу ранг зерикарли, туйиқ туюлади. Улар ёрқин таассуротларни, қайноқ воқеалар ичида юришни ёқтирадилар, ҳаётни четга чиқариб қўйишидан чўчийдилар.

Қора ранг узлат, танқид, фидокорлик рамзи. Шу рангга мойил кишилар ҳар нарсага танқид ўлчов билан ёндошадилар, ҳар нарса тўғрисида кескин, хатто қалтис мўуоҳаза юритадилар. Шу боис ҳаёт билан беллашувда кўп маълубиятга учрайдилар. Аммо ички эркни сатхлаб

қоламан деган киши баъзан иложсиз нарсалардан кеча билиши ҳам керакдир.

Ва ниҳоят бутун спектр қаторини ўз ичига олган, мураккаб, муқаддас оқ ранг. Фазлу камол, ҳалолу покизалик, бокиралик рамзи. Бу рангни севган кишиларни ҳавас қилса арзийди.

Ранглар тили, пухта эгалланган тақдирда, одамларнинг, ҳатто ҷамиятнинг маънавий ҳолати тўғрисида таъсаввур бериши мумкин. Кучақулар манзарасида, ҳонадонлар жихозида, одамлар усти-бошида қай ранг ҳукмрон? Шу ранг ҷамиятнинг ҳол-аҳволини белгилайди.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРНИНГ РАНГЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЪНОЛАРИ ¹

Кулоҳларнинг ранги ва кулоҳ устидан боғланадиган нарсаларнинг ранги муайян маънога ишорадир. Бу маъноларни билиш керак.

Агар оқ ранг нимага ишора этади, деб сўрасалар, айтгил: сут рангига ишорадир. Чунки сут гудакларнинг овқати бўлиб, гудаклар тарбияси ўшанга вобастадир. Бас, оқ кулоҳ кийган киши сут каби покиза бўлсин, гудаклар тарбияси ўшанга вобастадир. Бас, оқ кулоҳ кийган киши сут каби покиза бўлсин, гудак мисоли шахвоний хирсу аваслардан пок бўлсин. Ва лутфу меҳрибонлик сути ила ҳақ сифатларини парвариш этсин ва шундай мартабаю даражага етишсинким, фақирлар унинг тарбияти соясида осойиш топсинлар.

Агар яшил ранг нимага ишора этади, деб сўрасалар, айтгилким, кукат рангига ишорадир. Кукат ердан униб чиқади ва унинг танаси бўлмайди. Танаси бор ўсимликларни шажар дейдилар ва кукатнинг ҳосияти шуки, у яшнаб туради, тоза бўлади ва кўзни қувонтиради. Бас, яшил кулоҳ кийган ёки яшил боқич боғлаган ҳар бир одам доимо очиқ чехра, хуррам ва хурсанд бўлиши керак токи уни курган суҳбатдошларнинг кунгли ёришсин.

Агар зангори (кўк) ранг нимага ишора, деб сўрасалар, айтгилки осмон рангига ишорадир. Осмоний ранг кулоҳ кийган ёки шу рангли боғич боғлаган олий ҳиммат ва олий қадр бўлсин ва муҳтожларнинг ҳожатини чиқарсин.

Агар худранг (тупроқ ранги) нимага ишорадир, деб сўрасалар, тупроқда ишорадир, деб айтгил, ва шуни ҳам билгилки: ернинг ҳосияти шуки, нимани топширсанг (эксанг), ортили билан қайтаради (етиштиради) ва хушбўй гиёҳлару шуларни ундиради. Бас, кимки тупроқ рангли кулоҳ кийса, худди ер каби саҳий бўлсин. Қанча хорлик кўра ҳам, шодлик гулу рай хонларини етиштирсин, тупроқ каби камтарин, аммо азиз бўлсин:

¹ Хусоийин Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёт, 1994. – 44, 45, 47 б.

Тупроқ бўл, тупроқ, лола ила гул ундир,

Гулнинг мазхари ахир тупроқдир, тупроқ.

Тўртинчи фасл. Хирқа ранглари баёнидан мар бири бир ҳолатга ишорадир. Агар оқ ранг қайси тоифаники, деб сўрасалар, жавоб ҳергилки, оқ ранг кундузнинг рангидир ва лили равшан жамоаникидир, уларнинг кўкси кудрат, гина ва Ёубордан покдир. Кимки оқ рангли хирқа кийса, субҳи содиқ каби бўлади ва кундуз мисоли барчага равшанлик баёишлайди. Агар яшил ранг кимники, деб сўрасалар, айтгилки, яшил ранг кўкат ва сувнинг рангидир ва бу рангдаги хирқани олий химматлилар ва кунгли хамиша тирик одамлар киядилар. Яшил рангли тун кийганлар кўкат-майсалар каби яшнаган, хандон чехра ва хуррам бўладилар ҳамда сув янгли ҳаётбахш, ёқимли бўладилар:

Кўз қарочуИдан ўрганмоқ жоиз,

Ҳаммани кўрар, ўзини кўрмас.

Агар зангори ранг кимларга ярашади, деб сўрасалар, жавоб бергилки, зангори ранг осмон рангидир ва у сулукда тараққий этган, ҳолати баркамол одамларга ярашади... Зангори рангли тўн кийган одам олий қадру олий химмат бўлмоли даркор. У ҳамма ожизларга соя солиб, кеча-кундуз яхшилик қилишдан тинмаслиги, чарчамаслиги лозим. Агар тупроқ рангли тўнни кимлар кияди, деб сўрасалар, дегил: бу тўн некбин эрлар учундир. Кимки ушбу рангли тўнни кийса, унда хокисорлик, сабру тахаммул сифати мужассамдир.

РАНГЛАР СЎЗЛАГАНДА

Қадимдан Японияда экубана санъати ривожланиб келган. Японлар ҳар бир тирик жонзотга, ҳатто Ёоя ва тошларга ҳам хурмат билан қараб, гулларни эса инсонига қиёслаб келганлар.

VI асрда ибодатхона роҳиблари гулнинг сулишини гулга нисбатан зуравонлик деб билганлар. Келтирилган гулларни улар гулдонларга солишар ва парваришlashга етарлича вақт топардилар.

Экубанга муносабат ўта жиддий бўлсада, бироқ қурбонлик гулларининг сонига шунчалик эътибор кам эди. Улар кўпроқ шохлар ва ўтуланлардан экубана яшашга интилишарди.

Шунинг учун ҳам япон боёларида асосан дарахтлар, тошлар, сув ва гуллар турган бир неча буталарни кўриш мумкин.

Анаъанавий экубаналар яшашда баъзи ўсимликлар алоҳида аҳамият касб этади. Янги йилда қарамай, бамбук ва ёввойи олхўридан ажойиб композициялар тузилади. Қарамай узок умр, бамбукнинг нозик пояси сабр тоқат ва чидамлилиқ - тимсоли, олхўри - доимо соёлиқ ва фаровон ҳаётга ишорадир.

Японияда гуллар рангини ўрганадиган алоҳида фан мавжуд. Қизил тўлқинлантирувчи, кувонч ранги ҳисобланади. Лекин беморларга қизил гуллар тақдим этишни японлар маслаҳат бермайди, чунки бу ранг қон босимини ошириб юбориши мумкин. Оқ ранг - илоҳий рамз, яшил ранг - жасурлик ва соёломлиқни билдирса, сафсар ранг Ёам-Ёуссани англатади.

Сарик ва нофармон гуллардан мотам маросимларига гулчамбарлар тайёрланади. Шунинг учун хорижий меҳмонларга зинхор сарик гул тақдим этилмайди.

АЁЛ ВА ЭРКАК КИШИЛАР РАНГИ

Қадимги Мисрда эркак киши бадани тўқ жигарранг ва қизил ранг, билан аёлларни сарик ранг билан бўялар эди. Қадимги Юнонистонда эса эркаклар кўк ранг билан бўялар эди.

ДУНЁНИ ТҶРТ ТОМОНИНИНГ ЎЗИГА ХОС РАНГЛАРИ

Дунёни тўрт томонини ўзига хос ранглар билан белгиланган. Масалан: Шимолни олтин ранг билан, Жанубни кумуш ранг, Ёрбни (ляпис-лазурь) ҳаво ранг, Шарқни эса (красный рубин) ёрқин қизил ранг.

ДУНЁ САЙЁРАЛАРИНИНГ ВА ҲАҒТАНИНГ ҲАР БИР КУНИНИНГ РАНГЛАРИ

1. Яшил - Ой - Душанба
2. Қизил - Марс - Сешанба
3. Кўк - Меркурий - Чоршанба
4. ЗарҒалдоқ - Юпитер - Пайшанба
5. Оқ - Венера - Жума
6. Қора - Сатурн - Шанба
7. Сарик - Қуёш - Якшанба

ЕТТИ РАНГНИНГ ЕТТИ ХИСЛАТИ ¹

Шайх Нажмиддин Кубро 7 хил ранг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган:

1. Оқ - ислонни
2. Сарик - иймонни
3. Зангори - эҳсонни
4. Яшил – ишончни (итмино)
5. Кўк – тўлиқ ишончни (икон)
6. Қизил - ирфонни
7. Қора – ҳаяжон, хайратни англалган.

¹ Абдурахмонов Абдулхай. Саодатга элтувчи билим. – Т.: Мовароуннахр, 397-бет.

АМИР ТЕМУРНИНГ РАНГЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИГИ ¹

Қадимда ҳар бир давлатнинг мустақиллигини ифодаловчи рамзий белгилари: байроғи, тамғаси (герби), шиори ва савдо муомаласи воситаси - танга пуллар бўлган.

Ибн Арабшоҳ Амир Темур отларининг тамғаси ва динор-дирхамларга (олтин ва кумуш тангаларга) босиладиган тамғаси мана шундай "о°о" - уч халқадан иборат эди, деб ёзади. Демак бу уч халқда Амир Темур давлатининг энг асосий тамғаси (герби) бўлиб, бу тамға унинг яшил рангли байроқларида ҳам бўлган. (0-расм).

Испания (Кастилия) элчиси Р.Н.Клавихонинг айтишича, бу уч халқ (тамға) Амир Темурнинг уч иқлимнинг ҳукмдори, деган маънони англатади.

Амир Темурнинг ҳаракатдаги қўшинларида вазифасига қараб турли рангдаги байроқлар ҳам бўлган. Шарафуддин Али Яздий ёзади: "Боязид билан бўладиган жангдан аввал Самарқанддан келган ҳар бир қисм жангчилари махсус рангли кийим-бош кийган эдилар. Масалан: қизил байроққа эга қисмларнинг шу рангдаги қалқон, эгар-жабдуқ, ўқдон, камар, найза, гурзи ва бошқа аслахалари ҳам бўлган. Сарик, оқ ва яна бошқа рангда кийинган қисмлар аскарлари шу рангли байроқ, қурол-яроқ ва бошқа аслахалар билан таъминланган эдилар".

Шу тартиб Амир Темурнинг отлиқ аскарлари орасида ҳам урнатилган бўлиб, хатто, отларнинг ранги ҳар бир бобомизнинг бетакрор қалби, қиёфасига гўзал чизгилардир. Ҳар қандай тож кийган тахт соҳибига бу янгли дид, фаросат насиб этавермайди.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Саври, нужим илми, Қора қути, Сафсар, ҚўнҒир ранг, Қулоқ, ирфон, тамға.

САВОЛЛАР:

1. Рангларни рамзий ифодаланиш деганда нимани тушунасиш?
2. Яшил ва ҳаво ранг нима рамзий маънога эга?
3. Ўзбекистон Республикасизнинг давлат байроғининг рангини рамзий маъноларини билдиради?
4. Ранг тили деганда нимани тушунасиш?
5. Қора ранг нима рамзий маънони билдиради?
6. ҚўнҒир ранг нима рамзи?
7. Қора ранг қанақа рамзий маънога эга?
8. Оқ ранг нима рамзи?
9. Миллий либосларда рамзийлик деганда нимани тушунасиш?
10. Дунё сайёраларининг рангини биласизми?
11. Амир Темур ранглардан қандай фойдаланган?

¹ Ирфон Тўхтаев. Куч адолатдадур// Саодат журнали. – 1996. – 2-сон. – 6 б.

I. 5. РАНГЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ.

КЎЗ – ОПТИКАВИЙ АСБОБ ВА КЎРИШ АЪЗОСИ ¹

Бизнинг кўзимиз мия билан, организмнинг асаб системаси билан бо'ланган.

Агар кўзнинг тузилишини фотоаппарат, кинога олиш аппарати ва телевизион камера каби ҳозирги замон оптикавий аппаратларнинг тузилиши билан таққосласак улар орасида ўхшашлик борлигини сезишимиз мумкин.

Кўз диаметри 23-24 мм бўлган ботикро'и шакли шарсимон (кўз сохдаси) жисмдан иборат. Кўз оқ рангли мустаҳкам қобик-склера билан ўралган. Уни оддий тил билан кўзнинг оқи деб аталади.

Иккала кўз ҳам калла сўягининг кўз чуқурчасида, мияга яқин жойда жойлашган бўлиб, бирдай тузилган ва мия билан асаб толалари орқали мураккаб бо'ланган.

Кўз икки асосий қисм: оптикавий қисм ва кўриш қисмидан иборат.

Кўзнинг оптикавий қисми билан танишамиз.

Кўз қорачи'и камалакларда қоби'ининг ўртасига жойлашган думалок тешикчадан иборат. Ёру'лик шу қорачиқ орқали кўз сохдасига ўтади.

Камалак парда қобик - склера билан уланган мураккаб тўқимадир. Уодамлар кўзининг ҳар хил тусли рангини белгилайди: кул ранг мускул толалари бўлиб, улар бизнинг асаб системамиз билан бо'ланган. Равшан ёру'ликда бўуар қорачи'ни бизнинг ихтиёримизга бо'лиқ бўлмаган ҳолда 2 мм.гача қисқартиради ва равшанлик камайганда 8 мм.гача кенгайтиради. Демак кўз қорачи'лари жонли диафрагмалардир.

Шохларда тахминан 1 мм қалинликдаги шаффоф мустаҳкам қобик бўлиб, диаметри 12 мм.ли сферик косача шаклида бўлади. Шохларда склеранинг давоми ҳисобланади.

Шохларнинг орқасида кемирчаксимон шаффоф жисм - гавхар жойлашган. Гавхар мускуллар билан ўралган: бу мускуллар унга ва склерага уланган.

Кўз гавхари диаметри 8-10 мм.ли иккиёқлама қавариқ линзадан иборат. Унинг қорачи'да қараган олд томоннинг қавариқлиги орқа томони қавари'лигига қараганда камроқ бўлади. Гавхар бир неча қават шаффоф моддалар қатламидан тузилган.

Шохларда билан камалакларда қоби'и орасида сувсимон суюқлик бор, гавхар ҳаси эса куюқ модда - шишасимон тана билан тўлган.

¹ Набиев М. Рангшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 4-6 б.

Шохларда ва сувсимон суюқлик авхар ва шишасимон тана -бўуарнинг ҳаммаси биргаликда кўзнинг мураккаб объективи вазифасини ўтайди.

Кўз объективи ва фотоаппарат объективи бир хил оптикавий хоссага эга - улар буюмларнинг хақиқий кичрайтирилган ва тункарилган таъсирини беради. Бироқ фотоаппаратда буюмлар таъсири фотопластинкада, кўзда эса мураккаб нерв туқимаси - кўз тур пардасида ҳосил бўлади.

Кўриш худди мана шу турлардадан бошланади.

Кўз тур пардаси қандай тузилган?

Кўриш нервлари бош миянинг кўриш марказидан чиқиб, кўз соҳдалари ичига кириб боради.

Ҳар бир кўриш нерви миллионлаб нерв толаларидан ташкил топган. Ҳар бир тола кўз соҳасига кириб тармоқланади ва тахминан бир юз ўттиз миллион ёруғликни сезувчи нерв учлари қатламини ҳосил қилади. Бу қатламнинг қалинлиги тахминан 0,2 мм бўлади ва кўз тур пардаси деб аталади.

Тур парданинг маркази яқинида ёруғликни жуда яхши сезадиган сариқ доғ жойлашган. У марказий чуқурчага эга. Агар биз етарлича ёритилган буюмни аниқ кўраётган бўлсак бу ҳол буюмнинг таъсири кўзимизнинг сариқ доғида аниқ ҳосил бўлганлигидан дарак беради. Буюмнинг майда қисмларини ҳам аниқ кўраётган бўлсак демак кўз тур пардасининг марказий чуқурчасида уларнинг аниқ таъсири ҳосил бўлган экан.

ФЕРУЗА КЎЗЛАР СИРИ ¹

Кўк, яшил, зангори, сариқ, тўқ сариқ, жигар ранг, қора кўзлар,.. Келинг, бу ходисани изохлашга ўриниб кўрайлик.

Кўз рангли строма (ўзбекча «тушама» маъносида), яъни кўз томирли, пардасининг давоми бўлмиш бириктирувчи таянч қатламга боғлиқ. Чунки бу қатлам туқимасида мелани: деган бўёвчи модда бор.

Сиз кўриб турган расмда строма тадқиқотчи ўтирган томонга йирик томирли қатлам тарафи билан қаратиб қўйилган, унинг остида ташқи таъсирлардан химоя қилувчи унсур - хариокапилляр қатлами жойлашган, у ўз навбатида пигментли шиллиқ пардага тегиб туради. Бу пардадан кейин тур, унинг ортида эса рангдор парда жойлашган. Шиллиқ ва рангдор пардалар оралиғида киприклар саф тортиб туради. Строма ва унга қўшни парданинг томирлари меленафорлар, яъни қора ёки тўқ жигар ранг рангдор моддали туқималар қавати билан ўралганки, кўз рангни ана шу нарса белгилайди. Кўз ранги у ерда пигментларнинг қанча эканлигига ва улар тупламининг қай даражада катта эканлигига боғлиқ. Ўз-ўзидан маълумки, меленафорлар қанча кўп ва таркибидаги пигментлар даражаси нечоғли юқори бўлса, кўзлар шунчалик қора бўлади, акс ҳолда ранги «учиб» бораверади.

¹ Феруза кўзлар сири. А.Новохатский, И.Клюка. // Фан ва турмуш журнали, 1986, № 8-9 бет.

Бу қонуниятнинг аниқ жараёнлари пигментеизланишга олиб келади ва кўз ранги «уча» бошлайди. Гудаклар, айникса, оқ-сарикдан келган болалар, одатда, тўқилганда кўзи кўк бўлса ҳам, ёши катталашгани сари меленафор, тўқималарида пигмент тупланиб, кўз пардаси ранги «қорая» боради ва натижада кўз оч ёки тўқ жигар ранг бўлиб қолади.

Хўш, энди мутлоқ кўм-кўк, ҳаво ранг ва яшил кўзлар-чи? Уларни қандай изохлаш мумкин? Ахир кўз пардасида бу хил пигментлар мавжуд эмас-ку!

Махсус адабиётларда бу ажойиб ходисанинг бирон муайян изохи келтирилмайди. Флоренциялик буюк рассом Леонардо да Винчи ўз рисоаларида кўз олдида турган манзарани тўғри таъсирлаш махорати қонуниятларини баён қилади, шунингдек таъсирда ёруғлик ва соя мутаносиблиги қоидаларини батафсил тушунтириб беради. Табиатнинг шундай бир ажойиб қонуниятига эътибор қилади: олис масофадаги нарса нафақат кичрайиб, балки ранги ҳам бир мунча хиралашган тарзда кўринади. Шунга асосан, улуғ рассомнинг назариясига кўра, манзарани таъсирлашда узоқроқдаги предметларнинг шаклини кичрайтириб чизиш билангина кифояланмислик керак. Олдинда, биринчи режада турган предметларни ўзига мансуб табиий бўёқда таъсирлаш, орқароқдаги манзарани эса енгилгина хира пардада, ним ҳаворанг бўёқ билан таъсирлаш зарур. Леонардо да Винчи мўйқаламига мансуб сеҳрли манзараларда ана шу қонуният яққол акс этади.

Оқ-сарикдан келган кишилар кўз пардасида пигментлар оз бўлиб, унинг қалинлиги 300 микрондан ошмайди. Шу боисдан у унчалик шаффоф эмас, пигментли тўқималар устини тусиб турган ўзига хос юпка парда ҳам шунинг ўзидир. Бу ерда Леонардо да Винчи таъсирлаган Тоскания тепаликлари манзарасидаги ўхшаш ҳаворанг-намо яшил ва кўкиш ранглар иллюзияси юз беради.

Албатта, бу даъволар тахминдан нари бормайди. Бироқ бу борадаги яна бир кузатиш бизнинг юқоридаги фикримизни тасдиқлаш мумкин. Баъзи бир кишилар танасига туширган татуировкалар, ҳар доим ҳаво рангда кўринади. Аслида эса улар қора туш билан туширилган. Қиздирилган игналар терини яллилантиради, қора туш эса тери остига кириб, ним шаффоф парда билан қопланган ҳаворанг сиёҳ тусида кўринади. Пигменти оз кўз пардаси учун ҳам ана шу ходиса айнан хос эмасмикин?

Биз юқорида пигмент тўқимасининг ним шаффоф парда ичида нур сочиб кўринишига эътибор қилган бўлсак энди спектрнинг кўринадиган қисми нурларининг бевосита стромадан, яъни кўз пардасининг тушамидан акс этиши тўғрисида фикр юритамиз.

Агар тоғда кўзатган бўлсангиз, ажойиб бир ходисага кўзингиз тушган: ям-яшил ўсимликлар билан қопланган, унчалик олис бўлмаган тоғлар ҳаво ранг бўлиб кўринади. Шуниси ҳам борки, бу ходиса муваққат бўлиб, ўша ранглар бизнинг ушбу объектга қайси бурчак остида қарашимизга ҳам боғлиқ. Лекин, кўм-кўк, ҳаво ранг ва кул ранг кўзлар ранги ҳам ўзгариб туради-ку? Бу ходиса бизнинг ўша киши кўзига қандай масофа ва қайси тарафдан қарашимиздан қатъий назар, хис-маяжон таъсири билан юзага чиқади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, хиссий ҳолат кишининг кўзида айниқса, якқол намоён бўлар экан. Зеро кечинмаларнинг ижобий ёхуд салбийлигига боғлиқ равишда кўз қорачиқлари кичрайдиган ёки катталашади (кўздан ўт чакнаб кетади), кўз пардаси томирларидаги қон оқими кучаядиган ёки сусаядиган, натижада уларнинг тузилиши ўзгаради. Демак, кўз пардаси бир шаффофлашиб, бир хира тортади. Кўз гавҳари (олдинги сирт қисми акс эттириш қобилятида ҳам ўзгариш бўлади. Булар ҳам оқибатда кўз бошқача рангда товланишига сабабчи бўлади, деб айтиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: одам кўзларида кўм-кўк, ҳаво ранг ва яшил пигментлар йўқ, лекин шу хилдаги кўзлар мавжуд. Демак, бундай ҳолларда кўз пардасининг туси пигментларнинг сони ва ранги билан эмас, балки қандайдир бошқача сабабларга кўра аниқланади. Фикримизча, бу ўринда меланофорлари озайиб қолган пигмент тўқималарининг ним шаффоф парда остидан «нур сочиши», шунингдек, унинг рефлекс ва нур қайтариш хусусиятлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кўзларнинг ҳар хил рангда товланиш сабабини ҳозирча бундан бошқача изоҳаб бўлмаса керак.

КЎЗ РАНГИ ВА ФЕЪЛ-АТВОРИ ¹

Улар ўртасида бирон алоқадорлик борлигига ишониш қийин. Бироқ кейинги пайтда айрим рушшунослар шундай алоқадорлик бор, деб таъкидлашмоқда. Кузатиш натижалари шундан дарак берадики, қора кўз кишилар қатъиятли, бардошли бўлишади. Лекин кейинчалик хавф-хатарга дуч келганида, танг ҳолатларда нихоятда қизишиб кетади. Улар анча жўшқин ва шижоатли, раҳбар лавозимида турган одам серзарда бўлади. Қўл остидаги ходимларни жиндеккина айби учун ҳам ранжитади. Аммо айни пайтда ногаҳоний муаммолар тузилганда, бундай одам тезда энг муҳим ечимини топа олади. Эскича иш услубларини ёқламайди ва агар уларни йўқота олмаса, вазифасидан воз кечиб кетишга ҳам тайёр. Бундай кишилар доимо қатъиятли ва дадил бўлади. Лекин шу билан бирга катта ақл талаб қилмайдиган оддий муаммолар олдида ожизлик қилиб қолади.

Оч-жигар ранг кўзлар эгаси - ўз қобиғига ўратиб олган, ичимдагини топ, дейдиган ва ўзини уйлайдиган кишилардир. Улар бир хилдаги ишларни осонгина бажаришади. Бироқ, бошқа биров бўйруқ беришини кўтариша олишмайди. Аксинча, ўз ҳолатга қуйиб берилса, жўда яхши ишлашади.

Кўк кўз кишилар чидамли, хиссиётга унча берилмайдиган, турмушдаги бир хиллик эса уларга ёмон таъсир қилади. Улар одатда баддогоҳ дилгин ва феъл-хўйли кишилардир.

¹ Кўз ранги ва феъл-атвор. Муҳиба Хамидова. Қалб кўзи газетаси, 1997, март.

Айрим рушуносларнинг таъкидлашича, у ёки бу одамнинг қайси рангни ёқтиришига қараб, уларнинг феъл-атворининг асосий хусусиятларини аниқлаш мумкин эмас.

Шу тахминга асосланиб, хаттоки, қизиқарли тест ишлаб чиқилган. Демак, сиз қайси рангни ёқтирасиз?

Агар қизил рангни афзал кўрсангиз - сиз дилбарсиз, лекин ташқи таъсирга берилувчан, аммо ўзингизга жуда ишонасиз. Ўзингизнинг ҳақгўйлигингизга шубҳа қилсангиз-да, зўр бериб, ўз фикрингизни маъқуллайсиз. Баъзан мунозара ва баҳоларда маълум бўлиб, қолсангиз кайфиятингиз тушиб кетади. Бироқ, ўз яқинларингиз ва дўстларингизга ўта меҳрибон ҳамда оқибатлилигингиз билан ажралиб турасиз.

Пушти рангни хўш кўрувчилар эса кўнглининг жуда нозиклиги билан ажралиб турадилар. Улар хаёлпараст, баъзи-баъзида ширин хаёлларга ҳам бериладилар. Агар сиз шу тоифадан бўлсангиз, гўзаллик ва нафисликдан жуда таъсирланасиз, аммо ишбилармонлик кўлингиздан келмайди, кўпроқ орзу қилишни ёқтирасиз, холос. Ҳақиқий ҳаётни эса жуда жун тасаввур этасиз.

Агар зарфалдоқ рангни ёқтирсангиз, сиз ўзингизни ураб турган оламга жуда қизиқиб, ҳавас билан боқасиз ва ҳаётни севасиз. Сизда кучли ирода, ақл-заковат, истеъдод ва ижодкорлик каби хусусиятлар мужассамлашган. Жуда маълумсиз, лекин бу хусусият сизга асло ҳалақит бермайди. Ўз режаларингизни амалга оширишда астойдил ҳаракат қиласиз, "ҳаракатда баракат" деганларидек, ҳар бир ишни тўла-туқис даражада, зиёдаси билан бажаришга интиласиз. Аммо пишиб етилган ишларни доимо амалга ошириш кўлингиздан келавермайди.

Балки сариқни севарсиз? Унда жуда ҳам қувноқ, дилкаш, фаол ва ҳаракатчансиз. Ўткир зехн ва зўр қобилият умр бўйи сизга йўлдош бўлади. Сиз севган бу рангни файласуфлар, олимлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳам афзал кўрадилар.

Агар, яшилни қадрласангиз - сизнинг феъл-атворингизда сустликка мойиллик бор. Сиз одобли, тўғри, вазмин ва қувноқ одамсиз. Лекин сиз баъзан жуда ҳам ёлғиз бўлишни хоҳлайсиз. Ирим-сиримларга ишонасиз. Аммо сиздаги фаоллик ҳам, сустлик ҳам меъёридадир.

Ҳаво рангга мойиллик билдирувчилардан бўлсангиз у ҳолда жуда жонқуяр, зийрак, кузатувчан, фаросатли бўлиш баробарида унчалик мустақил ҳам эмассиз. Сиз кабилар табиатан кўпроқ орзу қилишни ёқтирадилар. Аслида эса ўзингизнинг сон-саноксиз ширин орзу-хаёлларингиз сабаб ҳамма нарсани хоҳлайсиз, бироқ, уларни ҳақиқатда рўёбга чиқаришни уддалай олмайсиз. Ҳаётдаги баъзи бир қийинчаликларга учрашингиз, сизнинг журъатсизлигингиздандир.

¹ Толипов Н. Ранг кур хол сур. // Гулистон журналы, 1999, № 1. – 35-б.

Сизга кўпроқ сиёҳ ранг маъқул келар, балки?

Унда сиз серҗайрат, шўх, санъаткор одамларга кунгил қуйган кишисиз, лекин санъатнинг бирор тури билан машғул бўлишни ўзингизга эп билмайсиз. Ажойиблигингиз шундаки, ўз дўстларингиз ва дугоналарингизга танқидий кўз билан қараган ҳолда ўзингизга ҳам шундай танқидий ёндаша олмайсиз. Фикрлашда, мулоҳаза юритишда сиз мустақилсиз, бироқ бундан руҳан эзиласиз.

Жигар рангга мойил бўлсангиз ёқимтой, ишонувчан, хотиржамсиз, яхшилик ва эзгулик хис-тўйиуларин билан ажралиб турасиз. Бироқ баъзан жиззаки ва хаттоки, тажовузкорсиз. Кўпинча, сиз кабиларда қатъият ва фаоллик етишмайди.

Балки кул рангнинг хўш кўрасиз. Унда сиз эҳтиёткорсиз, тартиб ва тинчликни ёқтирасиз. Ҳар нарсага синчковлик билан ёндашасиз. Бировга хавас қилмайсиз, уларга шафқатли бўлишга ҳам хоҳишингиз йўқ. Баъзан бошқаларга нисбатан раҳмдиллик хисси ҳам пайдо бўлади, аммо бу нарса бир зумда ҳаёлингиздан кўтарилади. Одамлар билан ишингиз йўқ. Сизнинг фикрингизча, ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти, тақдири ва бахти учун кўрашиши керак.

Агар қора рангнинг ёқтирсангиз, кўпинча уни ажойиброқ кўриниш учун танлангиз деб ўйлаш мумкин. Йўқ? Нима бўлганда ҳам сиз нозик хиссиёт, яширин ҳаёт тарзига мойил эканлигингиз билан ажралиб турасиз. Баладдарвоз файласуфона фикр юритишни яхши кўрасиз. Одамлар билан, айниқса, раҳбарлар билан “апоқ-чапоқ” бўлиб, тезда тил топиша оласиз. Қисқаси, сиз тўқма дипломатсиз.

Оқ рангнинг сезувчилар тўғрисида эса шўндай дейишади: уни очиқ кўнгил, ҳақиқатгўй, муросасиз ҳамда бошқаларга ва ўзига ўта талабчан одамлар маъқул кўрадилар.

ЮЗНИ ЎҚИШ САНЪАТИ¹

...Хусайн Кошифий Ўрта Осиё олимлари ичида юзни ўқиш санъати билан шуғулланаган ягона мутафаккирдир.

Қуйида улуғ олимнинг "Ахлоқий Мухсиннинг" асаридан бир парчани эътиборига хавола қиламиз.

Кишининг ранги баҳоят оқ ва кўзи кўк, яшил бўлиши юзи қатиклик, бешармлик, хиёнат, фиску-фасод, кам ақллиқкажтаъб (қинйир табиатли, қилини ёмон)лик далилидир. Бу аломатлар билан бирга у кўрса, тезназар, ясси пешона ва бошида сочи кўп бўлса Хукамо айтибдуқ бўлмоқ керак.

Сочнинг дурушт (дағал) ва қизил бўлмоғи шижоат ва кўнгли тозалик белгисидир.

¹ Юзни ўқиш санъати. Ровшанбек Махмуд. // Ёшлик журнали, 1991, № 5.

Сочнинг юмшоқлиги бедиллик, қўрқоқлик ва дийдаси қаттиқлик, кам фахмлик аломатидир.

Гарданида кифти (елкаси)да кўп мўй бўлиши журъа-ю ахлоқлик сийна ва қоринда кўп мўй бўлиши эса вахшаттабъ (ёввойи феъл) ва фахми кам, жафога мойил бўлмоқнинг белгисидир.

Сочнинг қоралиги ва қизиллиги ўртача бўлиши ҳамма сифатлар ўрта даражада бўлмоқ нишонасидир.

Пешонаси кенг бўлиб, унда ажин, тириш бўлмаса, бу хусумат беақллик, лофчилик, хасислик, ожизлик белгисидир. Миёна (ўрта) ҳол пешонаким, анда чин (ажин) ва шикант (азоб, машаққат белгиси) бўлса, сидду мухаббат ҳамда фахму илм, хушёрлик тадбирлилик деганидир.

Қулоқнинг катта бўлиши жохиллик аммо баъзи ҳолларда хафизлик (сақловчи, муҳофаза қилувчи) ва аксар вақтида хуйи тез бўлмоқнинг белгисидир.

Қошнинг кенглиги ва мўйиннинг қалинлиги, узунлиги сўзи дуруш (қўпол) бўлмоқнинг аломатидир.

Қошнинг қайрилгани лофчилик ва такаббурлик нишонасидир.

Қошнинг қоралиги (узун ёки қисқа бўлмай) меъёрида бўлса фаросатлик диёнатлилик аломатидир.

Билгинки, кўзнинг тез назар бўлмоли хасадгўйлик, хиёнаткорлик ва беҳаётлик нишонасидир.

Кўзнинг катта, кам ҳаракатли бўлиши нодонлик далилидир.

Кўзнинг катталиги ва кичиклиги ўртача бўлса, фахму хушёрлик, ростгўйлик, диёнатлилик нишонасидир.

Бурун ўлоқ (катта) бўлса, мулойимлик ва юмшоқлик белгисидир. Бурун эгри бўлса шохватни дўст тутмоқни далилидир.

Бурун - тешиги кенг бўлиши хасад ва ғазаб нишонасидир.

Бурун йўлон бўлиб, ясси бўлса, ёлмонлик далилидир.

Оғизнинг кенг бўлмоли шижоатлилик белгисидир.

Лабнинг қалин ва юпқалиги меъёрида бўлиши кенгашлик, яхши хоҳишликни билдиради.

Тишнинг алри бўлмоли макри хийла, хиёнат, тишнинг ораси очиқ ва силлиқлиги эса адолат, тадбиркорлик белгисидир.

Юзнинг гўшти тўла ва ўсиқ бўлмоли жаҳолат, хуйи тезлик белгисидир.

Овознинг баланд ва йўлонилиги шижоат аломатидир.

Овознинг ингичкалиги бадгумонлик вахмнохлик далилидир.

Овознинг муътадил (ёқимли) бўлиши тадбиркорлик, ҳар ишга яхши саранжом бермоқ нишонасидир.

Сўз айтиш вақтида қўл тебратмоқлик зийраклик ва тадбирлилик белгисидир.

Бўйиннинг қисқалиги макр, ичи ёмонлик далилидир.

Бўйиннинг узунлиги ва нозиклиги эса ахлоқлик, қўрбонлик аломатидир.

Бўйиннинг йўлон бўлмоли жахли ҳамоқат (нодонлик, ахлоқлик) ва сушт кунгил, пулхур (кўп ечувчи) бўлмоқ далилидир.

Қорни катта бўлмоқ жохиллик ва ахлоқлик, сушт кунгил бўлмоқ нишонасидир.

Бармоқларнинг узун бўлмоли барча санъатларда бузург (улуғ, ҳурматли) бўлмоқни билдиради.

Панжанинг йўлон ва гўштдор бўлиши нодонлик, юзи қаттиқ курумсоқлик аломатидир. Уларнинг меъёрида бўлиши муътадиллик далилидир.

МАШИНАНГИЗНИНГ РАНГИ ФЕЪЛ-АТВОРЛАРИНГИЗНИ БИЛДИРАДИ¹

Киши руиятини ўрганишнинг турли-туман усуллари бор. Бироқ феъл-атворнинг қандайлигини машинангизнинг рангига қараб бемалол айтиб бериш мумкин экан. Агар машинангиз бўлмаса, сизга қанақа рангдаги машиналар ёқишини сўрашнинг ўзи кифоя.

Қора рангдаги машиналарни ёқтирувчи кишилар учун жамиятдаги нуфузи биринчи даражада туради. Улар соф виждонли ва қатъиятли кишилардир. Уларнинг таниш-билишлари кўпчиликни, яқин дўстлари эса озчиликни ташкил қилади. Кундалик ҳаётда бундай кишилар ташкилотчи, ўйда ва ишда тозалик, тартибни яхши кўрадилар.

Кўк рангдаги автомобильни маъқул курувчилар жуда самимий инсонлар бўлиб, ҳамма билан тез тил топишиб кетишади. Бироқ уларнинг тасаввурлари саёз, бирон янги фикр, Юяни ўйлаб чиқиш уларга хос эмас. Бундай кишиларни боқаларнинг улар ҳақидаги фикрлари жуда қизиқтиради. Улар кўпинча, ўзларини бошқалардан устун кўядилар.

Яшил рангдаги автомобиль эгаллари тажрибали, бир сўзли ва узоқни кўриб иш юритувчи кишилардир. Уйи ва оиласини ишидан устун кўядилар. Уларда рақобатлашиш ҳисси йўқ шунинг учун дўст-ёрлари кўпчиликни ташкил этади.

Қизил автомобиль сохиблари ҳамиша юқорига интилиб яшайдилар. Улар самимий, ҳозир жавоб ва очиқ қўл кишилардир. Уларнинг серайратлиги, кўпинча рақибларда ҳасад ўйотади. Бироқ бу уларнинг ҳар қандай шароитдан чиқиб кетишларига ҳалал бермайди.

Кул ранг машинаси маъқул курувчилар ҳар томонлама етук, ҳақиқатгўй кишилар ҳисобланади. Улар ҳар доим ўзларини кимдандир қарздор деб ҳис қилиб юришади. Бирон фирибгарликка дуч келиб қолишса, ҳақиқатни юзага чиқармагунча кўрашади. Бундай кишилар кўпинча, соғлом турмуш кечиришади.

¹ Машинангиз феъл-атворингизни билдиради. // Меридиан газетаси, 2003, № 1-13 бет.

Қирмиз рангли машинани ёқтирувчилар жуда хаёлпараст инсонлардир. Улар тез севиб қолувчи, нафосатли ва ёқимтой кишилар, лекин тажриба борасида бироз нуноқроқ. Шунинг учун касб танлаш ва фаолият юритишда бироз қийналадилар. Улар гоҳида оилавий ҳаётда ҳам кўп тусиқларга дуч келишади.

Оқ рангдаги машина соҳиблари ҳам жамиятда юқори нуфузни эгаллашга интилади. Бундай кишилар ростгўй, жавобгарликни ҳис қилувчи ва бироз совуқдон кишилар. Оқ рангли машина эгалари келажакни кўра олади. Омадсизликлар уларни эсанкиратиб қўймайди. Бундай кишиларнинг оиласи мустаҳкам бўлади.

Кумуш ранг автомобильни ёқтирувчилар жамиятдаги ўрнини тўғри баҳолайдилар, бироқ мақтову олқишларни жуда ҳўш кўришади. Шу билан бирга улар ўз қатъийлик билан назорат қилиб туришади. Улар ҳеч қачон ҳис-ҳаяжонга берилиб, ўзларини йўқотиб қўйишмайди.

Сарик рангдаги машиналар эга бўлишини истовчилар бироз барқарорроқ кишилардир. Улар ҳаёти давомида туғма қобилиятларини аста-секин йўқота боришлари мумкин. Баъзан ўз кучи ва имкониятларига нотўғри баҳо бериб, қийин вазиятга тушиб қолишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Улар одатда, меҳрибон, самимий ва очиқ-кунгил кишилар бўлиб, оғир дамларда уларнинг ёрдамига бемалол ишониш мумкин.

Қизил рангдаги автомобиль соҳиблари енгил табиатлари бўлганликлари учун кўпинча, кулгили ҳолатга тушиб қолади. Ўзларига ортиқча ишониб юборганлари учун омадсизликларни тез-тез бошдан кечириб турадилар. Муҳаббат бобида гарчи бунда уларнинг ўзлари айбдор бўлсаларда, ишлари юришмайди.

УЯТЧАНЛИКНИНГ РАНГИ ¹

Тирик мавжудотлар ичида фақат инсонгина уялиш хусусиятига эга. Ўзининг ёки ўзгаларнинг нонуя қилиши, номуносиб хатти-ҳаракати, ноўрин сўзи туфайли мулзам бўлиш натижасида кишида уятчанлик ҳисси пайдо бўлганда у ўзида ўнлайсизлик, безовталиқ сезади. Бу нарса кишининг маънавий эҳтиёткорлигини кучайтиради, дейди мутахассислар ҳам.

Россиялик психолог Алёна Либина хатто ана шу уятчанликнинг ҳам ўзига хос ранги бўлиши ҳақида ўз фикрларини ифода этган. Келинг, яхшиси бу рангларни биргаликда кузатайлик.

Оқ рангдаги уятчанликда сиз тўғрилар асирга айланасиз. Қўл, оёқ ва хатто товушингиз сизга бўйсунмай қўяди. Бундай ҳолат одатда шундай характерланади: киши юзидан қони қочиб, юрак нотекис ўради. Ранги учган юзда эса бирон эмоциядан асар ҳам топмаймиз.

Қизил рангдаги уятчанлик қаттиқ хижолат тортиш натижасида юзага келади. Бунда истайсизми - йўқми қизарасиз. Буни атрофдагилардан ғайритабиий тарзда яширмоқчи бўласиз.

¹ Уятчанликни ранги. Алижон Сафаров. // Оила ва жамият газетаси, 1995, 31 август.

Яшил рангдаги уятчанлик эса атрофдагиларнинг сизни ортиқча ташхид қилиши, тирноқ остидан кир излаши туфайли юзага келади.

Сариқ рангдагисида эса ортиқча вайсақилик ва тасодифий импульслар таъсирига берилишдан келиб чиқади.

Тўқ бинафша рангдаги уятчанлик. Айнан шу турдаги уятчанлик қалбда яширинган хиссиётларни фош этиб қўяди. Бўнда атрофдагиларга хадик хаё пардаси орқали қаралади.

Жигар ранг. Бунда "Мен аниқ хис қилаяпманки, барча менга" таъна билан қарамокда ва мендаги бор камчиликни аниқ кўришмоқда" деган ички ўй билан боғлиқ уялиш келиб чиқади. Бунда одам ортиқча сиқилиб, ҳақиқатда ҳам атрофдагилар менинг камчиликларим боис мен билан муомала қилишдан чучиб туради, деб ўйлайди.

Кўк рангдаги уятчанлик хадиксираш ва хаддан ташқари аччиқланиш натижасида юзага келади.

Кул ранг. Бундай уятчанликда киши фикрининг бошқалар учун ахамиятсиз ва ноўрин эканлигини хис қилади. Шунинг учун ужамоатчилик олдида айтадиган фикрини айтолмай, юрагини ва қимали қўрқув банд қилади.

РАНГЛАР ОРҚАЛИ ИНСОНЛАРНИ ХАРАКТЕРИНИ АНИҚЛАШ

Сиз қайси рангни сезсангиз шу рақамли рангни ўқинг.

1. Яшил ранг.
2. Қизил ранг.
3. Сариқ ранг.
4. Ҳаво ранг.
5. Бинафша ранг.
6. Оқ ранг.
7. Қора ранг.

ЯШИЛ РАНГ. Бу рангни севувчилар жуда хиссиётли, нозик дидли, табиатни яхши курувчи, эркин ва озод севувчи ишқ бобида вафодор ва ишончга лойиқ кишилардир.

ҚИЗИЛ РАНГ. Бу рангни севувчи кишилар қизикон, ҳаракатчан, тезда бир қарорга келувчи, жажли тез, ҳар бир ишга аралашиб, можаро чиқаришни яхши курувчи кишилардир.

САРИҚ РАНГ. Бу рангни ёқтирадиган одамлар тушунувчан, равшан фикрли кишилардир. Улар хаёлга берилўуан, маленхоллик, вафодор, хасадин, афсонага айланиш даражасига севишга уринувчи бўладилар.

КЎК РАНГ. Бу рангни ёқтирувчилар ички оламдан кўра ташқи оламини, ички гўзалликдан кўра ташқи гўзалликни севувчи бўладилар. Улар ақлли, принципли, ишқда вафодор, бир ишни қилишга аҳд қилсалар қилганларидан кейин афсус чекмайдиган кишилардир.

БИНАФША РАНГ. Бу рангни ёқтирувчилар иззатталаб, ҳаммадан кучли бўлишни истовчи, мижози доим ўзгариб турувчи, ҳаёти доимо Ёлаёндан иборат бўлган одамлардир.

ОҚ РАНГ. Бу рангни севувчилар покиза, маъсул кишилардир. Бошқаларга нисбатан мулойим, совуқдон хиссиёти эса камроқ бўлади.

ҚОРА РАНГ. Бу ранг бадбин ва иззаталаб кишиларнинг севган рангидир. Бўудай кишилар кам кулади, тунд бўлиб юради, ишқ бобида ўзбилармон, бир кўз қарашда севиб қолаверадиган бўлади.

ГЎЗАЛЛИК ОЛАМИ.

РАНГЛАР ДАВОЛАЙДИ ¹

Яқин вақтлардан бери япон аёллари қизил рангли кийимларни маъқул кўриб қолдилар. Чунки чеварлар қизил рангли кийим киядиган жувонларнинг узок вақтларга қадар ёшариб, жозибадор бўлиб юришларини айтмоқдалар. Бу гапларда оз бўлсада ҳақиқат бор.

Қадим замонлардан бери турли хилдаги рангларнинг шифобахш таъсири маълум. Масалан, шарқда қизил ранг ичакларнинг қуйи қисмини ва оёқларни назорат қилиб турадиган энергетик чакралардан бири, деб ҳисобланган. Қизил ранг мускул фаолиятини яхшилайти. Моддалар алмашинувини меъёрига келтириб туради. Қон яратилишини яхшилайти. Шунингдек, тери касалликларида, чунончи чечак қизамиқ, сарамас, волчанка, скарлатинага даво бўлади. Хотирани мустаҳкамлайти. Одамга тетиклик ва қувват бахш этади, вирусли касалликларда ёрдам беради. Айни вақтда қизил ранг одамни кўзлатиш, бошни оқритиши, асабийлаштириши мумкин. Шунинг учун семиз одамлар қизил рангдан эҳтиёт бўлганлари маъқул.

Зарғалдоқ ранг. Меъда-ичак ишини меъёрига солади. Иштахани очади. Илгарилари ошхона ва меҳмонхоналарга зарғалдоқ рангли абажурлар осиб қўйилгани бежиз эмас. Бундан ташқари, зарғалдоқ ранг ўпка касалликларда (ўпка, трахея, бронхлар, халқум, хиқилдоқ) касалликларда организмга шифобахш таъсир кўрсатади. Хусусан бронхиал астмаси бор беморлар учун жуда фойдали. Зарғалдоқ ранг эндокрин тизимни раббатлантиради. Талоқ ва қизилунгач касалликларида самарали.

Сариқ ранг. Бошқа шифобахш воситалар билан бирига атоник қабзият, ўйкусизлик тери касалликлардан фориқ бўлишда ёрдам беради. Сариқ ранг иштахани очади. Бутун организмга тозаловчи таъсир кўрсатади. Кўз ва жигар ишини раббатлантиради. Нерв системаси тонусини оширади. Ақлий қобилятни яхшилайти.

Яшил ранг. Қадим замонлардан абадийлик тимсоли ҳисобланади. У аритмияни йўқотади. Қон босимини меъёрига келтиради. Юрак ўйнашини йўқотади.

¹ Ранглар даволайди. “Сихат-саломатлик” журнали. 2002, 32-бет.

Шамоллаш касалликларида даво, асабийлашишга ва жахлдорликка йўл қуймайди, яшил ранг бронхларнинг кенгайишига таъсир қилади. қўуқнинг эшитишини яхшилайдди. Юрак қисқаришларини кучайтиради, меҳнат қобилиятини оширади, бош оґриғини камайтиради.

Кўк ва ҳаво ранг (зангори). Жуда кучли антисептик ҳаво ранг пигмент доғларни, жигар касаллигини, сарикни, кўйганларни даволайди, яллиғланиш жараёнларини босади. Ҳаво ранг кўз хиқилдоқ, умуртқа поғонаси касалликларида қўлланилади. У шунингдек юрак фаолиятини меёрлаштиради. Мовий рангнинг озиш ниятидаги одамларга фойдали бўлиши сезилган.

Ҳаво ранг идиш, ҳаворанг дастурхон, ҳаворанг ёруғлик деворларнинг ҳаво рангга бўялгани иштахани жуда пасайтиради ва дастурхонга тортиладиган овқатни кўримсиз қилади.

Кўк ва кўм-кўк ранг. Қалқонсимон без касалликларида, бўғоқда, ўпка касалликларида ёрдам беради. Кўк ранг катаракта, глаукома, астма ва ўпка яллиғланишида шифобахш. Ҳинд олимлари кўк ранг руций носоғлом одамларга узоқ вақт таъсир қилиш турганда улар озми-кўпми дарддан фориқ бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Фақат нерв системаси бўш одамлар кўк ва мовий рангдан узоқроқ бўлганлари маъқул. Чунки бу ранг уларга руҳни эзадиган таъсир кўрсатади.

Бинафша ранг. Бинафша рангдан барча руҳий касалликлар ва асаб бузилишлари, невралгия, ревматизм, мия чайқалиши, жигар ва ажратув системалари касалликларида фойдаланиш мумкин. Унинг томирлар системасига яхши таъсир қилиши ҳам қайд қилинган. Шуниси қизиқки, чет эл олимлари, рангларнинг қон гуруҳларига алоқадор бўлишини аниқладилар. Масалан, қони биринчи гуруҳ одамлар қизил, зарғалдоқ, (пур-пур) тўқ қизил ранглари маъқул кўрадилар. Қони иккинчи гуруҳ одамларга ҳаётий жараёнларни меёрлаштириш учун мовий ва яшил ранглар тавсия этилади. Чунки бу ранглар танага ва ақлий қобилиятга яхши таъсир кўрсатади. Қони учинчи гуруҳ одамларга ҳамма ранглар мос келаверади. Уларга қизил ва зарғалдоқ рангларни қўллаш ҳаёт фаолияти жараёнларини рағбатлантиради ва ақлий фаолликни оширади. Мовий ва яшил ранглар асабларни тинчлантиради, бинафша ранг уй-хаёллар ва хотираларнинг яралишига ёрдам беради. Қони тўртинчи гуруҳ одамлар энергетик таърифларига кўра, иккинчи гуруҳга ўхшайдилар. Мовий ва яшил ранглар уларга анча яхши. Кийим танлашда ва ўйингизни жихозлашда юқорида айтиб ўтилган ранглардан ўзингизга таълуғлигини танлансангиз доимо сихат-саломат ва кайфиятингиз яхши бўлиб юради.

Нилуфар тайёрлади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Камалак парда, Шохларда, тушама, Меленафорлар, дурушт.

САВОЛЛАР:

1. Кўриш аъзосининг ўзига хос томонлари нимада?
2. Рангларни инсон кўзи билан қанақа кўради?
3. Кўз ранги билан инсоннинг феъл-атворини билса бўладими?
4. Кўк кўз кишилар қанақа характерда бўлади?
5. Пушти рангли хўш курувчи кишилар қанақа характерда бўлади?
6. Хусайн Кошифий юзни ранги орқали инсонлар характерини қанақа аниқлаган?
7. Қора рангдаги машинани ёқтирган кишилар қанақа характерда бўлади?
8. Ранглар орқали инсонларни қанақа даволаш мумкин?

I. 6. РАНГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ЎРНИ.

*Эй мен билган, билмаган дунё!
Заррадан то коинот
қадар ҳам аён,
ҳам тилсимот қадар.
Фикрат бовар қилмаган дунё
Мен ҳам сендан
бир қисм бўлиб
хис, идроқжон ва жисм
бўлиб яралибман, яшамоқдаман!
Эркин Вохидов.*

КОМИЛ ИНСОН ҚАЛБИДАГИ РАНГЛАР

Дунё чексиз сир-синоатлардан иборатдир. Уни квадрат асарига рамзий маънода ўхшатса бўлади. Зеро «квадрат» - унинг абадий яратилганлигини, у оламни моддий асоси тўрт унсурдан яъни ер, сув, ҳаво ва оловдан иборатлиги, тўрт томони - чексизлик тимсолини англатса, «қора ранг» эса мавсумлик дунё сир-синоатининг барчасини англаб бўлмаса сир эканлигидан далолат беради. Инсоният нақадар шу сирларни билишга ҳаракат қилмасин, бироқ унинг тафаккури ожизлик қилиши, табиийдир. Пировардида, бу мўъжизаларни ўрганиш учун инсонга чексиз умр керак бўлиши ҳақида фалсафий хулосага келасан киши.

Борлиқни кузатар экансиз бизни кўршаб турган олам турли-туман ранглардан иборат эканлигини кўриб хайратга тушамиз. «Бу рангларда қанчалик маъно ва мўъжиза яширинган?» - деб ўйлатоласан. Аждодларимиз табиатнинг сирли оламига ғайратга тушиб, асрлар давомида уни ўрганиб келмоқдалар. Муқаддас китобимиз «Қуръони Карим»да ҳам ранг мўъжизалари ҳақида қуйидаги фалсафий фикрлар билдирилган: «Оллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг берувчи борми?»¹ ёки «...Ранглари турли бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?!» яна «...толарнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл-йўлиси ҳам, тим қораси ҳам бордир»². Шунингдек одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлар орасида ҳам турли ранглари бордир»³.

Дарҳақиқат, «ранг» атамаси тўрт ҳарифдан иборат бўлса-да, шубҳасиз унинг маъносига ва сирли оламини ўрганишига инсоннинг умри етмаслиги, табиийдир. Ранг сирларини илмий ўрганиш мақсадида «Рангшунослик» фани юзага келган, рангларнинг инсон кўзига таъсирини англатувчи фан эса - ранг психологияси деб юритилади⁴. Ҳар бир ранг олам маъно англатади. «Нима боис табиат яшил рангда яратилган?».

¹ Қуръони Карим. Бақара сураси, 138 оят.

² Ўша асар. Фотир сураси. 27 оят.


³ Ўша асар. Фотир сураси. 28 оят.

⁴ Булатов С.С., Аханов Б. Ранг психологияси. – Тошкент, 2003.

Бунинг сабаби нимада? Агар табиат қизил ёки сариқ рангда бўлса, нима маънони англатган бўлар эди? Нима учун қонимиз қизил? Қайси ранглар инсон саломатлилигига, кайфиятига таъсир этади? Инсон қалбидаги рангларни қандай кўрса бўлади? Инсон ёки ҳайвонларнинг ранглари орқали улар саломатлигини аниқлашса бўладими? Салла нима учун турли рангда бўлади? Улар инсон руҳига таъсир этадими? Ушбу муаммоларни барчаси ранг психологияси фанининг тадқиқот мунозараларидандир.

Мазкур соҳа бўйича асрлар давомида аجدодларимиз, фан арбоблари муайян даражада илмий-тадқиқот ишлари, тажрибалар ўтказиб келишмоқда. Аждодларимиз бизга ранг ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, шифобахшлиги, тарбиявий, фалсафий ва рухий томонлари шаклида жуда кўп маънавият хазиналари қолдириб кетганлар.

Биз тасаввуфда¹ рангларнинг Ҳайб илмидаги² фалсафий қарашлар ҳақида маълумотларни бир оз тўхталиб ўтмоқчимиз.



1-расм. Тасаввуфда илм турлари.

¹ Тасаввуф (Суфийлик) – исломдаги диний фалсафий таълимот; оқим. Таълимотнинг асоси инсон ва унинг Парвардигорга муносабатидир. Суфийликда рухий камолотга эришиш тўрт боскичдан иборат: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат.

¹ Комилов К. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ меъроси. – Тошкент, 1995, - 4-б.

Руҳи¹ яратган қудратга ўланган буюк шахслар борки, уларда санаб ўтилган тоифаларнинг бир қанчасининг сифатлари жамланган бўлади. Шайх Нажмиддин Кубро ана шундай зодлар тоифасига киради. У илму хикмат, фалсафа, тиб, риёзиёт, тафсиру талқинлар баробарида ирфоний илмлар, илоҳий хикматлар нурини беради.


Мазмуни:

1. Тут - Оллоҳ томонидан ахборот, огохлантириш. Ушбу ноёб хабардан фойдаланишни билиш лозим, яъни тушларнинг маъини чақиш керак ва ҳаётимиздаги кейинги қадамларни пухта ўйлаб, тўғри хулоса чиқариб босишимиз даркор.

2. Илҳом - (арабча) – илҳомланиш, руҳланиш, ижодкор фаолиятида юқори фикрланиш вазиятидаги тусатдан ва вақтинчалик Ўйбдан пайдо бўладиган илоҳий руҳланиш ҳолати.

3. Вахий - Тангри таоло томонидан юборилган хабар.

Нажмиддин Кубро кечинмалар, нозик ҳолатларни пухта билганидан, шунга мувофиқ «латоиф» назариясини ишлаб чиқади. Бу назарияга биноан, инсон руҳи кўзга кўринмас бир латиф марказлардан иборат. Бу онг ва тўғри, руд ва жисм орасидаги бир нарса. (3-расмга қаранг).



3-расм. Нажмиддин Кубронинг “Латоиф” назарияси.


¹ Руҳ-инсоннинг номоддий мавжудлиги, яъни “Мен” и. У ўлмас, азалий ва абадийдир. Руҳ инсон жони ва танасини бош мия орқали бошқаради. Одамдан жон чиқиб, бош мия ҳаракатдан, фикрлашдан тўхтаган маҳалда руҳ танани тамомила тарк этиб, бош мия ҳаракатдан, фикрлашдан тўхтаган маҳалда руҳ танани тамомила тарк этиб, танасиз ҳаётни ўлчамдаги келган номоддий макондалатиф оламда давом эттиради. Тангри таоло қиёмат қойимдан кейин ўлган лдамнинг танасига яна қайта жон ато қилиб тирилтиради ва инсон руҳини ўзининг танасига қирғизди. Шундан кейин инсон қилмишига яраша жаннатга ё дузоҳга ёки аросатга йўл олади. Руҳ, жон ҳақида тўлиқ, аниқ батафсил, мукамал билишнинг илоҳи йўқ. Бу ҳақида Қуръони Каримнинг “Ал-Исро” сураси 85-оятда: (Эй Муҳаммад), Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Руҳ ёлғиз Раббим биладиган

ишларидандир”. Сизларга бу ҳақида жуда оз илм берилгандир деб ёзилган. (Абдурахмонов А. Саодатга элитувчи билим. – Тошкент: Мовароуннахр, 2001, 432-б).

У шундай нозикки, уни иллаб олиш ҳам мушкул. Аммо инсон ҳаётида бу «латиф» марказларнинг ахамияти катта суфий айнан шу марказларни яллилантириб, ўткирлаштириб бориши ва иллаб олиши даркор. Ана шу «латоиф» инсоннинг илохий хислатидир. Суфий¹ риёзатлар, машқлар давомида бу латоифни турли ҳолатларининг ўзгариши, ранглар ва шаклларнинг алманиши тарзида тасаввўу қилади.

Нажмиддин Кубро назарида нукта, доI ва доира мурид² руҳий ҳолатлари ўзгаришида мўуим хизмат қилади. (4-расм).

Доира доимий айланишида, у доIини ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни, нуIта сари интилади. Нукта мохиятни англаш орқали Оллоҳ оламини идрок этса бўлади.



4-расм. Муриднинг илохий хислатларини ўзгариш ҳолати.

1. Доира — фалак доираларининг айланиши.

2. ДоI - дунё тимсоли.

3. Нукта вақтдандир.

Мурид руҳи шунингдек, ҳаяжонлар, ҳайфатлар ичра турли рангларга ҳам дучор бўлади. Ҳалиги доира, доI ва нукта айланиш ва алманиши ранглар алманишини ҳам қамраб олади: руҳни хислар босқичидаги тараққиёти қора рангда, кейин қизил рангда кечади. Сўнгра яшил ранг кўриниб, илохий оламнинг яқинлигидан далолат беради (5-расм).




5-расм. Сўфийнинг (Мўридни) рўҳий ҳолатлари, Оллоҳ томонидан сафардаги даража босқичлари.

¹ Суфийлик – Ислom динида VII – IX асрларда вужудга келган ва XI – XII асрларда шаклланиб бўлган миянинг тарки дунёчиликка, руҳий покланишга, Оллоҳни билиш ва ўнга етиши мақсадига асосланган оқим.² Мурид (арабча) – “эргашувчи” “талаб этўвчи”, “истовчи”. Бирор ишни қилишга жазм ва азму қарор қилган

одам. Пир, Эшонга қўл бериб, суфийлик йўлга кирган шахс. Пирнинг шогирди. Бутун ақлу иродасини Оллоҳга қаратиб тариқат сирларини ўрганувчи киши. Муҳиблик мақомига кейинги мақом.

Шундай қилиб, ранглар суфийнинг руҳий ҳолатлари, Оллоҳ томон сафаридаги даража босқичларини билдириб туради. Рангларни хилма-хиллиги ва алмашилиб туриши солиқнинг ахволини, шуурий кечинмаларининг давом этаётганини ифодалаб, у ҳали талаввун, яъни, ботиний-тафаккурий кечинма-ўйларнинг аллов-далловда, турлитумандалигини англатади. Руҳнинг рангдан рангга кўчиши ривожланишидан нишонадир¹. Ушбу жараён охир оқибатда рангсизлик ҳолатига, яъни тамкинга олиб келади. «Тамкин» ҳолатига кирган суфий «талаввун»дан (ранг-барангликдан) кутилиб, Ваҳдат оламига қўшилган бўлади. Чунончи, зангори ранг солиқнинг тавба қилиб, тариқатга қадам қўйганида кўринади, бўуҳолатда у шариат доирасида бўлади, мантикий - далилий билишдан ҳали қутулмаган, ҳали кунглида дунёвий ҳаваслар майли хукмрондир. Бундан кейин тариқат бошланади, солиқ қалбида мухаббат кўзюлади, у Оллоҳ ёди билан яшайди ва бу сарик рангга тўйри келади. Қизил рангга солиқнинг руҳи вужуддан ажрала бошлангани, маърифатга яқинлашгани, маънавий мохиятлар оламини англагани маълум қилади. Аммо бу босқич холи ҳирс нуқтасидан халос бўлмаган бир ҳолатдир. Сўнгра оқ ранг кўринадики, бу юракнинг покланишига ишорадир ва ҳақиқатан англаш бошланади. Ҳақиқат оламидан хабардор бўлиб, тавҳид ҳолатини бошдан кечиради.

Шундан сўнг яшил ранг келади. Яшил ранг валийликдан нишона. У сирларнииг сирига, Ҳайбга ошноликни билдиради ва солиқнинг асл мохиятларга етишаётганлигини ҳам англатиши мумкин, мазкур ранглар солиқнинг Оллоҳ томон ва Оллоҳ билан рўхий сафарларини англаган бўлса, олтинчи ранг-қора ранг Оллоҳдан халқ сири қайта сафарини билдириб, канзул сир-асрорлари хазинасини эгаллашни ва ҳайратга Ҳарқ бўлишни ифодалайди. (6-7 расмлар).



6-расм. Хоразмлик шайхда рангларни жойлаштириш тартиби.

¹ 1 – Жадвалга қаранг.

№	РАНГЛАРНИ НОМИ	РАНГЛАР	СУФИЙНИНГ ДАРАЖА БОСҚИЧЛАРИ
1	ЗАНГОРИ		ШАРИАТ
2	САРИҚ		ТАРИҚАТ
3	ҚИЗИЛ		МАЪРИФАТ
4	ОҚ		ХАҚИҚАТ
5	ЯШИЛ		ВАЛИЛИК
6	ҚОРА		КАНЗУЛ АСРОР – СИРЛАР ХАЗИНАСИНИ ЭГАЛЛАНГАНЛИГИ
7	КУЛ РАНГ		КУЛ ДАРАЖАСИ

7-расм. Суфийнинг руҳий ҳолатининг ранглар асосида даража босқичлари.

Шариатнинг маъзи-хикмати бошқатдан идрок этиб, қоронги бир доғ рангга ўралади. Ва, ниҳоят солиқ руҳи яна Оллоҳ ҳузурида пайдо бўлади. У қора рангдан қўтилиб, рангсизлик ҳолатига киради. Зоти кул даражасини эгаллаган солиқ бир ранглик ҳолатида мақсадига эришади.

Кўринадик, Нажмиддин Кубродаги ранглар ва маънолари кейинги вақтларда тасаввуф назоратчилари таърифлаган рангларнинг шарқидан фарқ қилади. У етти ранг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган (7-расм).


Солиқ руҳи ҳолатларини, қайси ранг кўз олдида намоён бўлаётганини пирига айтиб туриши керак. Пир шунга қараб муриднинг билиб, унга вазифалар юклайди. Хоразми Шайхда рангларни қуйидаги тартибда жойлашган (8-расм а, б).

№	РАНГЛАРНИ НОМИ	РАНГЛАР	РАНГЛАРНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОЛАРИ
1	ОҚ		ИСЛОМ
2	САРИҚ		ИЙМОН
3	ЗАНГОРИ		ЭХСОН
4	ЯШИЛ		ИТМИНОННИ (ИШОНЧ)
5	КЎК		ИҚОННИ (ТЎЛИҚ ИШОНЧИ)
6	ҚИЗИЛ		ИРФОННИ
7	ҚОРА		ҲАЯЖОННИ (ХАЙРАТНИ)

8 а-расм. Нажмиддин Кубронинг фалсафий қарашидаги етти рангнинг етти тушунчаси.

Нажмиддин Кубро солиқ эътиқоди ва иймонига кўп эътибор берган. Шунинг учун у иймон, итминон, иқон (ишонч) сўзларини қайта-қайта таъкидлайди. Аммо қора ранг таърифида ўхшашлик мавжуд: Нажмиддинда бўлганидай, кейинги суфийлар ҳам қора рангни хайрат белгиси ҳисоблаб, руҳнинг фанога изох ҳолати рамзи сифатида кўрсатганлар.

Хуллас, Нажмиддин Кубронинг ранглар ва шакллар билан боʻлиқ руҳи, психологик тажрибалари кейинги суфийлар томонидан ривожлантирилган. (Айтиш ўринлики, инсон руҳи билан боʻлиқ бу манзара ва ҳолатлар Овропада XX аср бўсаласида кенг ўрганилиб, янги билимларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Чунончи, Кафка, Шопенгауэр, Фрейд фалсафасида паропсихология асосий ўринни эгаллайди¹.



8 б-расм. Хоразмлик шайхда рангларни жойлаштириш тартиби.

Оламда Оллоҳ таъло ва унинг расулидан ташқари яна авлиё ҳамда асфиёларга, донишманд бузругворлар бор. Уларга биз эътиқод ва эҳтиром билан яшаб келинади. Уларни хоки пойини зиёрат этиб руҳларини шод айлаб, руҳий-маънавий ибрат олинади. Уларни эъзозлаш покликни, маърифатни ва иймонни эъзозлашдир. Валийларнинг табаррук руҳларини ёд олиш, уларга дуо юбориш фарқли биз ўз қалбимизни, виждонимизни тозалаш, ҳаёт тарзимизни ростлик ва эзгулик сари мувофиқлаштиришга интиламиз. Чунки валийларнинг маънавий мерослари ва амаллари бизга ибрат ҳамда сабоқдир. Шундай экан комил инсонлар ҳаётини ўрганиш, ўзини ва бутун оламларни яратган Раббисини таний олишнинг калитидир.

Ҳар бир соҳада аждодларимизнинг ранг илми буйича чексиз маънавий хазинага эгадир. Ҳозирда жаҳондаги айниқса ривожланган мамлакатларда махсус ранг институтлари ва илмий лабораториялар бу борада самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда. Бу ўринда Токио шаҳардаги ҳамда Берлин шаҳридаги Баухаузнинг ўзидаги ва бошқа шаҳарлардаги рангшунослик институтлари дунёга машхурдир².

¹ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 21-22 б.

² Султонова Д. Тириклик тимсоли // Тафаккур журнали. – 2003. - № 2. – 88 б.

У ерда тарбияда, маънавиятда қишлоқ хўжаликда, тижоратда, техникада, тиббиётда, рамзийликда, фалсафада, психологияда, экологияда, меъморчиликда ҳарбий соҳада, дизайн, диний илмда ва бошқа соҳаларда рангларнинг ўрни буйича жуда катта илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Аждодларимиз бизга ранг ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, шифобахшлиги, тарбиявий, фалсафий ва руҳий томонлари ҳақида жуда кўп маънавий хазиналари қолдириб кетганлар. Афсуски, бу маънавий меросдан тўлиқ фойдалана олмаёпмиз. Чунончи, таълим ва тарбияда, тиббиёт, техника, қишлоқ хўжалиги, иқтисод ва бошқа соҳаларда бу масалаларга етарли даражада урғу бермаяпти. Холбуки жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида рангларнинг инсон ҳаётидаги ўрнига жуда катта аҳамият берилмоқда¹.

Ҳозирда Ўзбекистан Республикамида ранг институти, лабораторияси, олимлар, дарслик ўқув қўлланмалар, фундаментал илмий тадқиқотлар ва асарлар деярли йўқ.

Ахир ранглардан унумли ва ўринли фойдаланмаслигимиз натижасида инсонларга ва табиатга жуда катта салбий таъсир этмоқда.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш мақсадга мувофиқ деб биламиз:

- таълим тизимида ранглардан фойдаланиш моделини яратиш ва илмий тадқиқот ишлари олиб бориши;
- ранг институти ташкил этиш ва у ерда барча фанлар, соҳалар буйича, рангларни амалий қўлланилиши буйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориши;
- рангшуносликка оид мукамал илмий асосланган дастурлар тузиш;
- техника, тиббиёт, психология, физика, амалий санъат, рассомлик, театр, қишлоқ хўжалик, маориф, иқтисод, экология, химия, биология, ҳарбий таълим ва бошқа соҳаларга оид фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- рангшунослик буйича луғат, изохли луғат ва энциклопедиялар чоп этиш;
- чет элларда ранг буйича чоп этилган адабиётларни таржима қилиш ва чоп эттириш;
- жаҳондаги ранг институтлари билан алоқа тиклаш ва улар билан ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- компьютерлар ёрдамида рангшуносликка оид илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- Ўзбекистонда турли соҳаларда рангни илмий асослари буйича халқаро ва республика конференциялари олиб бориш;
- поэтикада рангларни қўлланиши буйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- рангларнинг рамзий асосларини ишлаб чиқиш.

¹ Булатов С.С., Ахаанова Б. Ранг психологияси. – Тошкент, 2003. – 4-б.

Хулоса қилиб айтганда ранг бир мўъжиза, у даволайди, у ўлдиради, у тарбиялайди, у кайфиятни кўтаради, у дунёни билишни ўргатади, у ўзимизни ва яратган Раббисини таний олишга ўргатади. Рангларда бир дунё илм сирлари, маънавият хазиналари яшириниб ётибди. Бу сирларни ўрганиш, рангшунослик фанини янада ривожлантириш, тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этади.

Аргентиналик машхур адиб ва файласуф Хорхе Луис Борхес "Дунё деган эди - Қаройиб: унда ҳар нарса бўлиши мумкин. Бизгача ҳамма нарса кашф этилган. Аммо Қаройиб дунё янада Қаройиб тадқиқотларга мухтож"¹.

1-жадвал

Муриднинг Оллоҳ томон сафардаги даража босқичларини ранглар орқали акс эттиришилиши ва уларнинг мазмуни

№	Ранглар	Даража босқичлари	Даража босқичларининг мазмуни
1	Зангори	Шариат	<u>Шариат</u> – тўри йўл, илоҳий йўл қонунчилиги. Ислом динининг диний ҳуқуқ тизими, кодекси. Шариатда 6 асосий категория бор: 1. <u>Фарз</u> – бажарилиши қатъий, мажбурий хатти-ҳаракатлар; 2. <u>Мандуб</u> – тавсия этилган, лозим топилган, лекин мажбур ҳисобланмайдиган хатти-ҳаракатлар. Ихтиёрий бажариладиган урф-одатлар. Унинг баъзи бир категориялари суннат таркибига ҳам киради; 3. <u>Мубақ</u> – тор маънода ижозат берилган барча хатти-ҳаракатлар, гуноҳ ҳисобланмайдиган, инсон ҳаёти ва турмуши билан боʻлиқ бўлган оддий хатти-ҳаракатлар (овқатланиш, ўхлаш, ўйланиш, дам олиш ва хоказо), уларни бажариш тақиқланмаган ва мажбурий деб ҳисобланмаган. Мубақ моҳиятдан “жоиз” категориясига тенг, жоиз мубақ атамасининг синоними. 4. <u>Ҳалол</u> – рўусат этилган, тоза. Рухсат этилган хатти-ҳаракатлар, тоза ва пок ҳисобланган, озиқ-овқатлар, сув, ҳайвон ва бошқалар.

			5. <u>Харом</u> – қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар, емишлар, нарсалар, ҳалолнинг акси. 6. <u>Макрух</u> – номаъқўл, ёқимсиз меъёрлар. Харом билан ҳалол ўртасидаги ишлар, нарсалар. Суфийликка қадам қўйган киши дастлаб шариатнинг барча талаб ва категорияларини мукаммал ўрганиши ва эгаллаб оломи лозим бўлган.
2	Сариқ	Тариқат	<u>Тариқат</u> – суфийликда шариатдан кейинги иккинчи босқич. Тариқат шариатни муҳофаза этувчи илоҳий амал бўлиб, шариатни ҳам ўз ичига олади. Шариат аҳли жаннат иштиёқида ибодатда бўлсалар, тариқат аҳли ҳақ таоло дийдорига етишиш учун жондан кечганлар. Тариқат аслан шариат заминидан кўкариб чиққан гулдир. Турли тариқат аҳли ҳаққа, ҳақиқатга етишишда ҳар хил йўллари танлаб олганлар. Кунгиллари чопган, қалблари мойил бўлган ўзларига, маъқул бўлиб кўринган тариқатни танлаб олиб, ихлос қуйиб, шу йўлдан кетганлар. Тариқатлар бир-бирларидан кескин фарқ қилган, аммо улар ислом доирасидан четга чиқмаган. Барчаларининг йўллари ўзларича тўқнасаналган. Масалан, соддароқ қиёс тариқасида тушунтирсак бирорта олис шаҳарга, манзилга бориш учун самолётда, поездда, машинада, мотоциклда, велосипедда, отда, эшакда ёки пиёда турли йўллар оша етиб, бориш мўъкин. Оллоҳнинг ўзи билгувчирокдир. Тариқатга қадам қўйган суфий тирикчиликнинг барча ташвишларидан буткул воз кечади. Ихтиёрини устози – пир, шайх, эшонга бутунлай топширади ва қуйидаги тўрт асосий тамойилларига қатъий амал қилади: - <u>Тавакқўл</u> – ҳар нарсани ҳар ишни худога солади, ёлғиз унинг ўзига таваккал қилади; - <u>Шавқ</u> – ёлғиз яратган Тангри таолони

			севади, фақат унга мухаббат қўяди, фақат унгагина интилади; - <u>Зухд</u> – тарки дунё қилиб, зохидликда доим таот – ибодат қилиб яшайди; ёлғиз Тангридан бошқага хожати бўлмайди.
3	Қизил	Маърифат	<u>Маърифат</u> - суфийликда тариқатдан кейинги учинчи босқич суфийликнинг бу босқичига қадам қуйган суфий, мурид фақат худонинг борлигини мутлоқ ҳақиқат деб, бутун олам - коинотни Худонинг ижоди деб, теварак-атрофдаги нарсалар ва ходисаларни эса, инсон руҳининг Худо билан қўшилишни олий мақсад деб, яхшилик ва ёмонликни нисбийлигини ақл билан эмас, қалб билан англашлари керак бўлган. Шу мақсадда улар қаттиқ жазава билан зикр-санога тушиб. Худонинг жамолини кўришга ҳаракат қиладилар.
4	Оқ	Ҳақиқат	Ҳақиқат - суфийликнинг тўртинчи босқичи - «ҳақиқатга эришув»дан сўнг, суфий шахс сифатида тугаб, Парвадигорга етиши керак ва фанога эришилгач, бу босқич ҳам тугалланади. Суфийлик йўлига кирган мумин аввал муҳиблик кейин мўъидлик кейин дарвешлик кейин олимлик-орифлик сўнг валийлик ва ниҳоят набийлик мақомига етишга ҳаракат қилади. Тасаввуфда диннинг ташқи жихати шариат бўлса, ички жихати ҳақиқатдир. Тасаввуфнинг охирги босқичи - ҳақиқатга етган суфий, азалий ва абадий борлик. Парвардигор эканлигини, ундан бошқа барча нарсалар вақтинча эканлигини, ундан бошқа барча нарсалар вақтинча эканлигини чуқур хис этади ва билади, қалбан тушуниб этади. Ҳақиқат ахли инсоний сифатлардан илоҳий сифатларга етишган кишилардир. Уларда шариат - сўз, тариқат — йўл, маърифат

			Парвадигорга бўлган ишқ бўлса, ҳақиқат ҳолдир.
5	Яшил	Валийлик	<u>Валий</u> - «дўст», «эга», «соҳиб», «яқин» маъноларини англатади. Парвардигорга яқин, азиз, комил одам ҳомий, бандаларнинг ҳомийси, маъноларини билдиради. Улар каромат қилувчи, келажакни олдиндан башорат қилиш қобилиятига эга бўлган, илмли, тақводор кишилар, суфийлар.
6	Қора	Канзул асрор	Оллоҳдан ҳалқ сири қайта сафарини билдириб, канзул сир - асрорларини хазинасини эгаллашини ва хайратга ларқ бўлишини ифодалайди. Шариатнинг маъзи - ҳикматини бошқатдан идрок этиб, қоронғи бир доғ ранга ўралади.
7	Кул ранг	Кулл	Солиқ Оллоҳ ҳузурида пайдо бўлади. У қора рангдан қутилиб, рангсизлик ҳолатига киради. Зоти кулл даражасини эгаллаган солиқ бир ранглик ҳолатида мақсадига эришади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Мурид, Ҳайб илм, илҳом, руҳ туйғу, Кулл, Канзул асрор.

САВОЛЛАР:

1. Инсон қалбидаги рангига қараб комиллик даражасини аниқлаш бўйича кимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борган?
2. Нажмиддин Кубро инсон қалбида нечта ранг доғлари бўлади деган?
3. Хоразм алломалари инсон қалбидаги рангларни қайси тартибда жойлаштирилган?
4. Валийлик даражаси қалбидаги қайси рангда бўлади?
5. Зангори ранг ва сариқ ранглар қайси даражани билдиради?

II БОБ. 1. РАНГШУНОСЛИКДА ИШЛАТИЛАДИГАН БЎЁҚЛАР ВА АСБОБ – УСКУНАЛАР.

Наққошликда жуда кўп материал ва асбоблар ишлатилади. Нақшларни чизишда линейка, учбурчаклик, ўчирґич, қалам ва бошқалар ишлатилади. Бўяш учун гуашь, акварель, темпера ва бошқа бўёқлар, мўйқаламлар, кумуш ва тилла ҳаллар солинадиган ҳар хил идишчалар ишлатилади. Уларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

Мўйқалам — қилқалам, наққошликда, рассомчиликда қоғоз, ганч, ёлоч, картон ва бошқаларга бўёқ билан расм солиш, бўяшда ишлатиладиган асбоб. Мўйқалам ҳайвонлар жунидан ва ҳар хил пластинкалардан тайёрланади. Мўйқаламлар кўринишига қараб ялпоқ, яъни кўракча кўринишдаги мўйқаламлар, учи ингичкалашиб борадиган думалоқ мўйқаламлар бўлади. Думалоқ мўйқаламларни учи ингичка бўлиб бориши тасвирдаги майда нозик жойларни ишлашга қўлайлик туғдиради. Бурсиқ, сувсар, олмахон кабиларнинг жунидан тайёрланган майин мўйқаламлар акварель, темпера ҳамда графика, ранг тасвири ишларида ишлатилади. Акварель учун қоғоз юзасини бузмайдиган юмшоқ мўйқаламдан фойдаланилади. Бироз қаттиқроқ мўйқаламда гуашь ва темпера бўёқдаги тасвирлар учун ишлатилади. Қаттиқроқ жундан тайёрланган мўйқаламларни мойбўёқ мўйқаламлар дейилади.

Улар рассомчиликда, наққошликда ва бўёқчиликда қўлланилади. Узун қилли мўйқаламлар эса фреска ҳамда театр декорацияларини тайёрлашда ишлатилади. Қадимги усталар мўйқаламларни ўзлари тайёрлаганлар ёки махсўс мўйқалам тайёрлайдиган усталарга буюртма берганлар.

Акварель ва гуашь учун тайёрланган мўйқаламларни ишга яроқли ёки яроқсизлигини билиш учун мўйқаламни сувга ботирилади ва сувдан олиб силкитилса шунда учлари тўпланиб қолса бу мўйқалам ишга яроқли, аксинча туклари тузиб турса ишга яроқсиз ҳисобланади. Айрим наққошлар икки томонида ҳам мўйи бўлган мўйқаламлардан фойдаланадилар. Яъни бир томонида катта, иккинчи томонига кичикроқ мўйи бўлади. Мўйқаламлар ишлатилиб бўлингандан сўнг кир-совунда эҳтиётлик билан ювилиб, кейин латта билан сиқилгандан сўнг столни четига ёки махсус тиргакка солиб қўйилади.

Акварель мўйқаламини ишлатишда ва уни сақлашда қўйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

1. Мўйқаламни сувда қолдирмаслик.
2. Мўйқаламни бўёқ билан қотиб қолишига йўл қўймаслик.
3. Хул ҳолида мўйқаламни сақлаш мумкин эмас.
4. Мўйқаламни чангдан, ёки нарсалардан сақлаш.
5. Мўйқаламнинг мўй қисмининг учини қийшиқ ва тарқоқ бўлиб қолишига йўл қўймаслик чунки кейин тўғрилаш жуда қийин.

6. Акварель ишлашда мойли мой бўёқ мўйқаламини қўлламаслик.

7. Мўйқаламни қуруқ жойда, учи юзюзда ўралган ҳолда махсус қаламдонда сақлаш керак.

Гул қалам — юмшоқ мўйқалам тури бўлиб, нақшларни бўяш ва пардозлаш учун ишлатиладиган мўйқаламдир. Гул қаламлар бурсиқ, олмахон, сувсар каби ҳайвонларни юнгидан тайёрланади. Уларни ишлатиш жойига қараб учтурга, мола қалам, оби қалам ва сиёҳ қаламларга бўлинади. Мола қаламлар 9,10 номерли мўйқаламлардир. Нақшларнинг катта ва кичик заминларини (юзаларини) бўяшда ишлатилади. Оби қалам 6—7 номерли мўйқаламлардир. Нақшларни

жуда кичик юзаларини бўяшда ва композициянинг четки чизиқларини, яъни рамкаларини чизишда ишлатилади. Сиёҳ қалам эса 1,2 номерли мўйқаламлар бўлиб, ахта ёрдамида тушурилган нақш изларининг учиб кетмаслик мақсадида бўёқда чизиб чиқиш, гул ва баргларга тартил бериш ҳамда оқ бандларни тортишда ишлатилади.

Чакма қалам — оби тортилган жойларига чакма қуйиш учун ишлатиладиган махсус қаламга ўхшаш таёқча. Унинг уч қисмининг диаметри 1мм бўлади. Чакмаларни бўяйдиган мўйқаламлар сувсарнинг мўйидан ясалади. Бу мўйқаламлар билан ингичка ва йўлон чизиқлар чизиш мумкин, унда сиёҳ қалам ва тартил қилиш жуда қўлай. Оддий қалам йўлонлигидек чўпнинг бир томони ёки иккинчи томонини уч қисмини йўниб, диаметри 1мм.ли учлик тайёрланади.

Белча — (шпатель) буюм ёки бошқа нарсалар юзасини махсус қоришма суртиб текислаш (силлиқлаш)да ишлатилади. Асосан уч хил: катта, ўртача ва кичик белчалар бўлади. Катта белчанинг уч томони кенглиги 15—20, ўртача белчаники 8—10, кичик белчаники 3—4 см бўлади. Улар юзани катта-кичиклигига қараб ишлатилади.

Қоюзлар — наққошликда чизмачилик қоюзлари ишлатилади. Оқ чизма қоюзи ва калькадан фойдаланилади. Айрим ҳолларда катта эскизлар тайёрлашда миллиметровка қоюзидан ҳам фойдаланилади. Чизма қоюзлари қаламда, тушда, акварельда, гуашда ишлаш учун мўлжалланган бўлади. Қоюз турлари кўп. В ва О маркали оқ чизма қоюзлар тобоқ ва ўрама ҳолида ишлаб чиқилади. В маркали қоюзда энг муҳим чизма ва нақшлар ишланади. О маркали қоюз оддий қоюз бўлиб чизмачилик наққошлик ва бошқаларда кенг қўлланилади. Одатда унинг бир томони силлиқроқ бўлади, ўша томонига нақш ишлангани маъқул. Нақш чизишнинг даврларида бошланғич ўрганишда чизмачилик альбомларидан фойдаланилади.

Калька — франсузча калгус сўзидан олинган бўлиб, чизмачилик наққошлик ва бошқаларда, нусха кўчиришда ишлатиладиган шаффоф қоюз ёки газмол. Калькалар асосан ўрамли қилиб узунлиги 40 ва 100м, эни эса 630 ҳамда 840мм қилиб ишлаб чиқарилади. Калька 297Х210, 297Х420 ва бошқа форматларда альбом ва алоҳида лист ҳолида ҳам бўлади. У қоюз ёки

батистдан тайёрланади. Қоғоздан тайёрланган калька юқори сифатли ва паст сифатли қилиб тайёрланади. Паст сифатли калька ҳам шаффоф бўлади. Батистдан (полотно) ишланган калькалар узоқ вақт сақланадиган ҳамда нусхалар кўпайтириладиган муҳим чизмалар кўчиришда ишлатилади. Чизмалар ва нақшларни қаламда калькага чизилади, бундай калька қалам калькаси деб юритилади. Чизмадан туш ҳамда ёрулик воситасида кўплаб нусха кўчириш учун махсус модда шимдирилган ва каландрланган қоғоз ёки газмол калька каландрланмаган шаффоф қоғоз эса қаламда нусха кўчириш учун ишлатилади.

Наққошлик ёлоч ўймакорлик ганч ўймакорлик ва бошқа халқ амалий санъати турларида ахта (улги) тайёрлашда ишлатилади. Ҳозирда усталарнинг калькадан тайёрланган минг-минглаб нақш ахталари музейларда сақланмоқда.

Қалам — нақшларни сифатли чизиш учун қаламларни тўри танлаш ва улардан тўри фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Чизмалар ва нақшлар чизиш учун «конструктор» маркали ҳар хил қаттиқлик ва юмшоқликдаги қаламлар жуда қўлай. Наққошчиликда асосан ўртача қаттиқликдаги «ТМ» қаламлар ишлатилади. Қаттиқлик даражасига қараб қаттиқ, ўртача қаттиқ ва юмшоқ қаламлар бўлади. Уларни тегишлича Т, ТМ ва М ҳарфлар билан белгиланади. Қаттиқ ва юмшоқ қаламлар олдида сонли кўрсаткичлар ҳам қуйилади. Чўнончи 2Т, 3Т, 4Т ёки 2М, 3М, 4М ва бошқалар Т ҳарфи олдидаги сон қанча катта бўлса, у шунча қаттиқ бўлади, М ҳарфининг олдида қуйилган рақам қанча катта бўлса, у шунчалик юмшоқ бўлади. Чет эл қаламларини Н (қаттиқ) юмшоларини В маркалар билан белгиланади. Ўртача қаттиқликдаги ҳарфлар эса НВ ҳарфлар билан белгиланади.

Қалам учининг график қисми 6—8мм ёлоч қисми 15—25мм атрофида қилиб йўнилади. Қаламлар конус ҳолида йўнилади. Уларни йўниш учун бир бўлак картон, фанер ва ёлоч парчасига ширач ёрдамида жилвир қоғоз ёпиштирилади. Қаламлар билан нақш чизишда босмадан, қаламни йўнилган учидан сал баландроқдаги уч бармоқ билан ўшланиб чизилади. Қалам билан чизишда пухталиқ аниқлик ҳамда малака бўлиши керак.

Политра — наққошчиликда оқ рангдаги ясси лаганча ёки тўри тўртбурчак пластмасса. Бунда оқ қоғоз ёки картондан ҳам фойдаланиш мумкин. Унда ҳар хил бўёқ турлари ва шу ранг бўйича колер тайёрланади.

УчирҒич — чизма чизишда қаламда, сиёҳда, тушда ёки бошқа чизиқларни учиратиш учун ишлатилади. УчирҒич икки хил: қаламда чизилган чизиқларни учиратиш учун юмшоқ оқ ёки кўк учирҒич, сиёҳ, туш ва бошқаларда чизилган тасвирларни учиратиш учун таркибида қуми бўлган қизил учирҒич бўлади. Қоғозда учирҒич қанча кўп ишлатилса, қоғоз юзаси ишдан чиқиб бўёқни яхши олмайдиган бўлиб қолади, бундан ташқари учирҒични жуда кўп ўшлаб туриш ҳам мумкин эмас, чунки қўл терлаб у ёланиб, кирланиб қолади, натижада қоғозни хира қилиб қуйиши мумкин.

Стакан ёки банка — гуашь ёки акварельга сув қўшиб аралаштириб туриш ва мўйқаламларни ювиб туриш учун ишлатилади. Колер тайёрлашда эса махсус кичкина фоянс, пластинка, чинни ва бошқа материаллардан қилинган идишчалар ишлатилади.

Транспортер — турли бурчакларни белгилаш ва ўлчаш учун ишлатилади. Айниқса геометрик нақш ишлашда кўп ишлатилади.

Циркуль (паргор) — ўсимликсимон ва геометрик нақшлар ишлашда айланалар, ёйлар, айлананинг кесмаларини тенг бўлишда ишлатилади.

ЧизИч ва **учбурчаклар** нақшлар чизишда жуда керакли курол бўлиб, ёлочдан ишлатилганларидан фойдаланган маъкул. Чунки пластмасса чизИч ва учбурчаклар тез кир бўлиб чизмани ифлос қилади.

Нина — калькани нақш чизиклари буйлаб тешиб чиқишда қўл келади.

Писта кўмир — хока тайёрлашда ва бошқаларда ишлатилади. Ёлоч, саксовул ёки дарахт шохларини ёқиб, чўй бўлганда учиради. Учган чўйдан қоп-қора писта кўмир қолади.

Жилвир қоёз — (кўм қоёз) жилвир қоёз асосан асбобларни чархлаш, пичоқларни тозалашда ишлатилади. Жилвир қоёзнинг кўпинча 000 маркали кум қоёзи кўп ишлатилади. Жилвир қоёзлар давлат томоидан стандарт асосида ишлаб чиқарилади. Қаламларни учини силлиқлашда, ёлочдан тайёрланаётган буюмга пардоз беришда ишлатилади.

Наққошликда кумуш ва тилла ҳаллар ҳам ишлатилади.

Тилла ҳал — сариқ жезнинг кукуни бўлиб, уни бронза деб аталади. Буюмларни ҳаллашда 18—20 номерли мўйқаламлар ишлатилади.

Кумуш ҳал — алюмининг кукуни бўлиб, оқ ёки кумуш ҳал деб аталади.

Лок — ёлоч, фанер юзига ишланган нақш ёки бирор тасвирни бўёқлари учиб ва суркалиб кетмаслиги учун ёли лок берилади. Наққошликда рангсиз ёли даямар 4с, 6с, 7с маргадаги смолали локлар ишлатилади. Бу локлар пахта ёлига ўхшаш бўлиб, бўёқ рангини деярли ўзгартирмайди. Буюмлар 18—22 даражали хароратда курук чангсиз жойда локланада ва қўритилади. Буюм бирин-кетин қуритиб-қуритиб 2—3 марта локланади. Одатда лок икки суткада яхши қурийдими. Агар яхшилаб қўритиб берилмаса, суркалган лок йилиб-йилиб бўришиб қолиши мумкин. Эски лок ишлатилмайди. Локни ишлатишдан олдин докадан ўтказган маъкул.

Алифмой — юнонча мой дегани. У ўсимлик мойларидан ва нефтдан олинади. Алифмой ҳавода аста-секин қотиб кейин юпқа эластик парда ҳосил қилади. Табиий ва синтетик алифмойлар бўлади. Ёлоч бўюмларми грунтовка қилишда унинг сиртига сўрилади ҳамда шпаклёвка ва замаска тайёрлашда ишлатилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Гул қалам, Чакма қалам, Калька, Политра, Тилла ҳал, Кумуш ҳал, Лок Алифмой, Белга.

САВОЛЛАР:

1. Акварель бўёғида қанақа мўйқалам турлари ишлатилади?
2. Мўйқаламдан фойдаланишда қанақа қоидаларга риоя қилиш керак?
3. Рангшуносликда қанақа асбоб-ускуналар ишлатилади?
4. Қанақа қоғоз турлари бор?
5. Кумуш ҳал нима ўзи ва нима учун ишлатилади?
6. Алифмой нима учун ишлатилади?

2. БЎЁҚЛАР ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

РАНГЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

"Қора бўёқлар асосан анор пустилоғи ва ёнлоқ мевасининг пустидан тайёрланганлиги сабабли ҳам 100 йилдан ортиқ муддатда қора инлар тукила бошлаши билан бундай кашмалар ёши 100дан ортиқ эканлигини билиб олиш мумкин бўлади".

"Рангрёзлар" - бўёқ тайёрловчилар томонидан табиий ўсимликлар ва турли хил мева ҳамда гуллардан олинган бўёқлар ёрдамида бўёқчилар" томонидан бўяларди. Бухоро "рангрёз" чиларининг кўпчилиги яхудийлар бўлишган. Ранглардан фақат индиго – нил - кўк ранг четдан. Ҳиндистондан келтирилган, қолганлари эса маҳаллий ўсимликлардан тайёрланган. Кейинчалик индиго бўёғини бухоролик рангрёзлар ҳам тайёрлашган. Аммо ҳунар сирини ўта махфий сақлашган, шу сабабли ҳам ҳозирга қадар уни тайёрлаш технологияси очилмади келмоқда.

Жойдори йўллар билан тайёрланган табиий бўёқлар аччиқ сирко ёки "зок" аччиқ тош эритмасида мустаҳкамланган.

Шундан кейин у узок муддат ёруғликда ранги учмайдиган, ювилганда эса ранги сувга чиқмайдиган бўлган.

Ғиждувон кашталарининг рангларини "рангрёзлар" маҳаллий ўсимлик ва мевалардан олганлар. "Ўсмадан - янгил ранг, ҳазорси - бонддан – сариқ ранг, шотутдан - жигар ранг, ҳасаки қора тутдан - кул ранг, ёнлоқ пустидан тўқ яшил ранг, қизил пиёз пустидан - тўқ сариқ ранг, гилосдан - қизил ранг, анор пустилоғидан - қора ранг, гултоғи хўроздан - қирмизи, қизил ранг, ўсма сувига ҳазорсанбанд сувини қўтиб қайнатиб феруза ранглар тайёрлашган.

Ипак ипларни табиий бўёқларга бўяш учун ип қолавалари аччиқ тош эритилган сувга солиб қуйилган, кейин тозалаб олиниб бўёқли сувга солиб қайнатилгач, сиркали сувга чайиб қўритилган.

Ғиждувонлик чеварлар рангларни маҳаллий тилда қуйидагича номланганлар: pistolsи - яшил ранг, нофармон - сиёҳ ранг, нилоби - кўк ранг, ширчойи - гулоби ранг, чилоси - тўқ қизил ранг, жигари -тўқ қўнғир ранг, кабути - оч яшил ранг, сиёҳ - қора ранг, зард - қизил ранг, хокистар - кул ранглар шулар жумласидан.

XX асрнинг бошларига келиб, табиий ранглар ўрнини анилин бўёқлар эгаллади. Ғиждувон каштачилари ҳам ўрининг майин рангларини йўқотиб, тез, ёрқин, офтобда оқарадиган кимиёвий рангларни ишлата бошлашди. Бу эса, Ғиждувон кашталарининг қимматини пасайтиришга сабаб бўлади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БЎЁҚЛАР ТАЙЁРЛАНИШИ

Сунъий бўёқ кенг кўламда ишлаб чиқарила бошлаганидан кейин кўп вақт ўтмай, табиий бўёқ деярли тайёрланмай қуйилди. Турли-туман сунъий бўёқлар яратила бошланди ва ҳозир уларнинг сони 10 мингдан ортди. Ўзининг хоссаларига кўра сунъий бўёқ табиийсидан қолишмайди; аннархи анча арзон, қолаверса, ўуи олиш жуда осон. Бўёқ ҳосил қилиш учун нефть чиқиндилари ва тошкўмирни кокслашдан олинган махсулотлар асосий хом ашё ҳисобланади.

Эгнимиздаги ҳамма нарса - тугмачадан тортиб то оёқ кийими ипигача бирон хил рангга бўялган. Хонага бир назар ташланг. Деворда осиклик, гилам, девор, зарпарда, турли рўздор анжомлари, болалар уйинчоғи - буларнинг ҳаммаси турфа рангларга бўялган. Мана шу ранглар туфайли биз рангли кинофильмларни кўрамиз, ранг-баранг тусдаги расмлар билан безатилган журнал ва китобларни ўқиймиз, турли рангдаги сиёҳларда хат ёзамиз.

Кўриб турибсизки, турли-туман нарсаларни бўяшга тўғри келади. Ҳар бир материал ўзига хос усулда бўялади.

Айтайлик терини бўяш учун унга олдин обдон ишлов бериш зарур. Терини жундан тозалаш мақсадида олдинига бир неча кун натрий сульфид аралаштирилган оҳакли эритмага солиб қуйилади. Кейин юмшатиш учун терига махсус эритма билан ишлов берилади. Сўнг пишиқ ва қайишқоқ бўлиши, нам ўтказмаслиги ва чиримаслиги учун тери ошланади. Шундан кейингина керакли рангга бўялади.

Ишлаб чиқарилаётган бўёқларнинг аксарияти тўқимачилик саноатида газлама бўяшда ишлатилади. Ҳар турли, масалан, жунли, ип, синтетик газлама учун хилма-хил бўёқ керак бўлади. Бироқ ҳамма турдаги бўёқ учун бир хил талаб қуйилади - у жозибали, тиниқ бўлишдан ташқари энг муҳими айнамаслиги керак. Бошқача айтганда, бўёқ куёш уўрида ўнгимаслиги, ювганда учмаслиги, оқ матога юқмаслиги керак. Яъни, бўёқ газламага мутлақо сингиб кетиши лозим.

Аксари бўёқ молекулалари газлама толалари билан тортишиш кучи ҳисобига материалга мустаҳкам сингиган бўлади. Агар бордию, мана шу тортишиш кучи етарлича, мустаҳкам бўлмаса, газмол ювилганда ёки ёмғирда қолганда, ранги учади. Яқинда ихтиро этилган актив бўёқлар анча пишиқ бўлиб, унча-мунча таъсирдан оқариб кетавермайди. Бунинг боиси шундаки, уларнинг молекуласида актив группа мавжуд бўлиб, газмол бўялганда мана шу молекулалар парчаланади. Бунинг натижасида эса бўёқ билан газмол толалари ўртасида мустаҳкам кимёвий боғи ҳосил бўлади.

Газламага гул босиш учун махсус босма машина ишлатилади. Қандай гул босилишига қараб босиш усули ҳам ўзгариб туради. Айтайлик оқ матога бинафша рангли гул босиш керак. Бунда гул босадиган машинада оқ матога бир хил ранг берилади, қарабсизки, газлама тайёр.

Бордию бунинг акси, бинафша рангли матога оқ гул берилмоқчи бўлса-чи! Бу ҳолда махсус уювчи эритма билан бинафша рангда сидирла

бўялган матога гул босилади. Уювчи эритма таркибида бирон-бир рангли, айтайлик сариқ рангли бўёқ ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолда матонинг ранги сариқ гулли бинафша тусда бўлади. Мураккаб гулларни босиш учун эҳтиёт босма усулидан фойдаланилади. Матонинг гул босиладиган жойлари "эҳтиётловчи" модда билан қопланади ва сидирла ранг берилаётганда ўша жой бўялмайди.

Бундан бир неча йил илгари матога мураккаб гул босишнинг янги усули ишлаб чиқаришга жорий этилди. Мазкур усулда гул худди болаларнинг "ўзинг бўяб ол" деган суратли китобидагига ўхшаш тарзда матога туширилади. Олдинига гул қоғозга туширилади, кейин, қоғоз матога ёпиштирилади ва бўёқ матога ўтаверади. Шу тариқа матога кўп рангли ва хилма-хил гулли суратни тушириш мумкин.

Шу пайтгача фақат рангли бўёқлар тўйисиди сўз юритдик. Бироқ, турли, анвойи рангли матолардан ташқари оқ суруп, оқ қоғоз ҳам керак-ку. Оқ матога янада оқликтиниқлик бериш учун оптик оқартирувчилар ёки белофорлар қўлланилади. Хуш, бунинг нима кераги бор? Мазкур саволга жавоб беришдан олдин, оқ рангнинг ўзи нималигини яна бир бор эслаб кўрайлик.

Ёруликнинг кўринадиган нурларини ютмай қайтарадиган ҳар қандай жисм бизга оқ бўлиб кўринади. Агар жисм бирон бир қуринувчи нурни ютса, у ҳолда бизга ўша нарса бўялгандек туюлади. Унинг қандай рангда кўриниши эса жисм ёруликнинг қандай нурини ютаётганига боғлиқ бўлади.

Ҳаммамиз яхши биламизки, оқ қоғоз офтобда қолса, тезда сарғаяди. Бунинг сабаби қуёш нури таъсирида қоғозда ўзгариш жараёни руй бериши ва у ҳаво рангни юта бошлашидир. Ювилганидан кейин, оқ матода ҳам шундай жараён юз беради.

Мана шунда белофорлар ёрдамга келади. Таркиби буйича уларнинг оддий бўёқлардан фарқи йўқ. Бироқ уларнинг молекуласи қизик хусусиятга эга. Улар кўзга кўринмас ультрабинафша нурларини ютиб, қуринувчи нурларга айлантириб беради. Қоғоз ёки матонинг худди мана шу нурни ютиш хоссаси уларнинг сарғайишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, оқ матога оқловчи модда билан ишлов берилиши туфайли мато сарғайишининг олди олинади. Мазкур усулда ишлов берилгандан кейин мато янада оқ, янада тиниқ кўринади.

МУАЙЯН ХОССАЛИ БҮЁҚЛАР

Халқ табобатида табиий бўёқлар дори сифатида қадим замонлардан ишлатилиб келинади. Баъзи бўёқлар билан болаларда кўк йутал, катталарда буйрак касаллигини даволашган. Бошқа хил бўёқлар эса бош оғриғи, юрак хасталиклари, уйқусизлик каби касалликларни даволашда наф берган. Сунъий бўёқ кашф этилгандан кейин, улар ҳам шифобахш хусусиятга эга эканлиги маълум бўлди.

Эндиликда бўёқлардан тиббиётнинг турли соҳаларида, айтайлик безгак ва тери касалликларини даволашда, қон оқшини тўхтатишда ва дезинфекция

килишда кенг фойдаланилмоқда. Бирон жойи тирналганда, дархол кўк дори (зелёнка) сўришни ҳамма билади.

Сўнгги йилларда химиклар бир қанча хусусиятли шифобахшлик ёки бирон бошқа фойдали хоссага эга бўлишидан ташқари ранг ҳам бера оладиган бўёқ топиш устида изланиш олиб боришяпти. Ҳозирча мана шундай хусусиятга эга бўлган бир қанча гўё яратилган.

Жун ва ип газламаларнинг ашаддий кўшандалари бор экан. Булар турли микроорганизмлар, моlor замбуруlлари ва бактериялардир. Мана шу кўшандалар газмолга тушиши биланоқ, тез кўпая бошлайди ва уни черитади. Металл коррозиясига ўхшаб нихоятда бекиёс зарар келтирадиган бу жараён биологик коррозия деб аталади. Газмол харорати ва намгарчилиги юқори бўлган жойда сақланса, кўшанда микроорганизмларнинг кўпайиши учун жуда кўлай шароит яратилган бўлади.

Шунинг учун ҳам биологик коррозиядан сақлаш мақсадида газмолга махсус антимиқроб модда билан ишлов берилади. Бироқ бундай ишлов бериш ортиқча харажат ва кўшимча меҳнат талаб қилади. Бу вазифани ҳам бўёқ зиммасига юклаш эса ҳар томонлама кўлайдир. Яъни икки иш - бўяш ва миқробга қарши ишлов бериш битта жараёнда бажарилади. Жун газламалар учун мўлжалланган биокимёвий моддалар бўёқ ҳозир саноат йўли билан ишлаб чиқарилмоқда. Тез орада, айниқса кўп зарарланадиган ип газламалар учун ҳам мана шундай хусусиятга эга бўлган бўёқ яратилади, деб умид қиламиз.

Бир тасаввур қилиб кўринг-а, полга учирилмай ташланган гугуртдан ўт чиқди. Бир зумда дераза парда, кейин бутун хонани аланга қоплади. Бундай ўтни тезда учуриш осон иш эмас. Лекин ҳадемай ўт учурувчиларга шундай бўёқлар ёрдамга келадики, улар газламанинг аланга олишини бир неча секунддан бир неча минутгача кечиктириш мумкин. Ўт тушганда саноқли дақиқалар тақдирни ҳал қилади, бинобарин, бу бўёқлар муҳим аҳамиятга эга.

Ажойиб хусусиятларга эга бўлган яна бошқа бўёқлар ҳам яратилган. Масалан, баъзи оптик асбобларда ёритилиш даражасига кўра рангини ўзгартирадиган бўёқлар ҳам бор. Яна бир хил бўёқлар борки, уларнинг ранги харорат кўтарилиши-пасайишига қараб ўзгаради. Бундай бўёқлар техникада термометр ўрнатилишига имкон бўлмаган, лекин хароратни ҳамиша кузатиб туриш лозим бўлган жойларда ишлатилади. Бўёқлардан лазер техникасида, нусха олиш-кўпайтириш соҳасида ва ҳатто океанда тадқиқот олиб боришда фойдаланилмоқда. Масалан, илиқ Гольфстрим атлантик оқимнинг сирини очилиши кўп жихатдан ярқироқ флуоресцин бўёғига боғлиқ бўлди.

Хуш, табиий бўёқлар-чи! Ҳозир улар деярли унитилган. Тўғри, табиий бўёқлардан озиқ-овқат саноатида фойдаланилади. Нега деганда улар одам учун мутлақо беэиён бўлиб, пишлоқ юзини, турли-туман кондитер махсулотлари, ликёр ва мева шарбатларини бўяшда ишлатилмоқда.

ТАБИЙ ХОМАШЕЛАРДАН РАНГЛИ БЎЁҚЛАР ТАЙЁРЛАШ СИРЛАРИ

Агар инглиз кимёгари Уильям Перкин бир неча ўн йил кейинроқ яшаб ўтганда безгакда қарши ишлатиладиган кимёвий моддасини анилиндан оламан деб овора бўлиб у ирмаган бўлармиди балки, 1856 йили органик кимё

фан сифатида ҳали унчалик ривожланмаганлиги сабабли ҳам олим ўзи бошлаган ишдан бирон натижа чиқмаслигини англаб етолмади. У тажриба устига тажриба ўтказишдан эринмас ва ҳар гал кимевий ўрнига қатронга ўхшаш қарамой оларди.

Кунларнинг бирида мана шу катрондан чиройли бинафша-ранг модда ҳосил бўлганда у таажжубдан ёқасини ўшлади. Кейин муваффақиятга унчалик ишонмай туйиб шойини бўяб кўрди-ю... ўшандан бўён олимнинг коми кимё фани тарихига абадий ёзилиб қолди. У дастлабкилардан бўлиб, сунъий бўёқ мавқеини кашф этган эди.

Перкин ёш бўлишига қарамай - сунъий бўёқни ихтиро қилганда бор-йўли 18 яшар эди - нихоятда чурт кесар, ҳозир жавоб, ўшлаганини қуймайдиган, уддабуррон одам эди. У икки йил деганда мавқеини ишлаб чиқарадиган завод ташкил этди. Шу пайтдан бошлаб сунъий ёки ҳозир кенг расм бўлган синтетик бўёқ ишлаб чиқариш даври бошланди.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Хасака қора, қора бўёқлар, хокистар, ҳазорси, қирмизи.

САВОЛЛАР:

1. Сунъий бўёқлар деганда нимани тушунасиз?
2. Табиий бўёқлар қанақа тайёрланади?
3. Қора ва қизил бўёқлар нималардан тайёрланади?
4. Ишлаб чиқаришда қанақа бўёқлар ишлатилади?
5. Тибиётда қанақа бўёқлар ишлатилади ва улар қанақа касалликларни даволашда ишлатилади?
6. Озиқ-овқатларда қанақа бўёқлар ишлатилади?
7. Мевалардан қанақа бўёқ олинади?

II. 3. Акварель бўёғи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Бўёқлар акварель, гуашь, темпера ва мой бўёқ турлари мавжуд. (1-расм). Бўёқлар акварель лотинча сўз бўлиб, сувга қориладиган бўёқ, шунингдек "акварельда ишланган расм" деган маънони билдиради. Акварель қадимги Миср, Японияда кенг қўлланилган. XIX асрда акварельда йирик санъат асарлари ишлаш жуда тараққий этган. Акварель билан ишлаш бундан бир ярим аср аввал Англияда ривожланган эди.


¹ Бухоролик санъатшунос олим. Қ. Жумаев сўхбатидан ёзиб олинди. – 2002 январь.

Д.Козенс, Тернер, Д.Констабель, Р.Бонингтон, Т.Гертин каби расомлар ўзларининг акварельда ишлаган асарларида Англиянинг гўзал

табиатини мохирлик билан ишлаганлар. Россияда эса акварель билан ишлаш санъати XVIII асрдан бошлаб кенг ёйила бошланди.


Ўрта асрларда Россияда бўлганидек Ғарбий Европа ҳам акварельдан черковга қарашли бўлган диний китобларни нақш ва иллюстрациялар билан безашда фойдаланилади. Лекин у вақтларда акварель оқ бўёқ моддаси қўшилган ҳолда ишлатилар эди.

Ўрта Осиё акварель китобларни чиройли қилиб безаш мақсадида қўлланилади. Ўрта Осиё рассомлари ичида айниқса Камолиддин Беҳзод китобларга акварель билан миниатюра ҳамда иллюстрациялар ишлашда шўхрат қозонди.



1-расм. Бўёқ турлари.

Акварель билан ишлаш усулларининг мураккаблашуви, такомиллашуви унинг турларининг кўпайишига ва хилма-хиллашувиго олиб келади. Ҳозир акварельнинг бир қанча турлари мавжуд. Чунончи, қаттиқ, юмшоқ ва хамирсимон ҳолдаги аквареллар. (1-расм).



1-расм. Акварель бўёқининг кўйидаги кўринишда ишлаб чиқилади.

Боловчи эмульсия тайёрланадиган моддаларни бўёқ рангини ўзгартирмайдиган, қоғозга суртиганда текис ётадиганларидан фойдаланилади. Боловчи моддалар асосан гумми арабика, олча, олхўри ва бошқа дарахтларнинг шираларидан тайёрланади. Дарахт ширасидан масалан, олча ширасидан жуда осонлик билан эритма тайёрланади. Шунингдек бўёқнинг тез қотиб қолмаслиги, пишиқлигини ва сувда эрувчанлигини ошириш учун унга асал, декстринлар миқдорда олиниш лозим. Ҳар бир акварель учун боловчи эмульсия турли миқдорда тайёрланади. Тахтача кўринишдаги акварель учун эмульсия ширанинг, декстрининг сувдаги эритмаси, мева шакари, хўкиз ўтидан тайёрланадиган аралашмадан иборат бўлади. Даставвал, ширанинг ҳамда декстрининг сувдаги эритмаси тайёрланади. Мева шакари сув билан аралаштирилиб, сиропсимон эритма ҳосил қилинади. Ана шу уч хил эритма бирликда тухтовсиз аралаштирилади ҳамда унга ўтдан тайёрланган аралашма ва фенолдан кераклича томизилади. Чинни идишлардаги - юмшоқ акварель учун эмульсия тайёрлашда эса

юқоридаги моддалар кўпроқ миқдорда олиниб, мева шакари ўрнига асалари муми ва глицирин қўшилади.

Тюбикларда чиқариладиган акварель таркибидаги элементнинг кўпчилик қисмини асал ташкил этади. Глицирин ва шира озроқ миқдорда қўшилади.

Акварель тайёрлашда қўлланиладиган бўёқ кукунлари табиий ёки сунъий кукунлар бўлиши мумкин. Айримлари ўсимликлар ёки хайвонда учрайдиган пигментлардан (масалан, жигар ранг, кармили бўёқлардан) тайёрланади. Бўёқ кукунларини танлашда ва тайёрлашда уларнинг тиниқлигига, бир-бирлари билан яхши аралашшишга эътибор бериш лозим. Масалан, қўйидаги бўёқ кукунларидан фойдаланиш тавсия этилади:

Сариқ кукунлар: табиий жигар ранг, сариқ марс, зарфалдоқ марс ва хоказо.

Қизил кукунлар; қизил тусли марс, қирмизи.

Бинафша: бинафша тусдаги кукун.

Яшил кукунлар: зумрад ранг, яшил рангли лаклар.

Зангори: зангори лаклар.

Жигар рангли кукунлар: куйдирилган жигар ранг, жигар ранг марс, қора кукунлар узумдан олинади.

Акварель тайёрлаш учун бўёқ моддаси тайёр эмульсияга аралаштирилади. Агарда синаш учун олинган бўёқ сувда яхши эриса, аралштириш ҳамда ишлов бериш учун тайёр бўлган ҳисобланади.

Шуни эсда тутиш лозимки, қуйилган акварель бўёғи кўриганидан кейин ўз рангини бир оз ўзгартириб, очлашади. Бунга бўёқ каватидаги сувнинг буланиши, қоғозга сингиши таъсир этади.

Биз юқорида фақатгина акварель бўёғининг ҳарактерли уўўсиятларига тўхталиб ўтдик. Чунки сиз ана шу бўёқ ёрдамида ўқув топшириқларини бажарасизлар.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Бўёқ кукунлари, Эмульсия, Декистрин, Хукиз ўти.

САВОЛЛАР:

1. Акварель бўёғининг таркиби нималардан иборат бўлади?
2. Табиий усулда бўёқлар тайёрлашни биласизми?
3. Қанақа бўёқ турлари мавжуд?
4. Акварель бўёғи қанақа тайёрланади?
5. Бўёқларда боловчи моддаларга нималар киради?
6. Бўёқ кукунлари деганда нимани тушунасиз?
7. Акварель қанақа кўринишда бўлади?

II. 4. Акварель бўёИдан фойдаланиш технологияси.

Акварель бўёқларида ишлашнинг ўзига хос технологияси мавжуд бўлиб, унга амал қилинмаса тайёрланган ишларнинг сифатига путур етиши мумкин. Биз акварель бўёИда бирор нақшни ёки безакни бўяшимиздан олдин унинг чизикли тасвирини тайёрлаб оламиз. Сўнг, бўяшга ўтамиз.

Мўйқаламда бўёқ олинаятганда уни хаддан ташқари қаттиқ ишқалаш мумкин эмас. Акс ҳолда мўйқалам едирилиб кетиши мумкин. Олинган бўёқ қавати қоғоз сиртига юпқа қават тарзида суртилиши лозим. Агар бўёқ қавати хаддан ташқари қуюқ бўлса, қоғоз сирти кўринмай қолади ва акварель бўёИда ишлаш техникаси қўпол равишда бузилган бўлади. Лекин, акварельда нақшлар ва безакларни бўяётганда бу тартибга бошқачароқ тарзда риоя қилинади. Нақшлар ва безакларда бўёқларнинг турли-туман тусларидан ҳам фойдаланиладиган бўлганлиги сабабли, унинг тусларини кўпроқ ёки камроқ суртиш орқали очлаштириш ёки тўқлақ. Чунки бўёИларнинг жўда оч тусларини ҳосил қилишда гуашнинг оқ бўёИи ҳам қўшиб ишлатилади. Демак ўз-ўзидан мазкур бўёқ аралашган ранг туслари юзага қалин қоплам бўлиб ётади.

Акварельда нақш ёки безак ишланаётганда ранг тусларининг тоза бўлишига эътиборни қаратиш керак бўлади. Бир бўёқ олинганидан сўнг иккинчи хил бўёқ олинишидан олдин мўйқалам тозалаб ювиб ташланади. Шундай қилинса бўёқ туслари тоза ва чиройли кўринишда бўлади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Бўёқ қавати, тус.


САВОЛЛАР:

1. Акварель бўёИини ўзига хос хусусияти нимада?
2. Акварель бўёИи билан гуашь бўёИини ўртасида нима фарқи бор?
3. Акварель бўёИи билан ишлашда оқ бўёқ вазифасини нима ўтайди?

II. 5. ГУАШЬ БЎЁҒИ БИЛАН ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

Гуашь италянча – сувли бўёқ деган маънони билдиради. Кукун билан сув елим боловчилари яъни ақокий, буёдой крахмали, декстрин ва бошқалар ҳамда оқ бўёқ (белила) аралашмасидан иборат бўёқ. Қоғоз, картон, фанер, мато, суякка нақш, тасвир ишлашда қўлланилади. Гуашь бўёғидан ўрта асрлардаёқ Осиё ва Европанинг кўп мамлакатларида, асосан китоб минатюрасидан фойдаланиб келинган. XIX аср ўрталаридан гуашь бўёғи саноатида ишлаб чиқарила бошлагач, мустақил усулга айланади. Гуашь акварельдан оқ бўёқ қўшилганлиги, бўёқ қатламининг қалинлиги ва бўёқ қатламларининг хиралиги билан фарқ қилади. Ҳозирда гуашь плакат, амалий графика ва китоб графикаси, театр декорацияси эскизлари, безак ишлари, миниатюра, махобатли рангтасвир, ноққошлик ва бошқаларда кенг қўлланиб келинмоқда. Гуашь бўёқлари пластмасса, шиша банкахаларда, тубиклар ҳолида ишлаб чиқарилади. (1-расм).

Гуашь бўёғи куюқ, кўринишда бўлади. У кўриб қолмаслиги учун устига глицерин, сув, кучсиз олча шираси ва бошқалар куюлади. Гуашь бўёғида ишлашнинг ўзига хос технологияси бўлиб, мўйқаламда осон олиниши, кўриганда ўқаланиб, суркалиб кетмаслиги, таг қисмидаги бўёқ қаватининг бир текисда тўла беркитадиган бўлиши керак. Гуашь бўёғининг таркибий боловчиси дексин, глицерин ҳисобланади. Гуашь бўёғини тайёрлашда бўёқ кукунларидан фойдаланилади. Гуашь бўёғида акварель мўйқаламлари ва улардан бир оз қаттиқроқ мўйқаламлар ҳамда мой бўёқлари учун чиқарилган мўйқаламлардан ҳам фойдаланилади. Махсус рассомчилик ва бадий ишларида алоҳида эмульсиялардан тайёрланган гуашь бўёқлар ишлатилади. У ўзининг тиниқлиги, рангининг чиройлиги билан фарқланади. Гуашьнинг флоруентцияли гуашь деб аталадиган тури ҳам бўлади.



1-расм. Гуашь турлари.

Бу гуашь турининг акварель ва темпералар билан аралаштириб ишлатилса ҳам бўлади. Флоресцентияли гуашь ўзининг чиройлиги, текислиги ва ёрқинлиги билан ажралиб туради. Умуман гуашь бўёқлари расмлар, нақшлар ҳар хил газета, плакатлар, шиорлар ёзишда ва бошқаларда ишлатилади.

Гуашь бўёғида ишлашда ҳам ана шу тартибларга риоя қилинсада, унинг туслари юзага ўта қалин бўлиб қопланиши билан фарқ қилади. Буни унутмаслик лозимки, гуашь бўёқларининг таркибида оқ бўёқ моддаси мавжуд бўлганлиги сабабли унинг туслари кейинчалик очлашиб кетади. Шунга кўра олинадиган ранг туслари белгиланган даражадан анча тўқроқ тусларда бўлиши лозим. Акс ҳолда бўёқ қавати ҳуллигида тўқ бўлган ранг туслари кейинчалик очлашиб кетади ва кўринишини бузади.

Гуашь бўёғида ишланган нақшлар ва безаклар ранг тусларининг анча хиралиги билан акварельдан фарқ қилади. Уларнинг ана шу характерли хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кўпинча аралаштириб ишлатилади. Гуашь бўёғи куюқлиги жихатидан мойбўёқларига ўхшаб кетсада, лекин фақат қоғозлар сиртигагина безаклар ишлаш мумкин бўлади. Баъзи ҳолларда гуашь бўёғидан миниатюра ишлашда, қутичалар сиртини безаш ва лак билан қоплаш орқали фойдаланилади.

Гуашь бўёғини таркибий боғловчиларга декстрин, глицерин ва бошқалар ҳисобланади.

Крахмал елимининг асосий турли декстриндир. Декстринни, крахмални ёки суюқ крахмални қайта ишлаш йўли билан олинади.

Унинг оқ ва сариқ туслилари бўлади. Оқ тўули декстрин фақат қиздирилганда сувда эрийди, ҳамда совуганда бутқасимон кўринишга эга бўлади. Сариқ рангли декстрин совуқ сувда онсон эриб, декстрин елимини ҳосил қилади.

Глицеринни вазифаси шундаки, гуашьни тез қуриб қотиб қолишини олдини олади.

Гуашь бўёғини тайрлашда акварель учун ишлатиладиган бўёқ кукунларидан фойдаланилади. Оқ бўёқ эса ранг тусларига қараб маълум микдорда қўшилади. Шунингдек уларнинг таркибини мустахкамлаш учун каолин ва бланфикслардан фойдаланилади. Оқ бўёқларнинг курюшинли, титанли, баритли, цинкали туслари мавжуд. Гуашь бўёқлари учун эмульция тайёрлашда сув, бўйдой крахмали, новвот суви, олча шираси, глицерин, хукиз ўти, фенол каби моддалар керак бўлади.

Бадий безакли тасвирлар ишлашда гуашьнинг боғловчи эмульцияси бошқача тартибда тайрланади. Бунда крахмал елими боғловчи элемент ҳисобланади.

Тиниқ тусдаги гуашь бўёқларини тайрлашда дурадгорлик елими, бўйдой крахмали, сув, натрий ишлори каби моддалардан фойдаланилади.

Дурадгорлик елимини эса олдиндан тайёрланган крахмал елимига аралаштириш тавсия этилади.

Гуашь бўёғини тайёрлашда боловчи эмульцияга бўёқ кукуни ва ок бўёқ қўшилади, ҳамда яхшилаб ийланади. Бўёқларни тайрлашда махсус аппаратдан ёки ҳовончадан фойдаланиш мумкин. Аралашма қуйиқ қаймоқ кўринишига келгунча ишланади. Қолган ишлар одатдагича бажарилади. Гуашь бўёқларининг ҳаммасига бир хил таркибли боловчи эмульцияни қўллаш қийин. Шунинг учун керакли ранг тусларини ҳосил қилишда бирор элементни кўпроқки озроқ олишга тўғри келади.¹

Гуашь бўёқлари билан ишлашда акварель, темпера ва мойбўёқлари учун қўлланиладиган методлардан фойдаланилади. Нақш ишлашда, ранг тусларини ҳар хил кўринишини ҳосил қилишда сувни кўп қўшиб юборилса, ўзини хусусиятини ўзгартириб бўялаётган юза текис чиқмай, ола-бўла чиқади.

Агар гуашь қуриб қотиб қолган бўлса, устига илиқ сув, суюқ дурадгорлик елими ёки ПВА бўёғи қўшилади. Икки ёки уч кун ўтгандан сўнг гуашь яхшилаб аралаштирилади. Гуашь кумо-кумо бўлиб қолган бўлса уни докадан ёки капрон пайпоқдан ўтказиб олиш керак. Гуашьга дурадгорлик елими ёки ПВА қўшилиши сабаби унинг таркибини мустахкамлайди. Яна ишчи юзани бўялган жойи қўлга юкмайдиган бўлади.

Иш жарёнида гуашь идишларидан оддий таёқча ёки махсус оддий куракчалардан фойдаланилади. Шу куракчалар ёрдамида бўёқлар олинади. Ҳар бир гуашь бўёқ рангига алоҳида куракча ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Гуашь бўёғини ишлатишда акварель, мўйқалам ва махсус гуашь бўёғи учун акварель мўйқаламидан каттиқроқ мўйқаламлар ишлатилади. Кўпинча гуашь бўёғи учун ишлаб чиқарилган юмшоқ ёки япалоқ мўйқаламлар ишлатиб келинади. Наққошликда оқ ранг, лимонли сарик, қадмийли сарик, странцион сарик, тилла ранг охра, қизил ранг, алвон ранг, қирмизи, зумрад, совуқ тусли яшил, тўқ зангори, ҳаво ранг, қора ранг ва бошқалар кўп ишлатилади.

Гуашь бўёғини темперага ҳам аралаштириб ишлатса бўлади. Гуашь бўёғи билан нақш композициясини бўяшда қўйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- Нақш элементларини аниқ чизиш.
- Рангларнинг боғлиқлигига ва тиниқлигига эришиш.
- Бўёқ қаватларни текис чиқариш.
- Кўзга яққол ташланадиган ранг доғларини ҳосил бўлишига йўл қўймаслик.
- Композицияни таъсирчан чиқиши.

¹ Эгамов Ҳ. Бўёқлар билан ишлаш. Т., Ўқитувчи, 1981, 42-бет.

Нақш композицияларини бўяшда олдин керакли ранг туслари тайёрлаб олинади. Кейин нақш юзалари бўялади.

Гўушъ бўёИда безалган буюмларни устидан лак суркаб копланати. Суртилган лак ҳисобида нақшларни ранг оз микдорда тўқлашади. Шу тўқлашиш ҳисобини ҳар доим эсдан чиқармаслик лозим.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Белила, эскиз, амалий графика, маҳобатли ранг тасвир, глицерин, кучсиз олча шираси, флоруцентли, крахмал, боловчи эмульция.

САВОЛЛАР:

1. Гуашъ сўзи нима маънони англатади?
2. Гуашъ бўёИни қанақа сиртларга бўяш мумкин?
3. Гуашъ бўёИ билан акварель бўёИни ўртасидаги фарқи нимада?
4. Гуашъ бўёИ қанақа кўринишда бўлади?
5. Гуашъ бўёИни таркибий боловчиларга нималар киради?
6. Гуашъ бўёИни тайёрлашда нималардан фойдаланилади?
7. Боловчи элементларга нималар киради?
8. ПВА гуашга нима учун қўшилади?

II. 6. ТЕМПЕРА БЎЁҒИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ. ¹

Темпера лотинча *temperare* (темперари) сўзидан олинган бўлиб, аралаштириш деган маънони англатади.

Темпера ҳам сув билан ишлатиладиган бўёқлар туркимига киради.

Қадимги Русда XVIII асргача темпера станокли ҳамда монументаль рассомчиликнинг энг яхши материали бўлиб келди. X асрдан бошлаб рус рассомлари ўзларининг ажойиб асарларини темперада ишлаганлар. Улар асрлар давомида темпера ишлаш усулларини ривожлантириб келдилар. Айниқса тухум сариғидан тайёрланган темперада ишлаш Андрей Рублёв ижодининг асосий қисмини ташкил этади. Россияда темпера билан рангли тасвир ишлаш XVIII асрнинг иккинчи ярмигача ривожланди ва аста-секин унинг ўрнини мой бўёқда ишлаш санъати эгаллай бошлади. Темпера ёрдамида деворларга рангли тасвир ишлаш фақатгина Ғарбий Европадагина эмас балки Византия ва Россияда ҳам кенг тарқалган эди.

Ҳозир Москвада, Кострома ва Ярославлдаги бир қанча чекловларда XV, XVI ва XVII асрларда темпера билан ишланган рангли тасвирлар сақланмоқда, орадан қанчадан-қанча вақт ўтганига қарамасдан, уларнинг кўпчилигининг ранги ҳали ҳам ўзгармаган.

Ғарбий Европада XIX асрда яна деворлар ва шифтларга темперада рангли тасвир чизишга кирилишиб, бу борада анчагина замонавий метод ва усуллар қўлланила бошлаган эди.

Ҳозир эса теперага бўлган қизиқиш янада ошди. Бунга сабаб темперанинг намга, ҳарорат ва ташқи муҳит ўзгаришларига чидамлилигидир. Лекин унинг камчилиги шундаки, қуйилган бўёқ қавати ҳаддан ташқари қуриб кетса, қаттиқроқ босилганда ёки туртилганда грунтдан тўшиб кетиши мумкин.

Темпера икки қисмдан: боловчи элемент бўлмиш табиий ёки сунъий моддадан ва бўёқ моддасидан ташкил топади. Боловчи элементлар эмульсиясининг таркибига қараб сариқли темпера (тухум сариғи қўшилган темпера), оқли темпера, (тухум оқи қўшилган темпера), бутун тухум қўшилган темпера, мойтухумли темпера, казеинли темпера ва бошқа турларга бўлинади. Темперанинг бу турлари бир-бирларидан фақат боловчи элементларининг таркиби билангина эмас, балки ўзига хос хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради.

Сариқли темпера икки қисмдан: боловчи эмульсия ва бўёқ моддасидан иборат. Темперанинг бу тури жуда қадим замондан маълум. Боловчи модда сифатида тухум сариғи олинади ҳамда унга таъсирчанлигини маълум даражада ошириш учун сиркаки нондан тайрланган квас қўшилади.

¹ Эгамов Х. Бўёқлар билан ишлаш. Т., “Ўқитувчи”, 1981, 38-42 бетлар.

Эмульсия тайёрлаш учун товук тухуми олинадиган ва эҳтиётлик билан бир четидан синдирилади. Унинг оксил моддасини алоҳида идишга олиш лозим. Тухум сариқининг қопламаси игна ёки бирорта ўткир асбоб билан тилинадиган ва керакли идишга оқизилади. Сўнгра сариқ модданинг ҳажмига тенг миқдорда сув қуйиб, таёқча билан аралаштирилади ҳамда сирканинг сувдаги эритмасидан 5-6 томчи томизилади.

Эмульсия натижсида тезда қуйилиб қолмайдиган бўлади. Шу билан эмульсияни тайёрлаш ниятига етказилади.

Бўёқ моддасини эмульсияга аралаштиришдан олдин унга маълум даражада қайта ишлов бериш тавсия этилади. Чунки бўёқ таркибида ҳар хил бегона элементлар бўлиши мумкин. Уларни йўқотиш усули қуйидагича: бўёқ порошоги тош плита устига сепилади ҳамда ҳамирсимон масса ҳосил бўлгунча сув қўшили, темир куракча билан яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра махсус даста-тўйғич ёрдамида тош плита устида айланасимон ҳаракат ёрдамида яхшилаб ишқаланади. Бўёқнинг нами қочмаслиги учун унга оз-оздан сув қуйиб турилади. Бўёқ моддасининг таркибида ҳеч қандай донадор, йирик заррачалар бўлмаслиги лозим.

Бўёқ моддасини тайёрлашга 1-2 соат кифоя қилади. Ишқалаб тайрланган бўёқ порошоги куракча ёрдамида плита устидан йиштириб олинадиган ва қуриштириш учун конуссимон шаклда бир ерга тупланади. Порошок қуриганидан сўнг махсус қопчаларга солиб қуйилади. Қопчаларни полиэтилендан керакли ўлчамда ясаб олиш мумкин. Шунингдек, қопчаларнинг заводларда чиқариладиган турларидан фойдаланса ҳам бўлади.

Сариқли темпера қуйидагича тайёрланади: чинни идишга оқи бўялмаган сопол идишга керакли тусдаги порошок сеплади. Устига озроқ эмульсия қуйилиб, кўрсаткич оқи ўрта бармоқ билан яхшилаб ишқаланади. Рангли тасвир ишлаш тамом бўлганидан сўнг бўёқ қотиб қолмаслиги учун унга озроқ сўу солиб қўйилади. Керак пайтда сўнг тукиб ташланиб, озроқ эмульсия аралаштирилади. Тайёр бўёқ бир ҳафтагача бузилмайди. Темперанинг қуриши мойли бўёқларнинг қуришидан кескин фарқ қилади. Рангли тасвирдаги бўёқ қавати таркибидаги сув бўлиниб кетганидан сўнг, темпера сирти пафис нарда билан қопланади ва қуюқланади.

Оқли темпера, ҳам худди сариқли темпера каби тайёрланади.

Оқли темперанинг хоссалари ҳам сариқли темпераникидан қилинмайди. Лекин у ташқи муҳитга унчалик мос эмас. Қуригандан сўнг сиртида мурт қават ҳосил бўлади. Бу темперадан кўпроқ қоғоз, картон ва шу каби лак ҳамда алиф билан қопланмайдиган сиртларни бўяшда, безатишда фойдаланилади.

Бутун тухум қўшиб тайёрланган темпера учун бошловчи сифатида тухумнинг сариқ ва оксилнинг сувдаги эритмаси олинадиган. Тухумнинг оксил ҳамда сариқ моддаси ўз ҳажмига тенг миқдордаги сув билан куракча

ёрдамида аралаштирилади. Сўнг мустахкамлигини ошириш учун керакли микдорда фенол қўшилади. Эмульсия ҳосил қилиб бўлингач, унга темпера бўёқ порошоги солиниб, бир зайлда аралаштирилади.

Бу темпера ҳам ўзининг пишиқлиги ва ранг-баранглиги билан сарикли темперадан қолишмайдн. Ундан катта хажмдаги ва узок сақланмайдиган декоратив паннолар, безаклар ишлашда фойдаланилади.

Мой-тухумли темпера учун боловчи эмульсия бутун бошли тухумдан, зиёр еёи пахта мойи ва сувдан тайёрланади. Эмульсия тайёрлаш учун тухумнинг оқи ва сарик яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра мойдан оқи мойли лакдан маълум микдорда қўшилади ва мунтазам аралаштириб турилади. Эмульсия тайёр бўлгандан сўнг ҳам аралаштиринг давом эттирилади ва уни мустахкамлаш мақсадида формалиннинг кучсиз эритмаси қуйилади. Эмульсия тайёрлашда тухум оксиди ва саринининг аралашмаси кўп олинса бўёқнинг ранги ёмонлашади ва айрим ҳолларда кучиб тушади. Мойлар ва мойли лаклар ортиқча олинганда аса қуйилган бўёқ қаватида хунук кўрниш ҳосил бўлади. Бу темперадан фақатгина грунтланган юзаларни безашда фойдаланиш мумкин.

Казеинли темпера. Казеин мойли _ эмульсия ва бўёқ кукунидан тайёрланади. Казеин елими қуруқ казеин кукунини нашатир спирти эритмасига аралаштириш йўли билан ҳосил қилинади. Казеин кукун идишга иссиқ сув билан бирга солинади ва у сувни яхшилаб шимиб олгунига қадар икки соат ўтади. Кейин озрок қиздирилган нашатир спиртини казеин эриб кетгунча қўшиб аралаштириб турилади.

Эмульсия тайёрлаш учун тайёр казеин елимига тенг микдорда зиёр мойи аста-секин қуйилади ва ҳар иккаласи қўшилиб кетгунча бетухтов аралаштириб турилади. Керакли қуюқликдаги эмульсияни ҳосил қилишда сувдан фойдаланилади. Казеинли эмульсияда казеин елимининг қайта тайрланган аралашмаси ишлатилади. Чунки олдин тайрланган эритма ўзининг хоссасини ўзгартириши мумкин. *Казеин-мойли* эмульсияни доимо янгилаб туриш тавсия этилади. *Казеин-мойли* темпера эса одатдагича тайёрланади.

Казеинли темпералар тез қурийди ва қаттиқлашиб, сувда эримайдиган бўлиб қолади, грунтланган сиртларга жуда яхши суртилади, қуригандан кейин кучиб кетмайди. Эскирган казеин елими ёки эмульсиясидан тайёрланган бўёқларда бунинг акси бўлиши мумкин.

Ширали темпераларда олча дарахтининг шираси боловчи элемент сифатида ишлатилади. Бу шира дарахт танасининг у ер, бу еридан сизиб чиқади. Унинг кўриниши сарғиш, қизғиш, жигар ранг, тўқ жигар ранг ёки қорамтир жигар рангларда бўлади. Бундай ширани сунъий йўл билан ҳам олиш мумкин. Бунинг учун дарахт танаси бир неча еридан тилиб қуйилиши керак. Шўнда маълум вақт ўтганидан кейин шира ҳосил бўлаверади.

Баҳорда йиғилган ширалар сувда тез эрийди. Ёзда ва кўзда йиғилган шираларнинг эриши бир оз қийин бўлгани учун олзи ёпиладиган идишга солиниб, иссиқ печканинг яқинига бир неча кун қуйиб қуйилади. Шундан

кейин уларнинг сувда эриш билан бирга мустахкамланиш хусусияти кучайиб кетади.

Оч тусдаги ширалардан тиниқ тусдаги темпера бўёли ҳосил бўлади. Тўқ рангларни топишда эса жигар ранг тусдаги ширалардан фойдаланилади.

Ширали темперани тайёрлашда махсус ҳавончадан фойдаланилади. Бу темперанинг хоссалари ҳам бошқа темпераларникига ўхшаш бўлади. Лекин анча суюқ бўлганлиги учун мой бўёқ гурунтланган сиртларда яхши ётмайди. Шунингдек, уни ёзув ишларида қўллаб бўлмайди. Ширали темперанинг ижобий томони шунингдек, у билан лессировка усулида ишлаш жуда қўлайдир. Ранг туслари эса тиниқ кўринишда бўлиб, ўзига хос хусусияти билан фарқ қилиб туради.

Темпералар одатда саноат усули билан кичик ва катта тюрбикларда ишлаб чиқарилади. Уларни узок вақт сақлашга тўри келса, қуёш нури тушмайдиган салқинроқ жойларга қуйиш тавсия этилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Сариқли темпера, оқли темпера, мой тухумли темпера, казеинли темпера, ширали темпера.

САВОЛЛАР:


1. Темпера бўёли нима учун ишлатилади?
2. Темпера термини лулавий маъноси нимадан иборат?
3. Тухум сарили нима учун ишлатилади?
4. Темперани таркиби нималардан иборат?
5. Сариқли темпера қанақа тайёрланади?
6. Оқли темпера деганда қанақа темперани тушунаси?
7. Мой тухумли темпера деганда-чи?
8. Казеинли темпера деганда нимани тушунаси?
9. Ширали темпера қанақа тайёрланади?

II. 7. МОЙБЎЁҚ БИЛАН ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

Мойбўёқ бўёқлардан бир тури бўлиб, ўзига хос томонлари билан фарқланади. Мойбўёқлар билан ишлашдан аввал унинг ўзига хос хусусиятларини пухта билиб олиш зарур.

Мойбўёқлар билан ишлашни пухта билган талаба тасвирлаш тилининг ўзига хос томонларини билиб олади. Мойбўёқ турлари 1-расмда берилган.

Мойбўёқ ва лаклар XV асрдан бошлаб ишлатиб келинади. Ранг тасвирда қўлланиши эса Нидерландиялик ака-ука рассом Ван Дейклар бошлаб берганлар. Улар зиёр мойи жуда тез қотишини билиб қолганлар ва кейинчалик бўёқ кукунини шу мойда қориштириб, жуда тиниқ ва ёрқин бўёқлар ҳосил қилишга мувоффақ бўлганлар. Улар мойбўёқ техникасини ривожлантиришга ҳам, улар катта хисса қўшганлар.



1-расм. Мойбўёқлар турлари.

XVI аср ранг тасвир санъатида мойбўёқ ранг тасвири асосий ўринни эгаллаган. Мойбўёқ билан ишлаш 1920 йиллардан сўнг ривожлана бошлади. Кейинги вақтларда мойбўёқ билан тасвир ишлаш кенг меҳиёсда тарқалди. Мойбўёқ унча суюқ бўлмагани учун, акварель каби мўйқаламдан ва тасвир текислиги юзасидан оқиб кетмайди. Унинг аста-секин қуриш хусусияти эса матога ёки бирор юзага қўйилган бўёқ бирикмасига анча узоқ вақт мобайнида ишлов бериш имкониятини яратади. Мойбўёқларни ишлатиш акварель бўёқларга нисбатан қулайдир. Унинг яна қулайлиги шундаки,

мобадодан ранг туси нотўри топилган бўлса, уни қайтадан ишлаш имконияти бор. Мойбўёқни матога ёки бирор юзага қўйилган бўёқ юригач, ўзининг дастлабки рангини ўзгартирмайди. Акварель ёки гуашь бўёқлари каби оқармайди.

Мойбўёғи суюқ ва қуюқроқ ҳолда, юпқа тиниқ қатлам тарзида ёки қуюқ ҳолда ишлатилиши мумкин. Лекин бошқа бўёғларга яъни акварель, гуашь ва ҳоказо нисбатдан мойбўёқни ишлатиш учун зарур жихозлар анча мураккаб.

Мойбўёғларни ишлатишда уларни суюлтириш учун эритувчи моддалардан фойдаланилади. Бунинг учун махсус тайёрланган эритувчилар – пенин, 1 ва 2 номерли суюлтиргич лаклар, ёнлоқ ёғи, каноп ёғи ишлатилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Зиёр ёғи, пенин, эритувчи модда, ёнлоқ ёғи, каноп ёғи.

САВОЛЛАР:

1. Мойбўёқни қанақа турлари мавжۇу?
2. Зиёр мойи нима учун ишлатилади?
3. Мойбўёқ ранг тасвир ишалаш қачондан ривож топди?
4. Мойбўёқ гуашь ва акварель бўёғидан нималари билан фарқ қилади?
5. Мойбўёқ бирор юзага ишлатганда ранги оқарадими ёки қораядими?

III-БОБ. РАНГШУНОСЛИККА ОИД АМАЛИЙ МАШҚЛАР ТИЗИМИ

1. РАНГ ТУРЛАРИ

Табиатдаги мавжуд рангларни икки қисмга: ахроматик ва хроматик рангларга ажратиш мумкин. Табиатдаги барча ранглар, яъни бирор ранг тусига эга бўлган ранглар (оқ, қора ва кул рангдан ташқари) хроматик рангларга киради, куёш спектрининг барча ранглари ҳамда уларнинг бир-бирлари билан аралашувидан ҳосил бўлган ҳамма ранглар "хроматик ранглар" жумласидандир.

Хроматик ранглар ахроматик ранглардан фарқи ўлароқ фақатгина ёруғлик кучлари билан эмас, балки номлари, туслари жихатдан ҳам ажралиб туради. Масалан, сариқ ранг қизил рангдан ҳам ёруғлик кучи, ҳам рангининг туси билан кескин фарқ қилади.

Ҳар бир хроматик ранг учта хоссага: ранг туси, ранг ёрқинлиги (бунда кам ёки кўп ёрқинлик кўзда тутилади), ранг туйинганлигига (ранг қуюқлигига) эга бўлади.

Ранг туси - рангларнинг тўлқин узунлигига қараб белгиланади. Рангнинг бу хоссасига кура биз кўз орқали қизил, сариқ, зангори ва бошқа спектрал рангларни кўрамиз ҳамда идрок қиламиз. Лекин ранг туслари уларга қуйиладиган ранг номларига қараганда анча кўпдир. Агар бирор рангга оқ ранг қўшилса, мазкур ранг тусининг тўлқинлар узунлиги ўзгармайди. Чунки оқ ранг қўшилганда фақатгина ранг ёрқинлиги ўзгаради ва у қайтариш коэффиценти билан ифодаланади. Ёрқинликни аниқ ўлчаш учун "фотометр" деган асбобдан фойдаланилади.

Ранг ёрқинлиги - хроматик рангларнинг асосий хоссалардан бири бўлиб, тушаётган ёруғлик нуруни ўзида кўп кам акс эттиришидир. Агар ёруғлик нурлари кўп акс эста, биз рангни оч тусда (масалан: оч яшил, оч қизил идрок қиламиз. Рангларнинг бу хоссаси барча тусдаги ранглар учун - хроматик ранглар учун ҳам, ахроматик ранглар учун ҳам умумий ҳисобланади. Шунинг учун рангларни ёрқинлиги жихатидан бир-бирларнинг ёрқинлигига мос тушадиган (хроматик ранг қарама - қаршилиги) хроматик тусин танлаб олиш осон бўлади.

Ранг туслари спектр рангларига қанчалик яқинлашса, уларнинг ёрқинлиги, яъни равшанлиги, тиниқлиги шунчалик яхши бўлади.

Ранг туйинганлиги - иккали ранг гуруҳига хос нарсга бўлиб, ахроматик рангларда кўпроқ кул ранглар шкаласига, хроматик рангларда эса кўпинча спектр рангларига солиштириш йўли билан аниқланади.

Ранг тусларининг туйинганлиги турлича бўлади. Масалан, бирорта сариқ рангни ёрқинлиги бўйича унга тенг келадиган оч кул ранг билан

аралаштирилса, унда ранг тусининг туйинганлиги бир мунча пасаяди, оқишроқ ёки кам туйинган бўлиб қолади. Агар биз кул ранг қўшишни давом эттирсак ундан ҳам паст ранг тусининг ҳосил бўлишини кўрамиз. Аралашмада кул рангнинг таъсири кучли бўлганлигини учун сариқ тус сал-пал сезилиши ёки умуман сезилмаслиги мумкин. Ранглар ҳалқасида бир-бирига рубару турган ранг дочалари қарама - қарши ёки тўлдирувчи ранглар деб аталади. Улар ҳам ўз навбатида, бир-бирларига оҳангдош бўлади ва бир-бирларини тўлдиради.

Талабаларга рангларнинг туслари ва унинг номлари тўғрисида гапирилганда уларнинг қандай йўллар билан ҳосил қилинганлигини тушунтириб ўтиш кифоя. Буларни талабалар ўқитувчи билан биргаликда палитрада амалда тажриба қилиб кўрадилар. Агарда иккита тўлдирувчи ранг бир хил миқдорда аралаштирилса, кул рангга ўхшаб қолади. Натижада бирорта рангнинг ёрулик кучини камайтириш учун устидан тўлдирувчи рангнинг суяқ эритмаси билан бўялади ёки атрофидаги ранг ҳалқаси ўзгартирилади. Масалан: қизил рангни озроқ кучсизлантириш учун уни яшил рангнинг суяқ эритмаси билан қоплаш керак. Гоҳо ёнига бирорта қизил тусдаги бўёқ сурилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Ранг қарама-қаршилиги, ранг туси, ахроматик ранг, хроматик ранг.

САВОЛЛАР:


Савол ва топшириқлар:

1. Хроматик рангларга қайси ранг туслари киради?
2. Иккита хроматик ранг аралаштирилганда қандай ранг туси ҳосил бўлади?
3. Ахроматик ранг ибораси нимани аңлатади?
4. Хроматик ва ахроматик рангларни ўзаро аралаштириш мумкинми?
5. Туйинган ранглар деганда нима назарда тутилади?

1-машқ. Асосий рангларга оид машқлар.

Асосий рангларни ўрганишдан мақсад шундаки, рангшуносликдан олган назарий ва амалий билимларни шакллантиришдир. Асосий ранглар бўлган қизил, сариқ, кўк ранглар асосида берилган модахали нақшларни бўяш асосида машқ қиладилар. Улар расмда берилган модахали ва ислимий, гирих нақшларини фақат уч ранглар асосида бўяшни ҳамда, уларга пардоз бериш машқи қилинади.

Бу машқлар асосида фақат уч рангдан фойдаланиб турли нақш композицияларини бўяшни ўрганилади.



Мустақил бажариш учун нақш намуналарини бўянг.

2-машқ. Спектр ранглар асосида нақш композицияларини бўяш

Ушбу машқда спектр ранглар асосида турли композицияларни бўяшни ўрганилади. Спектр рангларни қизил, зарфалдоқ, сариқ, яшил, ҳаво ранг, зангори ва бинафша ранг тартибда жойлашган бўлиб, улар энг тоза ранглар ҳисобланади. Спектр рангларни тартиби бўйича мадохили нақшлар бўялади.

Фақат етти ранг асосида ислимий, гирих ва мадохили нақшларни бўялади.

III. 2. РАНГ ТУСЛАРИ.

Наққошлик дарсларида, ранглар билан ишлашда талабаларни кўпчилик ҳолларда қийнаб кўядиган нарсалар уларнинг рангларнинг ўзбекча номларини яхши билмасликларидир.

Маълумки, бўёқларнинг 150дан ортиқ русча туслари (айтиладиган номлари мавжуд, ўзбек тилида эса уларнинг номлари атрофлича кўриб чиқилмаган). Шунинг учун ранг тўғрисида гапирилаётганда, турмушда бор бўлган предметлар, гуллар, ўсимликлар ва шу кабиларнинг номларидан фойдаланилади. Масалан, бахмал ранг, жийда ранг, бодом

ранг, олов ранг, ўт ранг ёки майса ранг ва хакозо. Аммо хилдаги шартли номлар кўпинча рангларнинг тусларини аниқ тасаввур қилиш имкони бермаслиги мумкин. Шунинг учун бўёқларнинг хусусиятлари билан танишишда уларни махсус группаларга ажратган ва бир-бирига болаб ўрганган маъқул. Масалан, сариқ ранг ўрганилаётганда унинг таркибий қисмини ҳосил қилиш йўлини, ишлатиш ва қўлланиш усулларини ҳамда бошқа тусларини кўриб ўтиш тавсия этилади. Шунинг эсада тутиши лозимки, ҳар бир ранг атрофида унинг ўзига яқин туслари мавжуд. Масалан, қизил рангнинг тепасига ва пастки қаорларига қарасак бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз, қизил рангнинг юқорисида сариқ ранг жойлашганлиги учун сариқда, пасткида эса зангори ранг жойлашганлиги учун зангорига хос туслари бор. Худди шўнингдек бошқа рангларнинг атрофларида ҳам ҳар иккала бўёқда тегишли ранг туслари мавжуддир. Энди рангларнинг тузилиши ва ҳосил бўлиш босқичлари тўғрисида қисқача тухталиб ўтамиз. Бу ерда гап асосий (сариқ, қизил, зангори) ва уларнинг бир-бирлари билан аралашувидан ҳосил бўладиган ранг туслари ҳақида боради.

Сариқ ранглар умуман очик ва тиник тусда бўлиб, сариқ пигменти бор бўлган моддалардан олинади. Сариқ рангларнинг энг яхши хусусияти шундаки, уларни хоҳлаган бўёқ билан аралаштириш мумкин. Бўёқ қавати қолғоз сиртига суртилганда текис ётади. Сувда осонлик билан эрийди.

Сариқ ранглар ўз навбатида зангори ранг билан аралашиб, куйидаги тусларни ҳосил қилади: сарғиш, сарғиш яшил, тўқ яшил, тутак, зайнови, зумрад ранглар.

Шунинг унитмаслик керакки, сариқ рангларнинг бир қанча тусларини: ним сариқ, оч сариқ, сарғиштоб, тўқ сариқ, қовоқ ранг, малла, тўқ малла, пистоли ва хакозо туслари бўлади. Сариқ ранглар бошқа ранглар билан аралаштирилганда улардан ҳосил бўладиган тусларга эътибор бериш лозим. Юқорида айтиб утилгандек сариқ рангнинг баъзи тусларини меваларнинг номлари билан аташ мумкин: бодом ранг, пистоли, тут ранг, нашвати ранг, қовоқ ранг ва бошқалар.

Лимон ранг сариқ ранг туслари ичида энг чиройли ва уткирдир. Уни қайси ранг билан аралаштирмани, таъсири сезилиб туради. Ҳосил бўлган ранг эса ўзининг ёқимлиги билан бошқа ўзига ўхшаш ранглардан ажралиб туради, бу ҳол айниқса зайнови, зумрад ранглар таркибида яққол сезилади.

Сариқ рангнинг қизил билан қўшилишидан эса зарқалдоқ ранг ҳосил бўлади. Агар эритмада сариқ рангнинг таъсири кучлироқ бўлса зарқалдоқ, оч зарқалдоқ, қовоқ ранг ва шу каби туслар, қизил рангнинг таъсири кучлироқ бўлса - тўқ зарқалдоқ, оч қизил ва хакозо туслар ҳосил бўлади, бинафша ҳамда сафсар рангларнинг ҳар хил тусларини ҳосил қилади. Сариқ ранг билан қизил ранг жуда яхши аралашади ва ҳеч қандай хунук тус ҳосил қилмайди, қизил рангнинг киноварравшан

қизил бўёқ, (симоб сульфид, қизил рангли минерал, симоб рудасидан қилинган қизил бўёқ), краплак-турли тусда кўринувчи тўқ қизил бўёқ, кармин-кошен ель деб аталувчи хашоратдан олинадиган оч тусли қизил бўёқ, қадимий қизил бўёқ - жуда тиниқ, равшан ва илиқ бусдаги қизил ранг каби туслари мавжуд.

Зангори бўёқ совуқ рангларнинг бутун бир ҳаммасини ташкил қилади. Керакли совуқ ранг ҳосил қилиш учун зангори ранг шу бўёқ билан аралаштирилади ёки қоюз (яъни керакли жойга) устидан сурилади. Шунинг эса тутиш лозимки, зангори рангнинг миқдори маъмур ранглар аралашмаси таркибида кўп бўлсагина, совуқ тус ҳосил бўлади. Зангори ранг сариқ рангнинг ҳар хил туслари билан яхши аралашади. Аммо у қизил ранг билан ҳамиша ҳам керакли тўсларни ҳосил қилавермайди.

Зангори рангнинг оч зангори, тўқ зангори, оч ҳаво ранг, тўқ ҳаво ранг, феруза ранг, биллур, кўкиш, кўкиштоб, кўкиш бинафша, ложувард ва ҳаказо туслари бўлади. Булардан ташқари, зангори бўёқнинг ультрамарин (синька рангини эслатувчи тўқ кўк), кобальт (оч ҳаво рангнинг ҳар хил тусдаги кўриниши), берлин мовий ранги (тўқ зангори) турлари ҳам бор.

Зангори рангнинг тиниқ тусларигина сариқ ҳамда қизил ранглар билан яхши аралашади ва ҳеч қандай хунук тус ҳосил қилмайди.

Яшил бўёқлар сариқ рангнинг бевосита зангори ранг билан аралашувидан ҳосил бўлади. Сариқ рангнинг таъсири кўпроқ бўлса, сариққа, зангори рангнинг таъсири кўпроқ бўлса, зангорига хос тус ҳосил бўлади.

Зумрад ранг равшан, очик шаффоф, краплакдан бошқа барча бўёқлар билан яхши аралашади. Жуда гўзал яшил ранг, эрта баҳор кўкатларининг рангини эслатувчи тиниқ бўёқ, хром оксиди-зайтун дарахти рангидаги тиниқмас бўёқ (ёки совуқ тусдаги ним яшил), тутати - зангорига сариқ рангнинг оз миқдорда кўшишдан ҳосил бўладиган ранг туси.

Қора ранг бошқа ранглардан ўзининг қарама-қарши хусусиятлари билан ажралиб туради, қора ранг ёрдамида ахроматик рангларнинг бутун бир композициясини топиш мумкин. Унинг ҳар қандай ахроматик ранг билан аралашмаси ахроматик рангларнинг ёки керакли рангларнинг хира тусини беради.

Қора рангнинг оч қора, кул ранг, ним кул ранг, тўқ кул ранг, қорамтир, кўкиш қорамтир, қорамтир жигарранг ва ҳаказо туслари бўлади. Қора рангнинг зарқалдоқ, сариқ, қизил, зангори, яшил ва бошқа бир қанча ранглар билан аралаштириш мумкин.

Жигар ранг бўёқлар қора рангнинг қизил, сариқ ва зарқалдоқ туслари билан аралашувидан ҳосил бўлади. Масалан, табиий сиена тилласимон сариқ рангли бўёқ оҳрага яқин тусда. Кўйдирилган сиена эса қизилиш жигарранг, тўқ жигар ранг, баъзан яшил тусда (товланади,

куйдирилган умбра тиниқ, равшан сарик тусда тўқ сарик тусгача ёки қизилиш тусдаги тўқ жигарранг тусда бўлади. Марс чиройли жигар ранг тусдадир. Вандик жигар ранги - тўқ жигар ранг, нихоятда нафис тусга эга.

Ахроматик ҳамда хроматик рангларнинг оқ ранг билан ҳар қандай аралашмаси оч тусни ҳосил қилади. Оқ рангнинг бу хусусияти эса нақшларни бўяшда жуда қул келади. Оқ ранг ёрдамида ҳар бир рангнинг ҳар хил тусларини осонлик билан топиш мумкин. Оқ ранг барча ранглар билан яхши аралашади. Оқ рангнинг ҳам сут ранг, кўкиш ранг, садаф ранг, қорамтир оқ, оқиш ва бошқа туслари мавжуд. Бу рангларни ҳосил қилиш усулини ҳар бир талабага машқ қилдириш лозим.

Булардан ташқари, сарик рангнинг куйидаги туслари ҳам ишлатилади: стронцион сарик - равшан, лимон тусидаги сарик ранг, кронли сарик - оч сарик, тиниқ ва нафис, кадмийли сарик - оч ва тўқ, ёрул тусдаги эса баъзан паст лимон рангига ўхшаб кетади. Тўқ сарик зарлалдоқ тусга эга, охра - жигар ранг тусдаги сарик, ёрул ва равшан тилла ранг, жигар ранг қизилиш тусларда бўлади. Сарик ранг асосан ёрул жойларни, илиқ тусдаги кўринишларни беришда жуда қул келади.

Қизил ранг бўёқлар ичида ўзининг алоҳида хусусияти билан ажралиб туради. Чунки унинг тури кўп бўлиб, бир-биридан туси жихатидан сал-пал фарқ қилади, қизил бўёқлар асосан, қирмизи, алвон ранг, гулгун, бахмал ранг, оч қизил, тўқ қизил, оч пушти, ним пушти, пушти, пушти қизил, шол, оч сафсар, ним сафсар, сиёҳ ранг, қизилиштоб, оч бинафша, кўкиш бинафша, қизилиш бинафша, тўқ бинафша ва хоказолардан иборат.

Қизил рангнинг зангориға яқинроқ туслари ўзида совуқ кўринишни акс эттиради. Сафсар ҳамда бинафша рангларнинг совуқ туслари шулар жумласидандир. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, зангори ранг қизил рангнинг барча туслари билан аралашивермайди. Масалан, қизил ранг билан зангорини аралаштисак сафсар рангнинг хунук кўриниши ҳосил бўлади. Қирмизи ранг эса аксинча, зангори билан яхши аралашади.

Одатда ранг тусларининг номларини айтишда аниқ ранг туслари номидан ташқари қўшимча номлар билан ҳам аташга тўғри келади. Бунда ранг тусларининг ўта оч кўринишларини аташда куйидаги сўзлардан фойдаланилади: ним, нимтатир, -роқ, -тир каби қўшимчалар қўшилади. Масалан: ним қора, нимтатир оқ, кўкимтир, қорамтир оқ, оқишроқ каби.

Бирор рангнинг қандай тусга мойиллигига қараб –илиш (сарилиш, қизилиш), -илиш (кўкиш, оқиш ва х.к.), -тоб (кўкиштоб, қизилиштоб) каби қўшимчалар қўшилади.

Баъзан айрим ранг тусларини номини аташда бир неча ранг тусларининг қўшимча номларидан ҳам фойдаланилади. Масалан: кўкиш қизил, сарилиш яшил, оқиш яшил, қизилиш жигар ранг, сарилиш жигар ранг ва бошқалар.

Ранг тусларининг номларини аниқ билиш ва улардан ўз ҳолда фойдаланиш эса касб-хунар сирларини тўлиқ ўзлаштиришларида яқиндан ёрдам беради.

Ранг тусларини бир-бирларидан фарқ қилишни ўргатишда бир рангнинг ҳар хил туслари орқали нақш композициясини ишлаш керак.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Ўт ранг, майса ранг, жийда ранг, пистоқи, бодом ранг, зарфалдоқ, оксиди-зайтун, сафар ранг.

САВОЛЛАР:

1. Бир-бирига жуда яқин бўлган ранг тусларини қандай фарқлаш мумкин бўлади?
2. Рангларнинг оч ва тўқ туслари қандай мақсадда ишлатилади?
3. Оч ранг тусларини айтишда қандай қўшимчалар қўшиб айтилади?
4. Тўқ ёки оч ранг тусларини қандай ҳосил қилинади?


3-машқ. Ранг тусларини ҳосил қилиш.

Сариқ, қизил зангори ранг тусларини ҳосил қилишни ўрганилади. Аввал сариқ рангга қизил рангларни оз-оздан қўшиб борилса турли ранг туслари ҳосил бўлади.

Агарда қизил рангга, зангори рангга маълум нисбатда қўшиб борилса турли қизил туслари ҳосил бўлади. Зангори рангга турли рангларни қўшиб борилса турлича зангори туслари ҳосил бўлади.

Учта нақш композицияларни учта ранг туслари асосида бўялади. Модахили, гирих ва ислимий нақшлар бўялади.

□□□□□□□□



Ш. 3. АХРОМАТИК РАНГЛАР.

Биз биламизки, ахроматик ранг грекча туссиз ранг дегани бўлиб. Улар бир-биридан ёрулик кучлари билан фарқ қилади. Ахроматик рангларга оқ, кул ранг ва қора ранглар ҳамда уларни ҳар хил нисбатда аралаштиришдан ҳосил бўладиган барча ранглар туслари ахроматик ранглар дейилади. Спектрда ахроматик ранглар қатшашмайди.

Агар биз картондан доира қирқиб олсак ва уни спектр ранглари тартибида қизил, зарфалдоқ, сариқ, яшил, ҳаво ранг, зангори ранглари, рангларга бўяб чиқиб, ўз ўқи, яъни вентилятор ўқиға ўрнатиб ўз ўқи атрофида тез айлантурсак умумий кўринишдаги кул ранг тунини кузатамиз. Яна худди шу усулда учта асосий ранглар қизил, сариқ ва зангори рангларни айлантирганимизда эса янада ёруроқ бўлган оч кул ранг ҳосил бўлади. Шу етти рангни палитрада аралаштириб курсак қорамтир тусдаги курымсиз аралашма ҳосил бўлади.

Ахроматик рангларнинг хроматик ранглардан фарқи шуки, улар танламай ютиш ва қайтариш хоссаларига эга. Ахроматик ранглардан бошқа барча ранглар яъни бирор ранг тусига эга бўлган ранглар ҳолати рангларга киради.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Спектр ранглар, хроматик ранг.

САВОЛЛАР:

1. Ахроматик термини нима маънони билдиради?
2. Ахроматик рангларга нима киради?
3. Спектрда ахроматик ранглар қатнашади?

4-машқ. Ахроматик ранглар ва уларни ҳосил қилиш.

Бу машқда талабаларни ахроматик рангларни ўрганишлари назарда тутилган. Улар ахроматик рангларни ўрганиш билан биргаликда бўёқларни бир миқдорда қўшиб оқартириш ва тўқартириш йўллариини ўрганадилар. Бўяш малакаларини ошириш учун қўлай омил ҳисобланади. Унта 4 x 4 см.ли тўртбурчак икки қатор қилиб чизилади ва уларни ичига бирор, эгри шакл танланади ва чизилади. Биринчи қатордаги биринчи тўртбурчакни оқ рангга бўялади кейин унга бир томчи қора бўёқ (гуашь) қўшилади ва ёнидагиси

бўялади. Унга яна бир томчи қора қўшилади ва иккинчи шакл бўялади, бу ҳолат шу тариқа давом этади. Охирги шакл эса қора рангга бўялади, ана шунда энг биринчи шакл оқ, энг охиргиси қора бўлади ва уларнинг орасидаги ранглар кул ранг деб аталади. Буларнинг ҳаммаси ахроматик ранг дейилади.

III. 4. ИЛИҚ ВА СОВУҚ РАНГЛАР

Табиатдаги мавжуд рангларни яна ўз навбатида илиқ ва совуқ рангларга ажратиш мумкин. Рангларнинг бу хусусиятлари ҳам уларнинг асосий хоссаларидан биридир.

Илиқ рангларга қуёшни, алангани, темирнинг тафтини эслатувчи сариқ, зарғалдоқ, қизил сарғиш, яшил каби ранглар киради. Илиқ рангларнинг асосий хоссаларидан бири шуки, улар кўзга тез ташланади, ҳамда сезги органларига кучли таъсир этади. Барча илиқ ёки очик рангларни шартли равишда буртган ёки актив ранглар деб аташ мумкин. Расмда олдинги планни тасвирлашда кўпинча илиқ ранглардан фойдаланилади. Айрим ҳолларда илиқ рангларни ёқимли деб аташ ҳам мумкин. Совуқ ранглар аксинча, ёқимсиз ранглар деб юритилади. Совуқ рангларга эса муз, сув, осмоннинг рангларини эслатувчи кўкиш яшил, зангори ва бинафша, ҳаво ранг, тўқ яшил, кўкиш қизил ранглар киради. Совуқ ранглар кўпинча оқирликни, хажмдорликни, узоқликни билдирувчи ранглар сифатида қаралади. Илиқ ва совуқ ранглар декоратив безаш ишларида кенг қўлланилади, ҳамда рангли тасвир ишлашда жуда қўл келади. Илиқ ва совуқ рангларнинг фазовий хусусиятларини текширишда 3-а рангли расмдан фойдаланиш мумкин. Бу расмда учта бир хил ўлчамдаги кул ранг, яшил, қизил доиралар тасвирланган. Агар биз шу ранг доираларига диққат билан қарасак даставвал қизил ранг кейин эса яшил ранг ва ниҳоят охирида кул ранг идрок қилинади. Тажрибали рассомлар рангларнинг бу хусусиятларидан орқа планларни тасвирлашда, рангли тасвирдаги бўшлиқларни ифодалашда фойдаланадилар.

5-машқ. Илиқ ва совуқ ранглар

Машқдан асосий кўзда тутилган мақсад талабаларга рангшуносликни асосий қисмларидан бири бўлган илиқ ва совуқ рангларни назарий қисмини шаклланишига ва амалий малакаларини оширишдир, ўз навбатида илиқ ва совуқ рангларни ўрганган талабага санъатнинг барча қирраларини ўрганишда қўл келади. Илиқ ранглар: ўтқи, қизиган жисмларни, қуёшни эслатувчи сариқ, тўқ сариқ, сарғиш, зарғалдоқ, қизил ва бошқа ранглар. Илиқ рангларни машқ қилиш учун бир қанча тўғри тўртбурчак шаклларида чизиб олинади. Сўнг ҳар бир каток ичига наққошликда кенг қўлланадиган содда барглардан чизиб чиқилади. Чизилган баргларни илиқ рангларга бўлиб чиқилади. Ҳамма барглар бир хил рангда бўлмайди, балки, кўпгина илиқ рангларга бўялади.

Совуқ ранглар: музғи, қорғи эслатувчи ҳаво ранг занғори, кўкиш яшил, тўқ бинафша каби ранглар. Совуқ рангларни машқ қилишлик учун бир қанча тўғри тўртбурчак шаклларида чизиб олинади. Сўнг ҳар бир катак ичига наққошликда кенг қўлланиладиган содда барглардан чизиб чиқилади. Чизилган баргларни совуқ рангларга бўяб чизилади. Ҳамма барглар бир хил рангда бўлмайди, балки кўпгина совуқ рангларга бўялади.

2-машқда эса оддий ислимий геометрик гулли гирих нақш композицияларни чизиб илиқ ва совуқ ранглар асосида бўялади ва уларга пардоз берилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Совуқ ранглар, илиқ ранглар, кўкиш.

САВОЛЛАР:

1. Қандай ранглар илиқ ранглар сирасига киради?
2. Совуқ рангларнинг номларини айтиб беринг.
3. Илиқ ва совуқ ранг тусларини ўзаро аралаштириш мумкинми?
4. Илиқ ва совуқ ранг туслари ёрдамида, нақш композициясида қандай ранглар мухитини ҳосил қилиш мумкин?

III. 5. РАНГЛАРНИ ОЧЛАНИШИ (ОЧ ТЎҚЛИГИ)

Рангшуносликда рангларни яхши хис қилиш ва уларни оч-тўқлигини ажрата олиш муҳим ўрин тутди. Бўнинг учун рангларни очланиши ҳақида назарий ва амалий билим, куникма ва малакаларга эга бўлиш лозим.

Нақш композициялар ишлашда рангларни оч тўқлигини тўқри танлаб ишлатиш, ишни мукамал чиқишига олиб келади. Бўёқларга оқ ранг қўшишда тенг миқдорда қўшишлик тавсия қилинади. Бу эса ишимизни аниқ бўлишини таъминлайди.

2-машқда эса модахили ва нақш композицияларни битта рангларни фақат очлаштириш натижасида бўялади.

Бу машқдаги талабалар рангларни аста-секин бир хил меъёрида очланишини ўрганадилар. Наққошликда бу машқ талабаларга едирма усулидаги нақшларни бажаришда жуда фойдалидир. Бу машқни бажариш учун қоқоз бетига 5x5 см.ли ўн иккита тўртбурчак икки қатор қилиб чизилади. Сўнг ҳар бир тўртбурчак ичига наққошликдаги гул элементидан бирортаси чизилади. Сўнг бир қатор қизил, иккинчиси яшил, учинчи қатор бинафша рангларнинг очланиши машқ қилинади. Биринчи қатордаги биринчи гулни қизил рангга бўяймиз. Сўнг у қизил рангга озгина оқ ранг қўшилади ва иккинчи гулни бўялади, қолган бўёқга яна озгина оқ ранг қўшилади ва учинчи гул элементи бўялади ва нихоят яна орган бўёқга озгина оқ ранг қўшиб охириги гул элементи бўялади, қолган иккин ва учинчи қатор ҳам худди шундай амалга оширилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Бинафша ранг, оч-тўқлиги.

САВОЛЛАР:

1. Рангларни оч-тўқлиги деганда нимани тушунаси?
2. Рангларни очланиш машқи нима учун керак?
3. Рангларни оч-тўқлигини яхши ўрганиш учун нима ишлар қилиш керак?

III. 6. БИР РАНГНИНГ, ИККИНЧИ РАНГДАН ОЧ-ТЎҚЛИГИНИ ФАРҚЛАНИШИ

Нақш композицияларни мукаммал чиқишида бир рангнинг иккинчи рангларни оч-тўқлигини фарқлаш муҳим ўрин тутди. Бу масала рангшуносликда ўзига хос билим ва куникма талаб этади. Икки рангни оч-тўқлигини фарқлашда бир ранг билан иккинчи ранг олдига ҳам қўйиб курилади ва фарқлаш анча осон бўлади.

6-машқ. Рангларнинг оч-тўқлигини фарқланиши.

Бў машқдан асосий кўзланган мақсад рангларнинг оч-тўқлигини фарқланишини ўрганишдир. Бу машқ асосан наққошликда кўп қўлланилади. Бирор бир рангнинг оч-тўқлигини ҳисобга олган ҳолда иккинчи рангни оч-тўқлигини ҳисобга олмоқ лозим. Бу машқни бажариш учун қоғоз варағига 5x5 см.ли ўнта тўртбўрчак икки қатор қилиб чизилади ва ҳар бир қатак ичига бирор нақш элементини чизилади. Кейин биринчи қатордаги элементларни фақат оч ранглар – оч сарик, ним пушти, ним ҳаво ранг, оч пистоқи, оч бинафша рангли бўёқлар билан қопланг. Иккинчи қатордаги элементларни жигар ранг, олча қизил, кўкмош ранг, тўқ бинафша рангли бўёқлар билан қопланг. Биринчи қатордаги рангларнинг оч-тўқлиги бир-бирига жуда яқин, ўхшаш, улар ҳаммаси оч тусга эга. Иккинчи қатордаги рангларнинг ҳам оч тўқлик даражаси яқин, яъни улар ҳаммаси тўқ тусдаги ранглар. Агар ҳар иккала қатордаги ранглардан битта-битта олиб қаралса, уларнинг бир-биридан кескин фарқ қилишини кураимиз, яъни уларнинг оч-тўқлиги бир-бирига зид, контраст ҳолатда бўлади. Бир-бирига контрастдаги энг кучли даражада билинадиган ранглар оқ ва қора ранглардир.

2-машқда нақш композицияси чизиб уни рангларни оч-тўқлигини фарқлашни ўрганилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Рангларни оч-тўқлиги, олча қизил, мош ранг, тўқ бинафша, ним ҳаво ранг.

САВОЛЛАР:

1. Бир рангнинг иккинчи рангнинг оч-тўқлигини фарқланиши деганда нимани тушунаси?

2. Оч-тўқлигини пухта ўрганиш учун қанақа машқлар бажариш керак?

III. 7. ҚЎШИМЧА РАНГЛАР

Қўшимча ранглар қандай ҳосил қилинади? Маълумки, тасвирий санъатда учта - қизил, сариқ ва зангори ранг асосий ранглар ҳисобланади ва қолган барча ранглар қўшимча ранглар ҳисобланади. Одатда "Ранглар ҳалқаси"да эса 12 хил ранг ифодаланади. Булар - сариқ, лимонли сариқ, қизил, қирмизи, зангори, кўк ҳаво ранг, зарғалдоқ, яшил, зумрад ранг, бинафша, савсан ранг.

Энди бошқа қўшимча рангларнинг номлари борасида сўз юритамиз. Шунини алоҳида айтиб ўтиш лозимки, аниқ ранг тусларига нисбатан қўшимча ранг туслари кўпроқдир. Ҳар бир рангнинг учта асосий номлари мавжуд. Масалан, қизил ранг яна оч ва тўқ тусларда бўлади, қолган ранглар ҳам ана шундай учта асосий ранг тусларидан иборат. Шунга кўра "Ранглар ҳалқаси"даги 12 хил ранг учта туслари қўшиб ҳисобланса №: та номга эга бўлади. Шулардан 24 таси қўшимча ранг туслари ҳисобланади, қуйида биз ана шундай йўл билан ҳосил бўладиган ранг номларининг рўйхатини кўриб чиқамиз.

Ранг туслари ва унинг номлари

1.Оч бодом ранг	33.Пушти қизил	65.Тўқ баргикарам
2.Бодом ранг	34.Оч пушти қизил	66.Сабза ранг
3.Тўқ бодом ранг	35.Тўқ пушти қизил	67.Яшил
4.Оч пистоли	36.Савсан ранг	68.Оч яшил
5.Пистоли	37.Оч савсан ранг	69.Тўқ яшил
6.Тўқ пистоли	38.Тўқ савсан ранг	70.Мош ранг
7.Сариқ	39.Бинафша	71.Малла
8.Оч сариқ	40.Оч бинафша	72.Тўқ малла
9.Тўқ сариқ	41.Тўқ бинафша	73.Жигар ранг
10.Лимонли сариқ	42.Ҳаво ранг	74.Оч жигар ранг
11.Оч тилла ранг сариқ	43.Оч ҳаво ранг	75.Тўқ жигар ранг
12.Тилла ранг сариқ	44.Тўқ ҳаво ранг	76.Қизилиш жигар ранг
13.Тўқ тилла ранг сариқ	45.Мовий ранг	77.Қора
14.Қовоқ ранг	46.Оч мовий ранг	78.Кул ранг
15.Оч қовоқ ранг	47.Тўқ мовий ранг	79.Оқ ранг
16.Тўқ қовоқ ранг	48.Зангори	80.Садаф ранг
17.Зарғалдоқ	49.Оч зангори	81.Қаймоқ ранг
18.Оч зарғалдоқ	50.Тўқ зангори	82.Кумуш ранг

19.Тўқ зарҗалдоқ	51.Кўнҗир ранг	83.Оч кумуш ранг
20.Қизил	52.Оч кўнҗир ранг	84.Тўқ кумуш ранг
21.Оч қизил	53.Тўқ кўнғир ранг	85.Биллур ранг
22.Тўқ қизил	54.Зумрад ранг	86.Новвот ранг
23.Қирмизи	55.Оч зумрад ранг	87.Оч новвот ранг
24.Оч қирмизи	56.Тўқ зумрад ранг	88.Тўқ новвот ранг
25.Тўқ қирмизи	57.Зайнови	89.Кўкиш кул ранг
26.Алвон ранг	58.Оч зайнови	90.Қизғиш кул ранг
27.Бика	59.Тўқ зайнови	91.Оқиш кул ранг
28.Оч бика	60.Тўтаки	92.Оқиш
29.Тўқ бика	61.Оч тўтаки	93.Сарғиш оқ
30.Пушти	62.Тўқ тўтаки	94.Кўкиш оқ
31.Оч пушти	63.Баргимкарам	95.Қизҗиш оқ
32.Тўқ пушти	64.Оч баргикарам	96.Ним оқ
97.Садаф ранг	101.Оч кумуш ранг	105.Тўқ яшилтоб
98.Сут ранг	102.Тўқ кумуш ранг	106.Сиёҳ ранг
99.Қаймоқ ранг	103.Яшилтоб	107.Оч сиёҳ ранг
100.Кумуш ранг	104.Оч яшилтоб	108.Тўқ сиёҳ ранг

Кейинчалик асосан кўшимча ранг қонуниятлари билан танишилади. Бунда хроматик рангларнинг бир-бирига мос тушадиган тусларини аралаштириб тониш назарда тутилади. Шунингдек чиройли тусдаги ранглардан ташқари хунук тусдаги аралашмаларнинг қандай ранглардан ҳосил бўлишини ҳам билиш лозим. Масалан, сариқ ва қизил аралаштирилса, чиройли тусдаги зарҗалдоқ ранг ҳосил бўлади, қизилни яшил билан, зангорини зарҗалдоқ билан аралаштирилганда эса аксинча хунук тус ҳосил бўлади ва хоказо. Бу хилдаги рангларни аралаштиришдан қандай ранг туслари ҳосил бўлишини талабаларнинг ўзлари мустаққил равишда бажариб кўришлари лозимлиги тавсия этилди. Мазкур машқлар жараёнида талабалар керакли ранг тусларини ҳосил қилишда қайси ранглардан фойдаланиш усуллари ҳам ўзлаштириб бордилар.

Талабалар мазкур ранг тусларининг нормаларини билишлари ва кўрсатилган ранг туслари асосида номларини тўғри айта оладиган бўлишлари лозим. Бу номларни эслаб қолишлари учун талабаларга кўшимча машқлар бажартириш керак бўлади. Талабалар мазкур машқни бажариш жараёнида ранг туслари ва уларнинг номларини ўзлаштириб оладилар.

Кўплаб топиладиган ранглар аралаштириш йўли билан ҳосил қилинади. Бунинг учун дастлабки машқларни акварель, гуашь ёки темпералар наборидаги тайёр бўёқларни кўшиб топишдан бошлаш лозим. Чунки, наборларда асосан тиниқ кўринишдаги ранг туслари мавжуд бўлади ва улар ўзаро аралаштирилганда ҳам тиниқ кўшимча ранг туслари ҳосил бўлади.

Шунингдек талабалар мазкур тайёр ранг тусларини аралаштириш жараёнида унинг туслари нақадар хилма-хил эканлигини ҳам кўзатиб борадилар ва улардан кейинчалик ўзларининг мустақил ишларида фойдаланадиган бўладилар. Бундай ишларни машқ қилиб кўриш учун.

1-жадвал баъзи бир мисоллар кўрсатилганган бўлиб, талабалар улар асосида топшириқни бажарадилар.

1-жадвал

Кўпроқ	Камроқ	Ҳосил бўлган аралашма
1	2	3
Зангори	Сарик	Тўтаки
Ҳаво ранг	Сарик	Яшил
Қизил	Сарик	Зарфалдоқ
Сарик	Қизил	Оч зарфалдоқ
Сарик	Ҳаво ранг	Сарғиш яшил
Қизил	Зангори	Бинафша

Ранг туслари ва унинг номлари

1	Оч бодом ранг	48	Зангори
2	Бодом ранг	49	Оч зангори
3	Тўқ бодом ранг	50	Тўқ зангори
4	Оч пистоқи	51	Қўнйир ранг
5	Пистоқи	52	Оч қўнйир ранг
6	Тўқ пистоқи	53	Тўқ қўнйир ранг
7	Сарик	54	Зумрад ранг
8	Оч сарик	55	Оч зумрад ранг
9	Тўқ сарик	56	Тўқ зумрад ранг
10	Лимонли сарик	57	Зайнови
11	Оч тилла ранг сарик	58	Оч зайнови
12	Тилла ранг сарик	59	Тўқ зайнови
13	Тўқ тилла ранг сарик	60	Тўтаки
14	Қовоқ ранг	61	Оч тўтаки
15	Оч қовоқ ранг	62	Тўқ тўтаки
16	Тўқ қовоқ ранг	63	Баргикарам
17	Зарфалдоқ	64	Оч баргикарам
18	Оч зарфалдоқ	65	Тўқ баргикарам
19	Тўқ зарфалдоқ	66	Сабза ранг
20	Қизил	67	Яшил

21	Оч қизил	68	Оч яшил
22	Тўқ қизил	69	Тўқ яшил
23	Қирмизи	70	Мош ранг
24	Оч қирмизи	71	Малла
25	Тўқ қирмизи	72	Тўқ малла
26	Алвон ранг	73	Оч малла
27	Бика	74	Жигар ранг
28	Оч бика	75	Оч жигар ранг
29	Тўқ бика	76	Тўқ жигар ранг
30	Пушти	77	ҚизИш жигар ранг
31	Оч пушти	78	Қора
32	Тўқ пушти	79	Кул ранг
33	Пушти қизил	80	Оқ ранг
34	Оч пушти қизил	81	Садаф ранг
35	Тўқ пушти қизил	82	Қаймоқ ранг
36	Савсанг ранг	83	Кумуш ранг
37	Оч савсанг ранг	84	Оч кумуш ранг
38	Тўқ савсанг ранг	85	Тўқ кумуш ранг
39	Бинафша	86	Биллур ранг
40	Оч бинафша	87	Новвот ранг
41	Тўқ бинафша	88	Оч новвот ранг
42	Ҳаво ранг	89	Тўқ новвот ранг
43	Оч ҳаво ранг	90	Кўкиш кул ранг
44	Тўқ ҳаво ранг	91	ҚизИш кул ранг
45	Мовий ранг	92	Оқиш кул ранг
46	Оч мовий ранг	93	Оқиш
47	Тўқ мовий ранг	94	СарИш оқ
48	Кўкиш оқ	95	ҚизИш ранг
49	Ним оқ	96	Садаф ранг
50	Сут ранг	97	Қаймоқ ранг
51	Кумуш ранг	98	Оч кумуш ранг
52	Тўқ кумуш ранг	99	Яшилтаб
53	Оч яшилтаб	100	Тўқ яшилтаб
54	Сиёҳ ранг	101	Оч сиёҳ ранг
55	Тўқ сиёҳ ранг		

6-машқ. Қўшимча ранглар

Бу машқда асосий кўзланган мақсад талабаларда қўшимча рангларни ҳосил қилишдир ва уларнинг рангшуносликнинг баъзи қарорларини яхши тушунишдир. Бу машқда зарфалдоқ яшил, бинафша рангларни қандай тайёрлаш ва уни ўрганиб амалда синаш назарда тутилган. Бу машқдан яна бир кўзланган мақсад, талабаларни бўяш шакллари, ранг тайёрлаш шакллари оширишдир. Учта 4 х 4 см.ли тўртбурчак чизиб уларни ичига бирор гул ёки барг элементини чизилади. Биринчи элементни қизил ва сариқ бўёқларни аралашмаси бўлган зарфалдоқ ранг билан иккинчисини сариқ ва кўк бўёқларнинг аралашмаси бўлган яшил ранг билан учинчисини эса кўк ва қизил бўёқларнинг аралашмаси бўлган бинафша ранглар билан бўялади.

2-машқда нақш композиция чизиб уни қўшимча ранглар асосида бўяш.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Баргикарам, Малла, Бика, Лимонли сариқ.

САВОЛЛАР:

1. Қўшимча ранглар деганда нимани тушунаси?
2. Қўшимча ранг туслари қандай ҳосил қилинади?
3. Қўшимча ранг тусларида ҳам оч ва тўқ туслар мавжудми?
4. Асосий рангларнинг номларини айтинг.
5. Қўшимча ранглардан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?

III. 8. КОНТРАСТ РАНГЛАР

Тусларини ҳосил қилишда рангларнинг бу хусусияти муҳим аҳамиятга эгадир. Контраст ранглар ҳосил бўлишини қора фонга жойлаштирилган доира шаклидаги ранг доғчасида яққол кузатиш мумкин. Бунда айрим ранг туслари ўта ёрқин, айримлари эса гўё бўйилиб қолганга ўхшаб кўринади.

Контраст рангларни бир-биридан фарқлашда кўзнинг сезгирлик қобилияти муҳимдир. Сунъий ёруғлик нурлари остида ранг тусларини кузатганимизда бир-бирига ўхшамаган боғлиқликни кўришимиз мумкин. Масалан, электр чироғи ёруғида сариқ ранглар оқариб, зангори ранглар яшилтоб бўлиб кўринади, қизил ранг эса зарғалдоқ ўхшаб кетади. Жигар ранглар қизилиш, баъзан сариқлиш бўлиб кўринади.

Ранглар ҳалқаси тўғрисида сўз борганда кўпгина қўлланмаларда ҳар бир рангнинг контрасти, яъни қарама-қарши ранги унинг пастки томонида, тўғрисида унинг қаршисида турган ранг туси ҳисобланади. Лекин бундай контрастликнинг бир қанча ҳолатлари мавжуд бўлиб, қуйида ана шуларга оид фикрлар кўрсатилган. Табиатда учрайдиган ҳар қандай ранг туслари ўзини ўраб турган фон таъсири остида ёруғлик кучини ўзгартириши мумкин. Бунда асосан фоннинг (яъни тарангнинг) ахроматик ёки хроматик ранг тусларидан бирортасига бўялганлигининг аҳамияти каттадир. Чунки, ахроматик ранг тусларидан бўлган қора ва кул ранг юзаларда баъзи бир бўёқларнинг таъсирчанлик кучи камаёди. Масалан, қора рангли юзада тўқ зангори, тўқ қизил, тўқ жигар ранг, қўнғир ранглар қорамтир бўлиб кўринади. Худди шу рангларнинг ўзини оқ рангли юзага жойлаштириб қараганимизда эса аксинча мазкур ранглар қора юзадагига нисбатан тўқлашган ҳоллари ҳам ўчраб туради. Масалан, сариқ, оч ҳаво ранглар ва бир қанча ранг туслари ана шундай характерга эгадир. Сариқ ва оч ҳаво ранглар қора фонда оқ юзадагига нисбатан анча тўқроқ бўлиб кўринади.

Теварак атрофдаги ранг туслари таъсири остида бўёқ тусларининг ўзгариши хроматик қарама-қаршилик дейилади. Барча хроматик ранглар ҳам ахроматик ранглар каби ўз тусларини ташқи таъсир остида ўзгартириши, яъни янада тўқлашиши ёки очлашини, тўйинган ёки туйинмаган бўлиб кўриниши мумкин. Ана шулар таъсири остида ранг тусларини биз турлича идрок этамиз.

Шунингдек, кул ранг зангори фонда сариқлиш, қизил фонда яшилтоб, яшил фонда эса қирмизи тусларга эга бўлади. Борди-ю қизил рангли нарсани яшил рангли муҳитга жойлаштирадиган бўлсак унинг туси янада тиниқроқ, туйинганроқ, ўз рангига нисбатан янада қизилроқ тарзда идрок қилинади. Худди шу қизил рангли предметни зангори муҳитига жойлаштирадиган бўлсак унинг туси бинафша рангга ўхшаб кўринади. Рангларнинг бу ҳилдаги ўзгаришларига сабаб ҳар иккала рангдан қайтаётган ёруғлик нурларининг кўзимизга аралашиб кўринишидир. Баъзан роматик юзаларда айрим ранг тусларининг "бўйилиб" қолганлигини кўраемиз. Бу ҳолга хроматик қарама-қаршилик дейилади. Хроматик қарама-қаршиликлар асосан бир ранг иккинчи бир ранг олдида очилиб, равшанлашганда, кўзга ёқимли ташланганда яққол намоён бўлади. Масалан, сариқ ранг тўқ ҳаво ранг олдида янада равшанроқ

бўлиб кўринади. Қизил ва зангори рангларда ҳам айнан шу ҳолни кузатиш мумкин. Демак бошқа рангли юзаларга қўйилган ранг доʼлари ўз тусларини анча ўзгартирар эканлар. Масалан, илиқ ранг туслари гўё совуқ рангли юзаларда "совийди". Совуқ ранглар эса илиқ рангли фонда гўё "илиган"дек таассурот қолдиради.

Ранглар контрастида учрайдиган яна бир хусусият бу чегара қарама-қаршиликлари бўлиб, кўпроқ ахроматик рангларда кузатиш мумкин. Агарда 2x12 см ўлчамдаги йўл тўртга бўлиниб, ҳар бир бўлак маълум тартибда бўяб чиқилса (мас. 1 катак бир марта, 2 катак икки марта ва х.қ.) тўртбурчакларнинг чегаралари тўташган жойда ранг тусларининг тўқлашиб кўринишининг гувоҳи бўламиз. Хроматик рангларда эса чегара қарама-қаршилиги бошқачароқ намоён бўлади. Унда у ёки бу ранг туси бошқасига нисбатан тўқлашгандек кўринади.

7-машқ. Контраст ранглар

Талабалар бу машқ ёрдамида ўзларида контраст рангларни қандай бўлишлигини ўрганадилар. Санъатнинг ҳар бир тўрини ўрганишда контраст рангларнинг алоҳида ўрни бор. Бу эса наққошликда эса ўзининг ўрнини топди. Контраст бу - бирор ранг тусининг у билан ёнма-ён турган ранг туси таъсирида ўзгариши.

Масалан: қизил билан яшил.

Сариқ билан кўк.

Зангори билан зарғалдоқ ва кўк.

1. Контраст рангларни машқ қилишликда аввал 3-4 та ёнма-ён бир хил шакл танлаб чизилади ва бу шакл тенг иккига қаламда бўлиб ажратилади. Тайёр иккига бўлинган шаклни бир тарафини қизил иккинчи тарафини яшил рангга бўйямиз. Худди шундай бошқа шаклларни бўялади. Сариқ билан кўкни, зарғалдоқ билан зангори ранглар бўялади.

2. Контраст рангларни машқ қилишликда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш. Тўртбурчак шакли чизилади ва уни ичига эгри чизик ёрдамида бирор шакл чизилади ва уни эгри чизик ёрдамида иккига ажратилади. Сўнгра бу шакллардан 3-4 та чизиб контраст рангларга бўялади. Контраст ранглар асосида нақш ҳам чизиш мумкин. Меъморчиликда бадиий безак ишларида жуда кўп ишлатилади. 2-машқда контраст ранглар асосида турли яъни ислимий, геометрик каби нақш композициялар тузилади ва бўялади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Контраст, бинафша, қарама-қаршилик.

САВОЛЛАР:

1. Ранг контрасти нима?
2. Ундан қайси ўринларда фойдаланиш мумкин?
3. “Ранглар ҳалқаси”да контраст ранглар қандай аниқланади?
4. Наққошликда контраст ранглар қандай аҳамиятга эга?

Рангларни тўйинтириш

Ранг тўйинганлик деганда, ранг тусининг ёрқинлиги бўйича ўзига тенг келадиган кул рангни ўз ранг тусини сақлаган ҳолда кўп ёки кам миқдорда сингдириш қобилиятидир. Нақш композиция ишларида ранг тўйинганлигини яхши билиш, ишни мукаммал чиқишига олиб келади.

8-машқ. Рангларни тўйинтириш

Рангларни тўйинтиришдаги асосий мақсад бу рангларнинг тўйинганлигини фарқларини ажратишдир. Улар қайси шаклдаги бўёқ тўйинган ёки тўйинмаганлигини билдиради. Шунингдек ҳар бир машқни бажаришимиз учун бу машқни яхшилаб ўрганиш лозим. Бирон-бир бўёқ эритмасини (қизил ёки кўк) олиб, унга бир томчидан сув қўшиб борилса, ранг аста оқаради, қора бўёқ эритмаси қўшиб бўялганда, эса аста тўқлашади. Аммо ҳар иккала ҳолда ҳам ранг ўзининг тозаллигини, очиқлигини йўқотади. Бу машқни бажариш ихтиёрий шакл танланади ва ажратилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Композиция, тўйинганлик.

САВОЛАР:

1. Ранг тўйинганлиги деганда нимани тушунасиш?
2. Ранг тўйинганлигини ўрганиш учун қанақа машқларни бажариш керак?
3. Рангларни тўйинганлик даражаси қанақа аниқланади?

III. 9. ИЛИҚ РАНГЛАРИНИ СОВУҚ РАНГ ТУСИГА ВА СОВУҚ РАНГЛАРНИ ИЛИҚ РАНГ ТУСИГА ЎТИШИ

Илиқ рангларини совуқ ранг тусига ва совуқ рангларни илиқ ранг тусига ўтиши ўзига хос бир қанча назарий ҳам амалий машқлар бажариб ўрганишни талаб этади. Илиқ рангга совуқ рангни қўшиб борилса бора-бора илиқ ранг туси совуқ ранг тусига ўтади. Аксинча, совуқ рангга илиқ рангни қўшиб борилса бўёқ ранги совуқ ранг тусига айланади. Ҳосил бўладиган ҳар бир ранг туси ўзгача номлар билан юритилади.

9-машқ. Илиқ рангларини совуқ ранг тусига ва совуқ рангларни илиқ ранг тусига ўтиши

Бирор бир рангдан иккинчи рангга ўтишлик учун бошқа рангли бўёқ тайёрлаш лозим бўлади. Бу бўёқларни ёки бир-бирларини рангини ажратиш осон иш эмас. Илиқ рангларни совуқ ранг тусига ўтишлигида биринчи бўлиб бирор шаклдан 3-4 та бир хил қилиб чизиб оламиз. Сўнгра энг биринчи шаклни сариқ (илиқ) рангга бўяймиз. Шакл бўлгандан Сўнг худди шу сариқ рангга озгина кўк (совуқ) рангни қўшиб аралаштирамиз. Ҳосил бўлган ранг билан иккинчи шаклни бўяймиз. Сўнгра иккинчи рангнинг устига яна кўк рангдан озгина қўшамиз ва бу ҳосил бўлган учинчи шаклни бўяймиз. Худди шундай учинчи рангга яна кўк ранг қўшамиз ва натижада тўқ яшил (совуқ) ранг ҳосил бўлади ва бу ранг билан охирги тўртинчи шакл бўялади. Натижада илиқ рангни совуқ ранг тусига ўтишлиги ҳосил бўлади. Совуқ рангларни илиқ ранг тусига ўтишлигида биринчи бўлиб негаки бирор шаклда 3-4 та бир хил қилиб чизиб оламиз. Сўнгра энг биринчи шаклни кўк (совуқ) рангга бўяймиз. Шакл бўлгандан Сўнг худди шу кўк рангга озгина сарғиш зарғалдоқ рангни қўшиб аралаштирамиз. Ҳосил бўлган ранг билан иккинчи шаклни бўяймиз. Сўнгра иккинчи рангнинг устига яна сарғиш зарғалдоқ рангидан озгина қўшамиз ва бу ҳосил бўлган ранг билан учинчи шаклни бўяймиз. Худди шундай учинчи рангга яна сарғиш зарғалдоқ рангидан қўшамиз ва натижада сарғиш шубра (илиқ) ранг ҳосил бўлади ва бу ранг билан охирги тўртинчи шакл бўялади. Натижада илиқ рангни совуқ ранг тусига ўтишлиги ҳосил бўлади. Совуқ рангларни илиқ ранг тусига ўтишлигида биринчи бўлиб негаки бирор шаклда 3-4 та бир хил қилиб чизиб оламиз. Сўнгра энг биринчи шаклни кўк (совуқ) рангга бўяймиз. Шакл бўлгандан сўнг худди шу кўк рангга озгина сарғиш зарғалдоқ рангни қўшиб аралаштирамиз. Ҳосил бўлган ранг билан иккинчи шаклни бўяймиз. Сўнгра иккинчи рангнинг устига яна сарғиш зарғалдоқ рангидан озгина қўшамиз ва бу ҳосил бўлган ранг билан учинчи шаклни бўяймиз. Худди шундай учинчи рангга яна сарғиш зарғалдоқ рангидан қўшамиз ва натижада сарғиш шубра (илиқ) ранг ҳосил бўлади ва бу ранг

билан оҳирги тўртинчи шакл бўялади. Натижада совуқ рангни илиқ тусига ўтишлиги ҳосил бўлади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Ранг туси, совуқ ранг, ҳосила ранг.

САВОЛЛАР:

1. Илиқ ранг совуқ рангга қанақа ўтказилади?
2. Мавзу бўйича қанақа машқ ўтказилади?
3. Совуқ ранг қанақа илиқ рангга ўтади?

III. 9. ЎЗАРО ТЎЛДИРУВЧИ РАНГЛАР

Тўлдирувчи ранг деганда иккита ранг аралашмасининг натижаси: маълум миқдорда аралаштирилганда ахроматик ранг ҳосил қиладиган иккита хроматик ранг. Тўлдирувчи ранг тусидан қўшимча ранг туслари ҳосил бўлмайди.

10-машқ. Ўзаро тўлдирувчи ранглар

Машқнинг асосий мақсади, талабаларнинг ўзаро тўлдирувчи рангларга бўлган билимларини оширишдир. Бу машқ ёрдамида талаба наққошлик дарсларида нақшларнинг жозибали чиқишини таъминлайдилар. Илик ранглар ҳам совуқ ранглар ҳам, ўзаро яқин ва ўхшаш бўлади. Ранглар доирасида бир-бирининг қаршисида жойлашган ранглар – тўқ қизил ва яшил, зангори ва зарфалдоқ, бинафша ва оч сариқ рангларнинг бири иссиқ, иккинчиси совуқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдирувчи ранглар ҳисобланади. Бу жуфт ранглар тасвирда ёнма-ён қўйилганда, бири иккинчиси тўлдиради ва натижада иккаласи ҳам ёрқин кўринади. Лекин худди шу рангдаги бўёқларни аралаштириш мумкин эмас. Шунга ўхшаш машқларда яна бир нечтасини бажариб кўриш ва рангларнинг хоссаларини амалда синаш фойдалидир.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Тўлдирувчи ранг, қўшимча ранг, жуфт ранглар.

САВОЛЛАР:

1. Ўзаро тўлдирувчи ранглар деганда нимани тушунаси?
2. Ўзаро тўлдирувчи рангларга қайси ранглар киради?
3. Ўзаро тўлдирувчи рангларни ўрганиш бўйича қанақа машқлар бажарилади?

IV-БОБ. НАҚШ КОМПОЗИЦИЯ ВА БУЮМЛАРНИ БЎЯШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

IV. 1. ХАЛҚ УСТАЛАРИНИНГ ИШЛАРИДАН НУСХАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Қадимдан наққошлик ҳунари уста-шогирд анъаналари асосида ўргатиб келиниб ҳозирда ҳам ушбу анъаналар давом этиб келмоқда. Усталаримизнинг наққошлик ҳунарини ўргатишда шогирдларни шу ҳунарга психологик тайёрлаганлар кейин эса дастлабки ҳунар сирларини ўргата бошлаганди. Шогирд дастлабки ўрганиш давомида наққошлик сир-асрорларни янада чуқурроқ ўрганиш учун бошқа наққошлар ёки турли наққошлик мактаб намондалари ишларидан нусхалар олганлар. Нусха олиш жараёнида шогирдлар маълум қонун-қоидаларга эътибор бериш керак бўлган.

Ҳозирда ҳам биз халқ усталарни ишларидан нусхалар олиш йўл-йўриқларга асосан иш олиб борилиб ўрганамиз.

Халқ усталарни ишларидан нусхалар олиш қуйидаги жойлардан олиб ўрганилади:

1. Китоб ва альбомлардан.
2. Плакатлардан.
3. Усталарнинг асл нусхаларидан.
4. Меъморчилик ёдгорликларга бориб олиш.
5. Слайд, фото, видеофильмлардан ва компьютердан нусхалар олиш мумкин.

Нусхалар олиш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

1. Ишлатиладиган қоғоз ёки бирор юзани тўғри танлаш.
2. Композицияни обдон таҳлил қилиш ҳамда тақсимини аниқ топиш.
3. Нисбийликка эътибор бериш.
4. Чизиқларни равлонлиги қалин ва ингичкалигига.
5. Рангларни аниқ танлашга.
6. Ўз – калоритига амал қилиш.
7. Композицияда ортиқча элементлар қўшмаслик.
8. Бўёқлардан тўғри фойдаланиш кабиларга эътибор бериш зарур.

Нусха олиш жараёнида акварель, гуашь, темпера ва мой бўёқлардан фойдаланиш мумкин. Бу бўёқларни ўз ўринда ишлатиш зарур. Нусха олиш жараёнида материалшунослик фанидан олинган тажриба қўл келади.

Наққошлик мактаблари Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро мактабларидан нусха олишда ўзига хос ишлаш усуллариغا алоҳида эътибор берилади.

Қуйидаги нақш турларидан нусха олиш мумкин:

1. Ўсимликсимон.
2. Геометрик.
3. Гулли гирих.
4. Рамзий нақшлар.

Булардан ташқари турли усулларида мураккаб бажарилган намуналардан нусхалар олинади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Кундалик техникасида бажарилган нақшлар.
2. Аппликация усулида бажарилган нақшлар.

Ўзбекистондаги наққошлик мактабларидан ташқари чет-эл наққош усталарнинг ишларидан нусхалар олинади. Чет-эл наққош усталарнинг ишларидан нусхалар олиш жараёнида уларни ишлаш технологияси, ранги, композицион тузилиши кабилар ўрганилади. Ўрганилган тажрибаларни ўз нақшларимизда фойдаланишимиз мумкин.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Кундал, аппликация, шогирд, нусха.

САВОЛЛАР:

1. Нусха олиш қадимда қанақа анъаналар асосида ривожланиб келган?
2. Нусха олиш нима учун керак?
3. Нусха олишда нималарга эътибор бериш керак?
4. Халқ усталарни ишларидан нусхаларни қаерлардан олиш мумкин?

IV. 2. НАҚШ КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТУЗИШ ВА РАНГЛАШ COREL DRAW 11 GRAPHICS SUITE ГРАФИК ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Corel Draw 11 профессионал дастури график ишлар учун қулайликлар яратади. Бу дастур график дизайн саҳифаларни ишлаб чиқиш, фото суратларни таҳлил қилиш ва вектор анимацияси борасида кўплаб имкониятларга эга. Дастур сизга ўз композициянгизни яратишда ва уни бажаришда керак бўлган ҳаракатларни бир неча бор қисқартиради. Масалан, янги элементлар: эллипс, тўғри бурчак ва эгри чизиклар орқали **“сичқонча”** тугмасининг икки марта босилиши натижасида сиз керакли ўлчам ва бурилиш бурчагига эришасиз. Шунингдек, қисқа вақт ичида Web анимациясини (саҳифани ҳаракатга келтириш) яратишингиз мумкин.

Шунингдек, нақш композицияларини ранглашда Corel Draw 11 профессионал график дастури анча қулайдир. Унда нақш композициясини турли колоритда ранглаб кўришингиз мумкин. Бу жараёни гирих нақш композициясини ҳосил қилиш ва ранглаш орқали кўриб чиқамиз.

Corel Draw 11 дастурини ишга тушуриш учун унинг ёрлиғи расмини иш столидан топиб, устига **“сичқонча”** кўрсаткичини олиб келинади. Сичқончанинг чап тугмасини икки марта босилади. Агар бу расмчани экрандан топа олмасангиз, қуйида жойлашган масалалар понелидаги **“пуск”** менюси устига **“сичқонча”** ни олиб келиб, чап тугмасини бир марта босилади. Қуйидаги ойна намоён бўлади. (18-расм). Намоён бўлган рўйхатдан **“программы”** қисмини танланг. Ўнг томондаги рўйхатдан Corel Draw 11 қаторини топинг ва устига **“сичқонча”** нинг чап тугмасини бир марта босинг. Бу амалларни бажаргандан сўнг Corel Draw 11 дастури ишга тушади. **“Файл”** менюсидан **“импорт”** буйруғи танланади ва экранда қуйидаги ойна намоён бўлади. (19-расм). Керакли расмни танлаб олиб, уни **“импорт”** қиламиз. Экранда танланган расм, янги гирих композицияси пайдо бўлади. (20-расм).

“Масштаб” тугмачаси орқали гирих нақшининг бир бўлаги катталатириб олинади. (21-расм). Шу бўлакни **“инструмент”** менюсидаги **“свободная рука”** иш қуроли билан чизиб олинади. (22-расм). Чизилган чизиқлар бирикмасини **“редактировать”** менюсидаги **“дублировать”** буйруғи орқали кўпайтириб, кейин уларни бириктириб оламиз. (23-расм). Қуйидаги гирих композицияси ҳосил бўлади. Бириктириш шифт орқали менюдаги **“группа”** тугмаси билан бажарилади. (24-расм). Кейин **“эффект”** менюсидаги **“контур”** очилади. (25-расм) ва **“сдвиг”** га керакли ўлчам қўйилиб, **“принять”** тугмаси босилади. (26-расм).

¹ Ғуломов К. Ашёларга бадиий ишлов бериш. –Т., Билим, 2004, 38-46 бетлар.

Шунда гирих композицияси қалинлиги ҳосил бўлади. (27-расм). Сўнгра **“компоновать”** менюсидаги **“разбить на части”** буйруғи бажарилади. (28-расм) ва ўртадаги чизиқ белгилаб олиб ташланади. Кейин композициянинг четига хошия чизиб, уни **“шифт”** орқали гирихга бириктирилади ва менюдаги **“комбинировать”** тугмаси босилади. (29-расм). Энди хоҳлаган ранг пигментграммаси босилади. Мана гирих композицияси бир усулда рангланади. (30-расм). Ранглашда яна бир усули: объект танланиб, **“шифт”** орқали фон ҳам белгилаб олинади. Менюдаги **“обрезка”** тугмаси босилади. (31-расм). Сўнгра объектни олиб ташлаймиз ва заминни (фонни) белгилаб оламиз. Менюдаги **“разбить на части”** тугмаси босилади. Сўнгра гирихнинг ҳар бир бўлаклари турли рангда бўялади. Нихоят, биз хоҳлаган колоритдаги гирих композицияси ҳосил бўлади. (32-расм).

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Вектор, марта, дизайн.

САВОЛЛАР:

1. Компьютерда композиция чизиш ва бўяшни афзаллиги нимада?
2. Қанака босқичда ранг колерлари танланади?

НАҚШ КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТУЗИШ ВА РАНГЛАШДА COREL DRAW 11 GRAPHICS SUITE ГРАФИК ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Corel Draw 11 прфессонал дастури график ишлар учун куйлайликлар яратади. Бу дастур график дизайн саҳифаларини ишлаб чиқиш, фото-суратларни таҳлил қилиш ва вектор аниматсияси борасида кўплаб имкониятларга эга. Дастур сизга ўз композициянгизни яратишда ва уни бажаришда керак бўлган ҳаракатларни бир неча бор қисқартиради. Масалан, янги элементлар: эллипс, тўғри бурчак ва эгри чизиқлар орқали **“сичқонча”** тугмасининг икки марта бўлиши натижасида сиз керакли ўлчам ва бурилиш бурчагига эришасиз. Шунингдек, қисқа вақт ичида Web анимацияни (саҳифани ҳаракатга келтириш) яратишингиз мумкин.

Шунингдек, нақш композицияларини ранглашда Corel Draw 11 профессионал график дастури анча қулайдир. Унда нақш композициясини турли колоритда ранглаб кўришингиз мумкин. Бу жараёни гирих нақш композициясини ҳосил қилиш ва ранглаш орқали кўриб чиқамиз.

Corel Draw 11 дастурини ишга тушуриш учун унинг ёрлиғи расмини иш столидан топиб, устига **“сичқонча”** кўрсаткичини олиб келинади. Сичқончанинг чап тугмасини икки марта босилади. Агар бу расмчани экрандан топа олмасангиз, қуйида жойлашган масалалар понелидаги **“пуск”** менюси устига **“сичқонча”** ни олиб келиб, чап тугмасини бир марта босилади. Қуйидаги ойна намоён бўлади. (18-расм). Намоён бўлган рўйхатдан **“программы”** қисмини танланг. Ўнг томондаги рўйхатдан Corel Draw 11 қаторини топинг ва устига **“сичқонча”** нинг чап тугмасини бир марта босинг.

Бу амалларни бажаргандан сўнг Corel Draw 11 дастури ишга тушади. **“Файл”** менюсидан **“импорт”** буйруғи танланади ва экранда қуйидаги ойна намоён бўлади. (19-расм). Керакли расмни танлаб олиб, уни **“импорт”** қиламиз. Экранда танланган расм, яъни гирих композицияси пайдо бўлди. (20-расм). **“Масштаб”** тугмаси орқали гирих нақшининг бир бўлаги катталаштириб олинади. (21-расм). Шу бўлакни **“инструмент”** менюсидаги **“свободная рука”** иш қуроли билан чизиб олинади. (22-расм). Чизилган чизиқлар бирикмасини **“редактировать”** менюсидаги **“дублировать”** буйруғи орқали кўпайтириб, кейин уларни бириктириб оламиз. (23-расм). Қуйидаги гирих композицияси ҳосил бўлади. Бириктириш **“шифт”** орқали менюдаги **“группа”** тугмаси билан бажарилади. (24-расм). Кейин **“эффект”** менюсидаги **“контур”** очилади (25-расм) ва **“сдвиг”** га керакли ўлчам қўйилиб, **“принять”** тугмаси босилади. (26-расм). Шунда гирих композицияси қалинлиги ҳосил бўлади. (27-расм). Сўнгра **“компоновать”** менюсидаги **“разбить на части”** буйруғи бажарилади (28-расм) ва ўртадаги чизиқ белгилаб олиб ташланади. Кейин композициянинг четига хошия чизиб, уни **“шифт”** орқали гирихга бириктирилади ва менюдаги **“комбинировать”** тугмаси босилади. (29-расм). Энди хоҳлаган ранг пиктограммаси босилади. Мана гирих композицияси бир усулда рангланди. (30-расм).

Ранглашнинг яна бир усули: объект танланиб, **“шифт”** орқали фон ҳам белгилаб олинади. Менюдан **“обрезка”** тугмаси босилади. (31-расм). Сўнгра объектни олиб ташлаймиз ва заминни (фонни) белгилаб оламиз. Менюдан **“разбить на части”** тугмаси босилади. Сўнгра гирихнинг ҳар бир бўлаклари турли рангда бўялади. Нихоят, биз хоҳлаган колоритдаги гирих композицияси ҳосил бўлди. (32-расм).

IV. 3. БУЮМЛАРГА БАДИЙ ИШЛОВ БЕРИШ.

Турли ашёларга бадий ишлов беришнинг ўзига хос технологиялари мавжуд. Ёлоч, гипс, пластмасса, фанер, цемент юзага ва бошқа жойларни юзасига нақш ишлаш технологияси борки, безашдан аввал бир қанча юзага ишлов берилади. Уй-рўздорда кўп ишлатиладиган буюмлар: каркиз, рамка, кутича, курси, хонтахта, шкаф ва бошқалар яшаш ва уларга нақш ишлашда қуйидаги босқичда амалга оширилади. Ясаладиган буюмни эскизи қаламда ва рангда бажарилади. Композиция чизилади ва бир бўлаги икки хил колоритда эскиз қилинади. Буюм учун керакли материал ажратилгандан кейин буюм ясалади. Масалан, хонтахта ясаиб бўлингандан сўнг шпаклёвка куракчада суртилади ва қурилади ва текисланади. Хонтахта усти грундовка қилинади. Тайёрланган нақшларни ахтаси тайёрланиб ишчи юзаларга хока ёрдамида тушириб чиқилади. Нақш юзаларга ранг берила бошланади. Аввал катта юзалар кейин эса кичик юзалар бўяб чиқилади. Нақшнинг новда, шкуфта гул ва барглари бўяб чиқилади. Нақш юзаларга ранг беришда ранг колоритига, нақшнинг жозибадорлигига, ранг тозалик ва тиниқлигига, рангларнинг тўйинганлик даражаси ва бошқаларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Нақшларга пардоз берилгандан сўнг сиёҳ, қалам тортилади ва сўнги яқунловчи пардоз ишлари амалга оширилади. Юзаларга бир неча бор лок берилади.

11-машқ.

Олти рахли хонтахта ясанг ва уни яшил колоритда бўянг ва унга пардоз беринг.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Шпаклёвка, ахта, хока.

САВОЛЛАР:

1. Буюмларга қанақа босқичда бадий ишлов берилади?
2. Грунтовка нима?
3. Нақшларни қанақа босқичда бўялади?
4. Нақшланадиган ёлоч буюмларни санаб беринг.
5. Ўзбек усталарининг ёлоч буюмларга чизиладиган нақш турларини санаб беринг.
6. Ёлоч буюмларга ишлов бериш ва грунтлашни тушунтириб беринг.
7. Ахта ва хока нима?
8. Ёлоч буюмларига пардоз беришда қанақа ранг қоидаларига эътибор берилади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Куроъни Карим/ Таржима ва изохлар муаллифи Аловуддин Мансур. –Т. Чўлпон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т. Ўзбекистон, 1992. -48 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсаласида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т. Ўзбекистон, 1997. -326 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т. Ўзбекистон, 1997. -64 б.
5. “Таълим тўрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни// Халқ таълими журнали. –Т. 1997. 5-сон. 4-16 б.
6. Кадрлар тайёрлаш. Миллий дастури// Халқ таълими журнали. 1998. 1-сон. 3-39 б.
7. Ўзбекистон Бадий Академиясини ташкил этиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 3 январь фармони “Халқ сўзи” газетаси. –Т. 1997 йил 24 январь.
8. Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатни янада ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 март фармони “Халқ сўзи” газетаси. –Т. 1997 йил 1 апрель.

9. Азимов И. Ўзбекистон нақшу-нигоралари. –Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. -132 б.
10. Булатов С. Ганчкорлик, наққошлик ва ёлч ўймакорлигига оид атамаларнинг изохли луғати. Мехнат, -Т. 1991.
11. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. –Т. Мехнат. 1991. – 386 б.
12. Джос В.В. Практическое руководство к тесту Люшера Кишенов. Периодика. 1990. -174 ст.
13. Зайцев А.С. Советы мастеров. Ленинград. 1979. -374 ст.
14. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Қомуслар бош тахририяти. –Т. 1996. - 240 б.
15. Кузин В.С. Психология. Учебник для художественных училищ. 2-е изд. перераб. и доп. –М. Высшая школа. 1982. -256 ст.
16. Крауклис В.С. Альбом коеров. Ленинград. Стройиздат. 1986. -184 ст.
17. Набиев М. Рангшунослик. –Т. Ўқитувчи. 1985. -40 б.
18. Однарадов Н.В. Материалы в изобразительном искусстве. –М. Просвещение. 1983.
19. Перышкин А.В. Физикадан факультатив курс. –Т. Ўқитувчи. 1977.
20. Ростовцев Н.Н. Методика преподавания изобразительного искусство в школе. –М. Просвещение. 1980. -208 ст.
21. Сойибов Т. Композиция. –Т. Ўзбекистон. 1999. -97 б.
22. Турсуналиев Т.Н. Рангшуносликка оид терминлар луғати. –Т. Низомий номидаги ТДПУ. 2002. -20 б.
23. Тютюнник В. Материалы и техника живописи. –М. Издательство Академии художеств. 1962.
24. Ўзбекистон Энциклопедияси. 1-ХV томлар. –Т. Фан. 1971-1980.
25. Ўзбекистонда ва чет-элларда чоп этилган журналлардан фойдаланилди. Масалан: “Юный художник”, “Художник”, “Наука и жизнь”, “Саодат”, “Гулистон”, “Ёш куч”, “Мактабгача тарбия”, “Бошланғич таълим”, “Мулоқот” ва бошқа ойномалардан ҳамда “Қалб кўзи”, “Оила ва жамият”, “Миллий тикланиш”, “Тошкент оқшоми” каби рўзномалардан фойдаланилади.
26. Фрилинг Г., Ксавер А. Человек – цвет – пространство (прикладная цветопсихология). –М. Стройиздат. 1973. -141 ст.
27. Шорохов Е.В. Оснлвы композиции. –М. Просвещение. 1981.
28. Эгамов Х. Бўёқлар билан ишлаш. –Т. Ўқитувчи. 1981. -56 б.
29. Азимова Б. Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси. –Т. Ўқитувчи. 1984. -56 б.
30. Булатов С.С., Ашурова М. Амалий санъат қисқача луғати. Қомуслар бош тахририяти. –Т. Мехнат. 1992. -48 б.
31. Виннер А.В. Материалы живописи искусство. –М. Высшее школа. 1954.
32. Возрастные и индивидуальные особенности образного мышления участия. (Под. ред. И.С.Якименский). –М. Педагогика. 1989. -224 ст.

- 33.Гусев В.Н. Акварельные краски. –М. Гисместпром. 1947.
- 34.Зохидов П.Ш. Зеб ичра зийнат. –Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1985.
- 35.Масленникова З.Д. Работа красками в школе. –М. Учпедгиз. 1959. - 144 ст.
- 36.Рудин Н.Г. Руководство по цветоведению. –М. Гизлекпром. 1956. -48 ст.
- 37.Қосимов Қ. Наққошлик. –Т. Ўқитувчи. 1990. -160 б.
- 38.Ғозиев Э. Психология. –Т. Ўқитувчи. 1994.
- 39.Хасанов Р. Бошланғич синфларда нақш чизиш методикаси. –Т. Ўқитувчи. 1972. -108 б.

РАНГШУНОСЛИККА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ИЗОХЛИ ЛУҒАТИ

Марказий Осиё санъати қадимийлиги, бой маданияти билан дунёга машхурдир. Унинг заминиди қад кўтариб турган ва тупроқ ости қатламлари орасидан топилаётган тарихий қазилма ёдгорликлари ўзига хос ўлкан бир музейни ташкил қилади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарлардаги ҳар бир тарихий обида, ҳар бир халқ амалий безак санъати ўтмиш авлодларимиз томонидан яратилган такрорланмас, теран мазмунли, баркамол ва тарихнинг юқори бадиий қийматли маданият ёдгорлиги намунаси сифатида халқимизнинг, жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бўлган бадиий ва маънавий меросини ташкил этади.

Асрлар давомида ортирилган маданий бойлигимиз, хусусан ўзбек миллий халқ амалий безак санъатининг ганчкорлик, наққошлик, ёлч ўймакорлиги, тоштарошлик, суяк ўймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, саватчилик, бўйрачилик каби турларининг ўзига хос бажариш технолгияси, ҳақиқий асл номлари, ўзига хос мактаблари, услублари, яратган усталарнинг номлари аста-секин йўқолиб кетиш хавфи остида қолди. Шунинг учун халқимизнинг асрлар бўйи қилган ижодий меҳнати натижасида яратилган ва яратиб келинаётган ўзбек халқ амалий безак санъатини кўз қорачиқидек

сақлаш, кадрлаш, улардан амалда фойдаланиш, ёшларга ўргатиш орқали уларнинг эстетик дидини ўстириш, ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялаш ҳозирги давримизнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бироқ ҳозиргача ўзбек халқ ҳунармандчилигига оид атамаларнинг бирорта ҳам изохли луғати яратилмаган. Ҳозирги вақтда изохли луғатларга бўлган эҳтиёж нисбатда ошиб бормоқда. Ёшлар санъат сирларини ўрганаётганда жуда кўп тушунчаларга ва атамаларга дуч келадиларки (масалан, мадохил, турунж, минқор, қандил, рута, изора, морпеч, таноб ва бошқалар), уларнинг маъно ва мазмунини излаган вақтда тегишли адабиётлардан топиш амримаҳол. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида айрим атамалар ўзларининг маҳаллий шеваларида ҳар хил ифодаланади. Масалан: ганчи Тошкентда ганч деб юритилса, Марғилонда бўр деб, ахтани эса Хоразмда улги дейилса, Тошкентда ахта деб юритилади ва ҳоказо.

Атамалар изохли луғатининг яратилиши ифодаларни тушунишдаги ҳар хилликка барҳам беради. Ўқувчиларни халқ усталарининг бу санъат соҳасидаги ютуқлари билан таништиришда ҳамда келажак авлодга ўзбек миллий санъатини мустаҳкам ўргатишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, халқ амалий безак санъати сирларини чуқур ва ҳар томонлама ўргана олмаган уста ҳеч қачон шу ишни қиймага етказиб амалда бажара олмайди. Шуларни ҳисобга олиб, тажрибали усталар санъатшунослик, тилшунослик мутахассисларнинг терминларини тўплаш, ўрганиш, тадқиқ этиш, ҳақидаги фикрларини ўрганилди. Ҳамда ҳар хил адабиётлар, мақолалар, архив, манбалари билан танишиб, ўрганиб чиқилди. Терминларнинг маъноларини тушунтириб беришга ҳаракат қилинди.

ЛУҒАТ

АСОСИЙ РАНГ – Табиатдаги сариқ, қизил, зангори ранглар. Шу рангларни бир-бирига озми-кўпми аралаштириш натижасида бошқа иккинчи даражали ранглар келиб чиқади.

АХРОМАТИК РАНГ – юнонча рангсиз деган маънони билдириб, улар бир-биридан ютадиган ёки тарқатадиган ёруғлик кучи билан фарқ қилади. Уларга оқ, қора ва кул ранглар киради.

БЎЁҚ – юпка қатлами қуригандан сўнг шаффоф бўлмаган, сирни емирувчи моддалардан сақлайдиган ва унга чиройли ташқи кўриниш берадиган парда ҳосил қиладиган модда. Мойли бўёқлар, гушаъ, акварель, темпера ва бошқа бўёқ турлари мавжуд. Бўёқлар қоғоз, картон, тунука, газмол, ёлоч ва бошқа материалли буюмларни бўяш учун ишлатилади. Ҳар бир бўёқ тури ўзига хос хусусиятга ва ишлатиш технологиясига эга. Бўёқлардан бўёқчиликда, техникада, халқ амалий санъатининг кўпгина турларида кенг фойдаланилади.

ГУАШЬ – французча, италянча – сув бўёғи деган маънони билдиради. У сувли, унча тиниқ бўлмаган бўёқ. Гуашь ширач ва белила аралаштириб, сув қорилган бўёқ бўлиб, акварелга, бўёқларнинг юмшоқ хилларига ўхшасада, оқ

бўёқ кўшилганлиги, бўёқ қатламларининг хиралиги билан фарқ қилади. Гуашь бўёқлари пластмасса, шиша банкачаларда, тобиклар ҳолида ишлаб чиқарилади. Гуашь бўёғи куюқ қаймоқ кўринишда бўлади. У қуриб қолмаслиги учун устига глицерин, сув, кучсиз олча шираси ва бошқалар қуйилади. Гуашь бўёғида ишлашнинг ўзига хос технологияси бўлиб, мўй қаламда осон олиниши, кўрилганда ўқаланиб, суркалиб кетмаслиги, таг қисмидаги бўёқ қаватининг бир текисда тўла беркитадиган бўлиши керак. Гуашь бўёғининг таркибий боғловчиси декстрин, глицерин ҳисобланади. Гуашь бўёғини тайёрлашда бўёқ кукнларидан фойдаланилади. Гуашь бўёғида акварель мўй қаламлари ва улардан бир оз қаттиқроқ, мўй қаламлар ҳамда бўёқлари учун чиқарилган мўй қаламлардан ҳам фойдаланилади. Махсус рассомчилик ва бадий ишларида алоҳида эмульсиялардан тайрланган гуашь бўёқлар ишлатилади. У ўзининг тиниқлиги, рангининг чиройлилиги билан фарқланади. Гуашининг флюоресценцияли гуашь деб аталадиган тури ҳам бўлади. У олти хил рангда бўлиб, полиэтилен тубикларга солинган бўлади. Бу гуашь турининг акварель ва темпералар билан аралаштириб ишлатса ҳам бўлади. Флюоресценцияли гуашь ўзининг чиройлилиги, тиниқлиги ва ёрқинлиги билан ажралиб туради. Умуман гуашь бўёқлари расмлар, нақшлар ҳар хил газета, плакатлар, широрлар ёзишда ва бошқалар ишлатилади.

ЁРУҒЛИК ШУЪЛАСИ – рефлекс, ёруғлик нурларининг атрофдаги предметга нисбатан жойланиши.

ЁРУҒЛИК КОНТРАСИ – ёрқинлик қарама-қаршиликлари, рангнинг ёрқинлиги, ёнма-ён турган ранглар таъсирида ўзгаришига айтилади.

КОЛЕР – бирор жойга тайёрланган бўёқ.

КОЛОРИТ – бадий асардаги етакчи ранг.

КОМПОЗИЦИЯ – лотинча сўздан олинган бўлиб, бир-бирига нисбатан маълум тартибда жойлаштириш, бирлаштиришни англатади.

ЛАЗУРЬ - ҳаво ранг, зангори бўёқ.

ЛОК – сиртга суртилганда қотиб, ялтироқ қаттиқ парда ҳосил қилувчи органик моддалар аралашмаси.

ОРАЛИҚ РАНГ – ранг доирасини ташқи ҳалқасида сарик, яшил, кўкиш, бинафша ва ҳоказо тартибида жойлашадиган ранглар.

ПИГМЕНТ – кукуни, унга ўхшайди, рангли қуруқ бўёқ. Ганч ўймакорлигида қирим ва заминни рангли қилишда тез ганчга кўшиб, ранг тайёрланади. Безак ишларида рангли бўёқлар тайёрлашда турли пигментлардан фойдаланилади.

РАНГЛАРНИНГ ВАЗМИНЛИГИ – рангларнинг кишида оғир ва енгил тассуротлар уйғотувчи хусусияти, тўқ ва оч ранглар.

РАНГЛАР ГАРМОНИЯСИ – рангларнинг бир-бирига мувофиқ тушиши.

РАНГЛАРНИНГ ТЕНГЛАШИ ҚОНУНИ – тенглик, рангларнинг ўзаро мувофиқлашув қонуни, тўлдирувчи ва қарама-қарши ранглар мисолида кўриш мумкин.

РАНГЛАРНИНГ ТОЗАЛИГИ – мазкур рангнинг спектр рангга яқинлаштириб бориши. Спектр ранглар энг тоза рангларди.

РАНГЛАРНИНГ ФАЗОВИЙ ХУСУСИЯТИ – рангларнинг зичлиги, енгиллиги юзани узоқлаштириб ёки яқинлаштириб кўрсатиш қобилияти.

РАСМ – қоғоз, фанер, мато, металл, ганчга девор ва бошқаларга чизиб, ўйиб ва бўяб ишланган тасвир.

СИММЕТРИЯ – юнонча сўз бўлиб, ўлчовларнинг бир-бирига мослиги, танглиги, мутаносиблигидир. Симметриянинг бир қанча турлари бор.

СИНЬКА – майда унга ўхшаган майин ранг пигмент. Уни ганч ўймакорлар баъзи ҳолларда хока тайрлашда ва рангли ганч тайёрлашда ишлатадилар.

СОВУҚ РАНГЛАР – музни, қорни, сувни эслатувчи зангори кўкиш, яшил, тўқ бинафша ва ҳаво ранглардир.

СТИЛИЗАЦИЯ – умумлаштириш. Табиатда гул, новда, барг, қуш, ҳайвон, одам ва бошқаларни наққош томонидан умумлаштириб тасвирланиши.

ҚИЗИЛ КЕСАК – тупроқнинг бир тури бўлиб, ганч ўймакорлигида бўёқ сифатида майдалаб ишлатилади. Чунончи, рангли ганч тайёрлашда гул ганчга ёки тез ганчга майдалаб, элакдан ўтказиб қўшилади. Аввал ганч ўймакорлигида ишлатилган, ҳозир эса ҳар энги бўёқлар тайёрлашда ишлатилади.

ҲАЛ – бирор нақшга (тасвирга) тайёрланган тилда ёки кумуш бўёқ ёки алюминий, жез, рух, қалай кумуш ҳамда олтинлардан тайёрланган кукун. Металл буюмларни ҳаллашда ишлатилади. Буюмлар сиртига ҳал гальвани усулда ёки металлаш, кимёвий ишлов бериш йўли билан қопланади. Металлмас буюмлар сиртига металл ҳамда металл қоришмаларидан тайёрланган кукун яъни ҳал юритилади. Ҳални локка қориб кейин эса бирор сиртига сурилади. Заргарлик ва архитектура деталларига жуда юпқа қилиб зарҳал яъни олтин суви юргизилади.

АХРОМАТИК СИРТ – ўзида муайян ранг тусларини акс эттирмайди. Сиртлар бир-бирларидан фақат ёруғлик кучлари, туслари ва ёруғликни ютиш даражалари билан ажралиб турадилар.

АКТИВ РАНГЛАР - руҳни тетиклаштирувчи илиқ ранглар.

БИР ВАҚТДАГИ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК – ёруғлик кучи ва тусларининг қўшни рангларга боқлиқ равишда ўзгариши.

ГАММА – муайян муносабатдаги ранглар сираси (рангларнинг шартли тизмаси).

ГАРМОНИЯ – ранглар уйлунлиги.

ИЛИҚ РАНГ – ўтти қизиган жисмларини, қуёшни эслатувчи сариқ, тўқ сариқ, сарғиш, зарғалдоқ, қизил ва бошқа ранглар.

ИНТЕНСИВЛИК – рангларнинг зичлиги, тўйинганлиги, рангдорлиги, равшанлиги.

ҚАДМИЙ – кадмий (химик элемент, ялтироқ, оқ металл) бўёқларга қўшиладиган модда.

ПЕРСПЕКТИВА – қисқариш демакдир. Ҳаво перспективаси, ранг перспективаси, табиатдаги ҳар хил перспективалар, масалан, темир йўлларнинг қисқариши.

РАНГ ЁРҚИНЛИГИ – рангнинг ёруғлик нурларини кўп ёки кам миқдорда акс эттириш хусусиятидир. Бунда ёруғлик нурлари кўп акс этса, ранг оч тусда, кам этганда эса тўқ тусда идрок қилинади.

РАНГ ТҶЙИНГАНЛИГИ – тўйинганлик. Хроматик рангининг тўйинганлиги деб, ранг тусининг ёрқинлиги бўйича ўзига тенг келадиган кул рангни ўз ранг тусини сақлаган ҳолда кўп ёки кам миқдорда сингдириш қобилияти.

РАНГЛАРНИ АРАЛАШТИРИШ – икки хил рангдан учинчи хил рангни ҳосил қилиш.

РАНГ ҲАЛҚАСИ – рангларнинг доира бўйлаб, спектр ранглари каби жойлашиши.

РАНГ ТУСИ – рангларнинг характери хусусиятларидан бири, яъни рангларнинг тўлқин узунлигига қараб, аниқланадиган хоссаси. Бунга кўра қизил, сариқ ва ҳоказо ранглар идрок қилинади ва аниқланади.

РАНГ КОНТРАСТИ – ранг қарама-қаршилиги, бир хил рангнинг ўз атрофидаги рангларга боғлиқ ҳолда ўзгартирилиб, идрок қилиниши. Масалан, тўқ оч яшил ва ҳоказо.

ТАНЛАБ СИНГДИРИШ – буюмларнинг спектрдаги барча рангларни ютиб, бирортасини қайтариш хусусияти. Масалан, бирор буюм қизил нурларни қайтарса – яшил бўлиб кўринади ва ҳоказо.

ТЎЛДИРУВЧИ РАНГ – иккита ранг аралашмасининг натижаси: маълум миқдорда аралаштирилганда ахроматик ранг ҳосил қиладиган иккита хроматик ранг. Тўлдирувчи ранг тусидан кўшимча ранг туслари ҳосил бўлмайди.

ФОН – фон ҳар хил материаллардан, масалан, қизил, оқ, зангори ва ҳоказо рангдаги газмоллардан, манзара ишлашда тоғлардан, дарахт, осмон ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

ҚУЁШ СПЕКТИРИ – ёруғликнинг призма орқали таралашидан экранда ҳосил бўлган рангли нурлар полосаси.

ҚЎШИМЧА РАНГЛАР – қизил, сариқ ва зангори бўёқларнинг аралашувидан ҳосил бўлган омехта ранглар.

ХРОМАТИК РАНГЛАР – муайян ранг тусига эга бўлган бўёқ: қизил, яшил, кўк ва ҳоказолар.

ХРОМАТИК СИРТ – ўзида хроматик ранг тусларини акс эттирган сирт. У танлаб сингдириш қобилиятига ҳам эга.

ХРОМАТИК КОНТРАСТ – бирор ранг тусининг у билан ёнма-ён турган ранг туси таъсирида ўзгариши.

ЧЕГАРА ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ – кўпроқ ахроматик рангларда кузатилади. Масалан, оч кул ранг ёнма-ён турганда, иккаласининг бирлашган жойига қаралса ранг туси худди тўқ тусдаги кул рангга, баъзан қорага ўхшаб кетади.

ЭТЮДНИК – икки хил бўлади: мой бўёқлари учун ҳамда сув билан ишлатиладиган бўёқлар мўлжалланган этюдник. Этюдникка ишлатишига қараб, мой бўёқлари, мўй қаламлар, акварель бўёқлари, қоғозлар ва ҳоказолар солиб қўйилади. Мой бўёқлари учун ишлатиладиган этюдниклар катта ва кичик ўлчамларда бўлиб, оёқчалари йиқилади.

ЭСКИЗ – муайян асар ёки натуранинг кичик ҳамда катта ўлчамдаги тез ишланган нусхаси. Эскизлар гуашь, мой бўёқлари, акварель ва ҳоказо билан қоғозга, холстга, картонга ишланади.

ЭТЮД – табиат манзараларидан, масалан, қуёшнинг чиқиш ва ботиш пайтларидан қисқа вақт ичида қўчирилган чизиқли ёки рангли тасвир.

- А -

АКВАРЕЛЬ – латинча “сув” бўлиб, сувга қориладиган бўёқ.

АХРОМАТИК СИРТ – ўзида муайян ранг тусларини акс эттирмайди. Сиртлар бир-бирларидан фақат ёруғлик кучлари, туслари ва ёруғликни ютиш даражалари билан ажралиб турадилар.

- Б -

БИР ВАҚТДАГИ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК – ёруғлик кучи ва тусларнинг қўшни рангларга боғлиқ равишда ўзгариши.

- Г -

ГАММА – муайян муносабатдаги ранглар сараси.

ГАРМОНИЯ – ранглар уйғунлиги. Қадимги юнон афсоналарида келтирилишича, гўзаллик маъбудаси қизилнинг исми гармония экан. “Гармония” туб маъноси билан гўзаллик рамзидир. Асрлар ўтиши билан бу ибора, умуман, исми жисмига монанд, ҳамоҳанг, шаклан мутаносиб, уйғун, мукамал, ҳар жихатдан баркамол деган маънони касб этади.

- Д -

ДИАПАЗОН – ранг тус сезишнинг кенглиги даражаси, хилма-хиллиги кўлами.

- И -

ИЛИҚ РАНГ – ўтти, қизиган жисмларни, қуёшни эслатувчи сариқ, тўқ сариқ, сарғиш, зарғалдоқ, қизил ва бошқа ранглар.

ИНТЕНСИВЛИК – рангларнинг зичлиги, тўйинганлиги, рангдорлиги, равшанлиги.

- К -

КАДМИЙ – кадмий (химик элемент, ялтироқ, оқ металл) бўёқларга қўшиладиган модда.

КУКУН – бўёқ тайёрлашда ишлатиладиган қаттиқ жисмларнинг майдаланган зарралари.

- М -

МОЙ БҮЁҚ – санъатда кенг қўлланиладиган бўёқ тури. У зиёр мойни бўёқ қуқунига қориштириш натижасида ҳосил бўлади.

- О -

ОМИХТА РАНГЛАР – иккита рангни аралаштириб, ҳосил қилинган ранг туси. Масалан, қизил билан сариқ рангни бир-бирига аралаштириб зарфалдоқ ранг ҳосил бўлади.

- П -

ПЕРСПЕКТИВА – қисқариш демақдир. Ҳаво перспективаси, ранг перспективаси, табиатдаги ҳар хил перспективалар, масалан, темир йўлларининг қисқариши.

- Р -

РАНГ ЛАВҲАЛАР – тезлик билан, дастлабки тассуротларга асосланган ҳолда бўёқ билан бажариладиган тасвирлар.

РАНГ ЁРҚИНЛИГИ – рангнинг ўзида ёрулик нурларини кўп ёки кам миқдорида акс эттириш хусусиятидир. Бунда ёрулик нурлари кўп акс этса, ранг оч тусда, кам акс этганда тўқ тусда идрок қилинади.

РАНГ ТҮЙИНГАНЛИГИ – тўйинганлик. Хроматик рангнинг тўйинганлиги деб, ранг тусининг ёрқинлиги бўйича ўзига тенг келадиган кул рангни ўз ранг тусини сақлаган ҳолда кўп ва кам миқдорда сингдириш қобилияти.

РАНГ УЙҒУНЛИГИ – “колорит”, тасвирда рангларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириши, мувофиқ келиши, умумий ранг жилвасига бўйсунганлиги.

РАНГЛАРНИ АРАЛАШМАСИ – бир неча ранглардан ҳосил бўлган ранг.

РАНГ ҲАЛҚАСИ – рангларни доира бўйлаб спектр ранглари тартибида жойлашган кўриниши.

РАНГЛАР МАЖМУИ – ишлатиланаётган бўёқ хилларининг кўплиги.

РАНГ ТУСИ – рангларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири, яъни рангларнинг тўлқин узунлигига қараб аниқланадиган хоссасидир. Шунга кўра қизил, сариқ ва ҳоказо рангларнинг оч ва тўқ туслари идрок қилинади ва аниқланади.

РАНГ ГАММАСИ – наққошликда етакчи ранг, унинг хусусиятини белгиловчи ранглар мажмуи.

РАНГ КОНТРАСТИ – ранг қарама-қаршилиги, бир хил рангнинг ўз атрофидаги рангларга болиқ ҳолда ўзгартириб идрок қилиниши. Масалан, тўқ ранг ёнида оч ранг туси янаям очроқ, тўқ ранг туси эса янада тўкроқ ҳолда идрок қилинади.

- С -

СИЛУЭТ – соя тасвир демакдир. Оқ фонда бир хил рангда. Масалан, қора, кул ранг ва ҳоказолар ясси кўринишда тасвирланган. Хажмсиз тасвир, сурат (одам ёки буюмлар тасвири ва расми).

- Т -

ТЕМПЕРА – лотинча сўздан олинган бўлиб, “аралаштириш” деган маънони англатади. Темпера ҳам сув билан ишлатиладиган бўёқлар туркумига киради.

ТУС – ёруилик миқдори, ранг туси каби маъноларни англатади. Бадий асарда ранглар бирикмасининг умумий туси, ёруироқ ёки хирароқ эканлиги тушунилади.

ТУС МУНОСАБАТИ – тўқ очик (ранг, айна пайтда тус оқ-қоралиги билан биргаликда нисбатларини аниқлаш).

ТУШЬ – махсус қора бўёқ, графикада ишлатилади.

- Ф -

ФОН – ранг-тасвирда “таг ранг”, “замин” сифатида қўлланилади. Бунда фон ҳар хил материаллардан. Масалан, қизил, оқ зангори ва ҳоказо рангли газмоллардан, манзара ишлашда тоқлардан, дарахт, осмон ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

- Х -

ХИРА РАНГ – вақт ўтиши билан жилосини йўқотган ранг туси. Баъзан иккита ранг туси ўзаро аралашганда ҳам хира, хунук ранг туслари ҳосил бўлиши мумкин.

- Ш -

ШУЪЛА – рефлексга ўхшаш, лекин атрофдаги нарсаларга урилиб қайтган нурлардан ҳосил бўлади ва ёрқинланиб туради.

- Ҳ -

ҲАЛ – олтин ёки қумуш, алюминий, тез, рух, қалайдан тайёрланган бўёқ.

МУНДАРИЖА

Кириш

I боб. Рангшунослик фанининг назарий асослари.

1. Ранг нима ўзи?
2. Рангшунослик тарихи;
3. Ранг номларини келиб чиқиши;
4. Рангларнинг рамзий маънолари;
5. Рангларнинг психологик асослари;
6. Рангларнинг тарбиявий ўрни.

II боб. Рангшуносликда ишлатиладиган бўёқлар ва асбоб-ускуналар.

1. Рангшуносликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар.
2. Бўёқлар тайёрлаш технологияси
3. Акварель бўёғи ва унинг ўзига хос хусусиятлари;
4. Акварель бўёқларидан фойдаланиш технологияси;
5. Гуашь бўёғи билан ишлаш технологияси;

6. Темпера бўёли ва унинг ўзига хос томонлари;
7. Мойбўёқ билан ишлаш технологияси.

III боб. Рангшуносликка оид амалий машқлар тизими.

1. Ранг турлари;
2. Ранг туслари;
3. Ахроматик ранглар;
4. Илиқ ва совуқ ранглар;
5. Рангларнинг очланиши (оч-тўқлиги);
6. Бир рангнинг иккинчи рангнинг оч-тўқлигини фарқлаши;
7. Қўшимча ранглар;
8. Контраст ранглар;
9. Рангларни тўйинтириш;
10. Илиқ рангларни совуқ ранг тусига, совуқ рангларни илиқ ранг тусига ўтиши;
11. Ўзаро тўлдирувчи ранглар.

IV боб. Нақш композиция ва буюмларни бўяш технологияси.

1. Халқ ustalарининг ишларидан нусхалар олиш технологияси;
2. Нақш композицияларини янги технологиялар асосида тузиш ва ранглаш (COREL DRAW 11 GRAPHICS SUITE ГРАФИК дастурлардан фойдаланиш).
3. Буюмларга бадиий ишлов бериш технологияси;

Рангшуносликка оид терминлар луғати.

Фойдаланилган ва фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

Иловалар:

1. Тест саволлари.
2. Рангшуносликка оид қўшимча материаллар.

Иловалар - 1

РАНГУШУНОСЛИККА ОИД ТЕСТЛАР

1. Қуёш нури бир неча ранг нурлари тутамидан иборат эканлигини қайси физик олим аниқлаган ва системага солган?
 - а) Архимед.
 - б) Б.паскаль
 - в) И.Ньютон.
 - г) Г.Галилей.
2. Спектр ранглар асосан неча хил бўлади?
 - а) 3 хил.
 - б) 7 хил.
 - в) 8 хил.

г) 24 хил.

3. Асосий ранглар қайсилар?

а) сариқ, яшил, қизил.

б) сариқ, кўк, яшил.

в) сариқ, оқ, қизил.

г) сариқ, қизил, кўк.

4. Сариқ ранг қайси ранглар тўпламига киради?

а) совуқ ранглар

б) ахроматик ранглар.

в) спектр ранглар.

г) совуқ ва ахроматик рангларга киради.

5. Кулранг қайси ранглар таркибига киради?

а) ахроматик рангларга.

б) хроматик рангларга.

в) илиқ рангларга.

г) совуқ рангларга.

6. Яшил ранг қайси ранг туркумига киради?

а) спектр ранглар туркумига.

б) хроматик ранглар туркумига.

в) ахроматик ранглар туркумига.

г) спектр ва хроматик ранглар туркумига киради.

7. Оқ ранг қайси ранг туркумига киради?

а) ахроматик ранглар туркумига.

б) хроматик ранглар туркумига.

в) илиқ ранглар туркумига.

г) совуқ ранглар туркумига.

8. Бинафша ранг қайси ранглар туркумига киради?

а) спектр ранглар туркумига.

б) хроматик ранглар туркумига.

в) ахроматик ранглар туркумига.

г) хроматик ва спектр ранглар туркумига.

9. Қайси ранглар “Ахроматик” мисобланади?

а) сариқ, кўк, қизил ва шунга яқин ранглар.

б) нилобий, кўк, бинафша ва шунга яқин ранглар.

в) сариқ, зарфалдоқ, жигар ранг ва шунга яқин ранглар.

г) оқ, кул ранг, қора ва шунга яқин ранглар.

10. Қайси ранглар “Хроматик” дейилади?
- а) оқ, кул ранг, қора.
 - б) сариқ, қора, яшил.
 - в) қизил, сариқ, кўк ранглардан бошқа ранглар.
 - г) оқ, кул ранг, қора ранглардан бошқа мамма ранглар.
11. Спектр рангларнинг тўри тартибда ёзилганини аниқланг.
- а) оқ, сариқ, зарлалдоқ, қизил, жигар ранг, бинафша, қора.
 - б) қизил, зарлалдоқ, сариқ, яшил, кўк, зангори, бинафша.
 - в) зарлалдоқ, сариқ, яшил, кўк, зангори, бинафша.
 - г) Б ва В жавоблар тўри.
12. Энг тоза ранг қайсилар?
- а) ахроматик ранглар.
 - б) спектр ранглар.
 - в) барча совуқ ранглар.
 - г) барча илиқ ранглар.
13. Совуқ ранглар қайсилар?
- а) яшил ва сариқга яқин ранглар.
 - б) қизил ва зарлалдоқ яқин бўлган ранглар.
 - в) кўк ва ферузага яқин бўлган ранглар.
 - г) бинафша ва ёрқин қизилга яқин бўлган ранглар.
14. Ранг контрасти нима?
- а) рангнинг карама-қаршилиги.
 - б) ранглар тўйинганлиги.
 - в) ранглар доираси.
 - г) ранглар уйғунлиги.
15. “Гармония” сўзига берилган тўри таърифни аниқланг.
- а) рангларнинг номуносивблиги.
 - б) рангларнинг номуносивблиги.
 - в) ранглар кетма-кетлиги.
 - г) ранглар уйғунлиги.
16. Илиқ ранглар қайсилар?
- а) қизил ва сариқга яқин бўлган ранглар.
 - б) кўк ва ферузага яқин бўлган ранглар.
 - в) яшил ва қорага яқин бўлган ранглар.
 - г) барча жавоблар тўри.

17. Синька нима?

- а) майда унга ўхшаш майин даво ранг пигмент.
- б) “Изумруд” тусдаги гуашь.
- в) “Ҳаво ранг” тусдаги гуашь.
- г) совуқ рангли “Темпера”лар тўплами.

18. “Колорит” сўзига берилган тўғри таърифни топинг.

- а) ранглар уйланиши
- б) бадиий асардаги етакчи ранг
- в) икки хил рангда учинчи хил рангни мосил қилиш
- г) бу сўзнинг таърифи йўқ.

19. Актив рангларга қайсилар киради?

- а) совуқ ранглар.
- б) бир-бирига мос ранглар.
- в) руҳни тетиклаштирувчи илиқ ранглар.
- г) қарама-қарши ранглар.

20. “Нил оби” қандай ранг?

- а) оч яшил
- б) оч қизил
- в) оч сариқ
- г) оч кўк.

21. Ранг доирасининг ташқи халқасида сариқ, яшил, кўкиш, бинафша тартибда жойлашган ранглар нима деб номланади.

- а) оралиқ ранглар
- б) ранг тўйиншганлиги
- в) қарама-қарши ранглар
- г) ранг оғирлиги

22. Нурларни кўп ёки кам акс этиши хусусияти.

- а) ранг тўйиншганлиги
- б) ранг ёруғлиги
- в) ранг оғирлиги
- г) ахроматик ранг

23. Тус ёрқинлиги бўйича ўзига тенг келадиган кулранг тусни сақлаган молда кўпми камми сингдириш мусусиятлари.

- а) сирт

- б) қуёш спектори
- с) ранг тўйинганлиги
- д) ранг туси

24. Икки хил рандан учинчи хил рангни келтириб чиқариш бу...

- а) ёруғлик нурлари
- б) ранг ёрқинлиги
- в) ранг туси
- г) ранг аралаштириш

25. Ранглар малқаси деганда...

- а) рангларни доира бўйлаб жойлаштириш
- б) ёруғлик нурларини акс эттириш
- в) сарик, кўк, яшил, қора рангни кетма-кет жойлаштириш
- г) тўғри жавоб йўқ.

26. Рангларни тўлқин узунлигига қараб аниқланадиган хоссаси.

- а) ранг туси
- б) ранг енгиллиги
- в) оралиқ ранглар
- г) ҳамма жавоб тўғри

27. Рангларнинг оғирлик ва енгиллик тасаввур уйғотувчи хусусияти.

- а) фазовий хусусияти
- б) ранглар вазминлиги
- в) ранг аралаштириш
- г) тус

28. Бирор рангнинг спектор ранг тусига яқинлашиб бориши.

- а) рангнинг тозаллиги
- б) рангнинг хираллиги
- в) рангнинг синганлиги
- г) рангнинг оғирлиги дейилади.

29. Рангнинг ўзаро мувофиқлиги, қарама-қаршилиги ранг масаласида кўриниши бу...

- а) ранг аралаштирмаси қонуни
- б) ранг тенглашув қонуни
- в) ранг тўйинганлиги
- г) ранг тозаллиги қонуни

30. Рангнинг зичлиги, енгиллиги, юзаларни узоқлаштириб, яқинлаштириб кўрсатиши.

- а) спектр ранг
- б) ахроматик ранг
- в) хроматик ранг
- г) рангнинг фазовий хусусияти дейилади.

31. Қуёш спекторлари...

- а) ёруғликни призма орқали таралишидан ранг мосил қилиш.
- б) ёруғликни кўпроқ орқали тарқалиши.
- в) рангнинг фазовий хусусияти.
- г) тўғри жавоб йўқ.

32. Ёруғ нурлар кўп акс этса ранг қандай тусда ўз ифодасини топади.

- а) оч тусда
- б) тўқ тусда
- в) қизил тусда
- г) кўк тусда

33. Қўшимча ранглар қайси ранглар аралашувидан ҳосил бўлади.

- а) қизил, сариқ, зангори
- б) қизил, оқ, қора
- в) кулранг , пушти , кўк
- г) тўғри жавоб йўқ

34. Муайян ранг тусга эга бўлган қизил, яшил , кўк ранглар нима деб номланади.

- а) ахроматик ранглар
- б) хроматик ранглар
- в) қўшимча ранглар
- г) оралик ранглар

35. Хроматик сирт ўзида қандай ранглар тусини акс эттиради.

- а) ахроматик ранг
- б) оралик ранг
- в) хроматик ранг
- г) қўшимча ранг

36. Ранг қўшилган жойнинг тўқ , тусга ўхшаб кўриниши.

- а) чегара ва қарама – қарши.
- б) хроматик сирт.
- в) рангли жой.

г) тўғри жавоб йўқ.

37. Оқ, кул ранг, қора ранглардан нима ҳосил бўлади.

- а) хроматик ранглар
- б) ахроматик ранглар
- в) қўшимча ранглар
- г) оралиқ ранглар.

38. Ахроматик, хроматик сўзларининг маъносини топинг.

- а) рангсиз, рангли
- б) рангсиз, яшил
- в) ранг туси, ранг вазминлиги.
- г) ранг қалқаси, доира.

39. Хроматик рангнинг хоссаси.

- а) ранг тусига эга
- б) ранг ёрқинлигига эга
- в) ранг тўйинганлигига
- г) барча жавоблар тўғри.

40. Акварель сўзининг маъноси.

- а) сув билан қориладиган
- б) ацетон билан қориладиган
- в) мой билан қориладиган
- г) кукун билан қориладиган бўёқдир.

41. Акварель бўёғи нимадан иборат.

- а) боғловчи элемент
- б) бўёқ кукуни.
- в) А ва Б жавоблар тўғри
- г) тўғри жавоб йўқ.

ТЕСТ ЖАВОБЛАРИ

савол	жавоб	савол	жавоб
1	В	22	Б
2	Б	23	В
3	Г	24	Г
4	В	25	А
5	А	26	А
6	Б	27	Б
7	А	28	А
8	Г	29	Б
9	Г	30	Г
10	Г	31	А
11	Б	32	А
12	Б	33	А
13	В	34	Б
14	А	35	В
15	Г	36	А
16	А	37	Б
17	А	38	А
18	Б	39	Г
19	В	40	А
20	Г	41	В
21	А		

ТЕСТ ЖАВОБЛАРИ.

- | | |
|-------|-------|
| 1. А | 14. А |
| 2. Б | 15. Б |
| 3. С | 16. С |
| 4. Д | 17. Д |
| 5. А | 18. А |
| 6. А | 19. Б |
| 7. Б | 20. А |
| 8. А | 21. Д |
| 9. Б | 22. Д |
| 10. А | 23. А |
| 11. С | 24. С |
| 12. А | 25. Д |
| 13. А | 26. А |
| | 27. А |